


Ж. ҲАСАНБОЕВ, М. ТУРОПОВА,
О. ҲАСАНБОЕВА

МАЬНАВИЙ-АХЛОҚИЙ
ТАРБИЯ АСОСЛАРИ

Умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-
маърифий тарбия ишлари бўйича директор
ўринбосарлари, тарбиячилар, синф раҳбарлари
ва ота-оналар учун
методик қўлланма

Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 2000



L 74.200.53
X-31

МАЬНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

Тақризчилар: О. ТЎРАЕВА, Т. ҚУРБОНОВ, Н. АҲМЕДОВА

Нашр учун масъул: Г. Я. АЛИМОВА

Ҳасанбоев Ж. ва бошқ.

Маънавий-ахлоқий тарбия асослари: Методик қўлланма/Ж. Ҳасанбоев, М. Туропова, О. Ҳасанбоева. — Т.: F. Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000. — 112 б.

1.1,2 Автордош.


Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Республика Таълим маркази “Маънавият ва қўшимча таълим” бўлими қошидаги ИМК нашр этишга тавсия қилган.

ББК 74.200.53

X—T—X. $\frac{4404000000 - 37}{M\ 352\ (04) - 99}$ — қатъий буюртма, 99

ISBN 5-635-01756-8

© Ж. Ҳасанбоев, М. Туропова, О. Ҳасанбоева. Faфур Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000 й.



СҮЗБОШИ

Мустақил Республикамиз таълим тизимида қўлланилаётган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”дан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар томонлама камолгә етган баркамол инсон ўзида иймон-эътиқод, меҳр-шафқат, ватанпарварлик, дўстлик, муруват, қаноат ва сабр-тоқат, сахийлик, миллий гурур каби фазилатларни шакллантириши керак.

“Асрлар давомида инсон ақл-заковати или бунёд этилган бой маънавият туфайли, — деган эди Президентимиз И. А. Каримов, — ҳалқимиз магнур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Буюк алломаларимиз томонидан яратилган оғзаки, ёзма ижодиёт, ҳадиси шариф, ҳалқ китоблари, пандномаларида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган иймон-эътиқод сирларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳақидаги билимлар билан ёшларни куроллантириш лозим”.

Демак, баркамол инсон учун зарур бўлган қуйидаги хусусиятларни шакллантиришга эришиш лозим:

- ижобий фазилатлар моҳияти, мазмунини тўғри тушуниш ҳамда таҳдил қилиб, муносабат билдира олиш;
- жамоада яшаш, меҳнат қилиш малакаларини эгаллаш;
- баркамол инсонни тасаввур этиш, унинг маънавий қиёфасини шакллантириш усулларини излаш.

Ўқувчиларни маънавий бой, жисмоний жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш мақсадида дастлаб уларнинг тарбияланганлик даражасини аниқлаш лозим.

Ўқувчилар қалбини одоб-ахлоқ нурлари билан ёритмоқчи бўлган тарбиячи — ўқитувчи чукур билим, юксак маҳорат ва тарбиячилик санъатини эгалламоғи, бунинг учун:

- маънавий-тарбиявий ишларни ташкил қилишда ўқитувчи — тарбиячи назарий ва амалий асослар ҳақида билимга эга бўлиши;

- оммавий ахборот воситалари материаллари билан таниш бўлиши ва улардан керакли жойда унумли фойдалана олиши;
 - таълим тўғрисидаги ахборотлардан, янги педагогик технологиялардан воқиф бўлиши;
 - инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда ўзбек халқининг миллий ва маънавий қадриятларидан, манбашуносликдан хабардор бўлиши ва унга амал қилиши;
 - маънавий-тарбиявий тадбирларни режалаштиришда ўқувчи ёшларнинг руҳияти, қизиқиши, жамоадаги ижобий ва салбий сифатларининг мавжудлиги даражасига эътибор бериши;
 - ҳар бир масалага, воқеа-ҳодисага ижодий ёндашибиши, тарбиявий тадбирларнинг сифат ва самарадорлигини оширишда янгича ишлаш методи ва шаклларидан фойдаланиши;
 - XXI асрни қарши олаётган ўзбек оиласида юксак маънавий баркамол инсонни тарбиялашда маҳалла ва жамоатчиликнинг ижобий таъсирини кучайтирувчи тадбирларни жорий этиши зарур.
- Мазкур қўлланма мактабларнинг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарлари, ўқитувчи, тарбиячилари учун мўлжалланган бўлиб, бу соҳадаги дастлабки ишдир. Унда тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси, мустақил Ўзбекистонда таълим-тарбия олаётган ўқувчиларда миллий ғоя, истикъол мағкурасини шакллантиришга қаратилган илғор иш тажрибаларидан намуналар келтирилган.

Муаллифлардан

I БОБ. ОИЛАДА БОЛАГА БЕРИЛАДИГАН МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Оила муаммоси кишилик жамиятининг ҳамма босқичларида умумдавлат аҳамиятига эга бўлган. Абу Райхон Беруний башорат этганидек: "...Болаларнинг юз чиройлилигига она қорнидаёқ замин тайёрланади. Бундан кейин у чиройлиликни ўзгартирадиган куч йўқ" ("Минерология" асари). Фақаттина ота-она тарбия орқали боланинг одобахлоқини янада нафосатли қилиши мумкин.

Ота-она фарзанд туғилишидан олдин ёмон ҳаракатлардан тийилиши, аёл учун ёқимли шарт-шароит яратилиши лозим. Шундагина албатта соғлом фарзанд туғилади. Соғлом туғилган фарзанд ота-онанинг баҳти, жамият кўркидири.

Халқимизнинг асрий орзуси ёшлар қалбига "Нима яхшию, нима ёмон" эканлигини муҳрлашдир. Халқимиз "яхшилик"нинг "ёвузлик", "ёмонликдан" ғолиб келишини ўзи яратган оғзаки ижодиёти — эртак, ривоят, ҳикмат, урф-одат, маросим ва ёзма ёдгорликларда мерос қилиб қолдирган. Бу ғоялар мутафаккир, маърифатпарвар педагог ва олимлар ижодиётида янада сайқал топган.

Мустақиллик шарофати туфайли ота-боболаримиз меросини ўрганишга кенг имконият яратилган бир шароитда И. Каримовнинг: "Мустақил, озод Ўзбекистоннинг келажаги, истиқболи ёшлар қўлида, равнақи теран билимли, юксак маданиятли авлодларимиз қўлида", деган чақириғига амал қилиш дастлаб оила ва ота-онанинг Ватан олдидаги бурчи эканлигини таъкидлаш лозим.

Инсоннинг умри узлуксиз, босқичма-босқич ривожланиш хусусиятига эга. Лекин ҳаётнинг мазмунли бўлишида бериладиган таълим-тарбиянинг дастлабки пойдевори оиласда — ота-она томонидан яратилади. Хўш, бола қандай одоб-ахлоқда доир билимни оиласда олиши керак, бу билимларнинг салмоғи нима билан ўлчанади? Уларни:

- яхши хүлк-атворни ўргатиш ва тарбиялашда;
- авлод ва қариндошлар ҳақида меҳр уйғотувчи икки оғиз шириң сўзда;
- меҳнат — инсон кўрки эканлигига;
- ҳалқ ўйинларида;
- боболар ўтитларида кўриш ва илғаш мумкин.

Ота-она фарзандларини билимли, маълум касб-ҳунар эгаси, комил инсон бўлиб етишишини орзу қиласди.

“Фарзандингиз жамоат тарбияси даражасидаги етарли билимга эгами? У нималарни билади? Нималарни ўргатиш керак?” деган саволга жавобни фарзанд қиёфаси, ички дунёси, хатти-ҳаракатларидан қидирмоқ лозимдир.

Бу хусусиятларни шакллантириш учун ота-оналар қуидагиларга аҳамият беришлари лозим:

1. Ота-онанинг оилавий ҳаётда кўрган-билганларига сунянган ҳолда болани тарбиялаш (оилавий анъана, урф-одат, расм-русумлар, бува-бувиларнинг панд-насиҳатларига амал қилиш).

2. Педагогик адабиётларни ўрганиш ва уларга амал қилиш.

3. Кундалик ҳаётда учрайдиган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш (фарзандингизни телевизор орқали кўрган кино, ахборот ва эшиттиришга ўргатиш муҳимдир).

Оилада фарзандларни баркамол қилиб тарбиялаш учун ҳамма ота-оналар ҳам педагогик билим ва маҳоратта тўлиқ эга дейёлмаймиз. Шу сабабли мактаб маъмурияти маънавий ва маърифий тарбия ишлари раҳбарлари томонидан ёш ота-оналар учун қисқа курс, семинар, баҳслар уюштиришлиари ва илфор оилавий тажрибаларни оммалаштиришлиари лозим. Шу сабабдан ёш ота-оналар учун фарзанд тарбиялаш, унинг одоб-ахлоқи ва маънавий юксаклигига доир қуидаги йўналишларни белгиладик.

ЯХШИ ХҮЛК-АТВОРНИ ЎРГАТИШ ВА ТАРБИЯЛАШ

Буюк мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний айтганидек: “...Одамлар турмуши ва ҳаётида ҳар хил ҳолатлар бўлади, буларнинг бир тури билан улар мақталадилар, бир тури билан эса қораланадилар... Бу табиий ҳолдир. Бу ҳолат албатта, бола тарбиясига ҳам муҳим даражада таъсир этади. Оиладаги руҳий ҳолатни сақлашда ўз ақли билан иш қилиш, ёмонни яхшидан ажратиш ҳар бир ота-она ва каттальарнинг вазифасидир”.

“Фарзанд — оила баҳти, қувончи ва ширин жигарбан-дидир”. Оила қувончини элга манзур қилиш кўп жиҳатдан болаларимизга ўргатган одоб, хулқ-атворда ўз аксини то-пади. Дарҳақиқат, жамиятимиздаги узвий таълим-тарбия-нинг негизи, илдизида шулар ётади. Шу сабабдан ёш ота-оналар катталар тажрибасига сунянган ҳолда бола тарбия-сида ҳалқимиз яратган олтин меросимиз, яъни урф-одат, расм-руслум, анъаналарни асос қилиб олишлари, бола ту-ғилган кунидан бошлаб оиласда қандай маънавиятга эга бўлишини кўз олдиларида ёрқин гавдалантириб амалга оширишлари учун уларга юксак хулқиликни ўргатиш ва тарбиялашга доир қуйидаги мавзуларни тавсия этамиш:

1. “Фарзандга муносиб от қўйишнинг каромати борми?”
 2. “Она алласидаги меҳр торларининг бола қалбига таъсири”.
 3. “Дастлабки одобни нимадан бошлаш керак?”
 4. “Сеҳрли сўзларни болага қачондан бошлаб ўргатиш маъкул?”
 5. “Фарзандингиз олдида ўз хатти-ҳаракатларингизнинг қайси бирини тўғри деб ҳисоблайсиз?”
 6. “Қандай ишлар яхшилик ҳисобланади? Нима сабаб-дан?”
 7. “Қандай одатлар ёмонлиги ва уларнинг сабаблари ҳақида нималарни билиш керак?”
 8. “Кўча ва жамоат жойларида юриш-туриш одоби”.
- Юқоридаги мавзуларнинг моҳиятини очишга амал қилиш лозим. Ҳалқ яратган яхши одоб ва хатти-ҳаракатларга доир мақол, эртак, ривоят, ҳикоя ва афсоналарга амал қилиш мақсадга мувофиқдир. Болангизнинг жамият талаб этаётган тарбия даражасига муносиб бўлиши учун унга тинимсиз тарбиявий таъсир кўрсатиш лозим.

ФАРЗАНДГА МУНОСИБ ОТ ҚЎЙИШНИНГ КАРОМАТИ БОРМИ?

Ота-боболаримиздан қолган удум ҳар бир инсоннинг ўзига хос исмига эга бўлишидир. Ибн Сино айтган “Бола-га шундай от қўйгинки, у катта бўлганида ўз отидан уял-масин”, иборасига амал қўлмоқ маъкул.

Бу ҳақда Президентимиз И. А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида: “Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи унга яхши ном

қўйиш, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқариш, илмли, касб-хунарли қилиш, бошини икки, уйли-жойли қилишдир”, деб таъкидлаган. (“Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. “Баркамол авлод орзуси” китобида. “Ўзбекистон”. Т., 1999 йил, 9-бет.)

Дарҳақиқат, оиласа туғилган болага от қўйиш ҳам каталар ва ота-оналарнинг орзусидир. Улар ўз фарзандларига бир қанча исмларни қўйишни ихтиёр этмоқчи бўладилар. Шунда ёш ота-она оила кексаларининг раъйларига қарашлари лозим. Биринчи фарзандга исмни оила кексалари қўйиши, иккинчи ва ундан кейингиларига оила даврасида бувабуви, ота-она, ака ва опалар мұхқомаси билан қўйиш оила аъзоларига қувонч бағишлайди. Чақалоқ ўз отини чақирганда маълум тартибда унга кўнікма ҳосил қиласди. Болага қўйилган исмни тўлиқ айтиш зарур. Аста-секин бола ёши улғайтан сари ота-она унга исмининг маъноси улуғлигини, бу исмларни дунёда тараннум этиб ном қолдирган улуғлар — Мұхаммад, Алишер, Темур, Бобур, Улуғбек, Вали ва бошқаларнинг кимлигини, жамиятда тутган ўрни, исмлари, уларнинг амали, ишларига муносиб бўлиши ҳақида тушунтириб бориши мақсаддага мувофиқдир.

Болангиз (ёшига мувофиқ) ўз исмидан хурсандми? Унинг маъносини биладими? Аниқлаб, муносабат билдириш лозим. Нуридийдангизни тарбиялашда адашмаслик учун О. Тўраванинг “Бола азиз, одоби ундан азиз”, “Одобнома” (Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1986 й.) китобларини ўқиб, таҳдил қилиб чиқишингиз фойдадан холи бўлмайди.

“ОНА АЛЛАСИ”ДАГИ МЕХР ТОРЛАРИНИНГ БОЛА ҚАЛБИГА ТАЪСИРИ

“Она алласи”да фарзанд камоли ҳақида куйланади. Ҳалқимиз ижодий меросида “Алла” айтиш ҳар бир оналик баҳтига мушарраф аёл учун фарзdir. Болага меҳр “алла”дан бошланади, — дейди ҳалқимиз. — Она “Алла”сидан яралган меҳр торлари ҳар бир бола қалбida ўзига ҳос из қолдиради”.

Боланинг юз-кўзида, ҳиссисиётида нима мужассам? Унинг дилида нима бор? Атрофдагилар унга нисбатан адолатлими? Бундай ҳолатларни аниқллагач, она болани бағрига босиб, меҳр кўзлари билан боланинг хатти-ҳаракатидаги ножӯя ҳолатларнинг олдини олиши зарур. Меҳр торлари оила аъзоларига нисбатан илиқ сўзлар, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, адолатлиликни ўргатиш орқали мустаҳкамланади. Меҳрли ин-

сонни тарбиялашда дастлаб, “она алласи”, ватанни севиш энг зарур босқычдир. “Насиҳатнома” китобини ўқиб бериш, у бўйича суҳбат ўтказиш лозим.

ОДОБНИ ДАСТЛАБ НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК?

Одоб дастлаб ота-онанинг болага меҳр кўзи билан қарашидан бошланади. Сўнгра “Қани салом бер-чи”, деб кўлини кўксига қўйишга ўргатиш керак. Қўлидаги нарсани атрофдагиларга бериши, уларга талпиниши каби. “Ассалому алайкум” дейиш, ювениш, кийиниши, кийимларни озода, тоза сақлашга ўргатиш. Овқатдан олдин ва кейин қўл ювишга ўргатиш, “Бисмиллоҳир раҳмонир роҳим” сўзини айтиш лозим бўлган жойларни уқтириш, тўғри тапириш, ёлғон гапнинг оқибатини тушунтириш керак. Илм ва мактабга қизиқтириш, болаларга эртаклар ўқиб бериш, уларни келажакка тайёрлашда яхши ишларга тақлид қилишга ўргатиш қўл келади.

Оилада болангиз ўз-ўзини бошқара оладими? Ўша жарабёнда одобга хос фазилатлар борлигини аниқланг, камчилиги бўлса ётифи билан тушунтиринг.

СЕҲРЛИ СЎЗЛАРНИ БОЛАГА ҚАЧОНДАН БОШЛАБ ЎРГАТИШ МАЊУЛ?

Инсон одобига оид сеҳрли сўзлар жуда кўп. Ота-она болаларни ёшига қараб миннатдорчилик билдирувчи “Раҳмат”, сўнгра ота-она, оила аъзолари ва жамоат орасидаги ўртоқ-дўстларига “Марҳамат”, “Яхши келдингизми”, “Лаббай”, “Хайр, яхши боринг”, кечалари “Хайрли тун” каби кўнгил кўтариш мањносидаги сўзларни айтишни болаларнинг одатига айлантириши зарур.

Болаларга афсона, ҳикоят, мақол, ривоятлардан айтиб бериб, уларнинг кудратини тушунтириш фойдалан холи бўлмайди.

АВЛОД ВА ҚАРИНДОШЛАР ҲАҚИДА МЕҲР ҮЙГОТУВЧИ СЎЗЛАР ТЎҒРИСИДА

Буюк педагог Йоганн-Генрих Пееталоцци айтганидек, болани Ватанини севишга ундаш лозим. Олим: “Онани севган киши инсонни севади, инсонни севган одам ватанини севади”, деб башпорат этган эди.

Дарҳақиқат, меҳр инсон қалбини нурафшон этувчи, эзгуликка бошловчи бир туйғудир.

Инсонга меҳр уйғотишида ота-оналар оиласыда қыйидаги мавзуларда сұхбат ўтказышлари мүмкін:

1. Авлодлар ҳақида икки оғиз сүз.
2. Бизнинг оила ва маҳалла.
3. Қариндошларнинг ахиллиги нимада?

АВЛОДЛАР ҲАҚИДА ИККИ ОҒИЗ СҮЗ

Ота-боболаримиз башорат этганидек, ҳар бир инсон етти пуштини билиши керак. Бу болани оила тарихи, яни шажараси билан таништириш демакдир. Ўлганларни эъзозлаб эслаш, “Куръони Карим” оятидан намуналар ўқиб бериш, ҳадя қилиш, тириклар ҳақида болага маълумот бериш. Уларнинг расмларини кўрсатиб, исмларидан хабардор этиш, бува-бувиларининг исмлари, касб-корларидан маълумот бериш керакки, токи бола аждоди билан фахрлансин. Бола билан ҳамжиҳатликда ота-оналар ҳақидағи қўшиқлардан айтиш ҳам фойдадан холи эмас.

Оила шажарасини яратиш лозим.

Бола билан ҳамкорликда альбом тутиб, расмларни жойлаштириш керак. Расмлари бўлмаса, улар ҳақида икки оғиз сүз ёзиш мүмкін. Токи бола қайси авлоднинг вориси эканлигини билсин.

БИЗНИНГ ОИЛА ВА МАҲАЛЛА

Оиласадаги фарзандлар тенг хукуқлидирлар. Ота-она ҳар бир фарзандини ёшига қараб, уларни бир-биридан юқорипаст кўймасдан муносабатда бўлмоғи лозим. Ота-она оила баҳти ва обўуси учун болалар олдида нималардан сақланмоғи керак:

- бир-бирининг хурматини кеттазувчи бемаъни гаплардан;
- қилган ишлари билан мақтанишдан, “мен” деган сўзни кўп ишлатишдан;
- бирорлар кетидан фийбат қилишдан;
- болага ваъда бериб, бажармасликдан.

Юқоридагиларга амал қилинса, бола оиласига садоқат ва хурмат билан қарайди.

Ота-она болага ойладаги, маҳалладаги катта-кичикларни хурматлаб, салом беришни уқтириб бориши лозим. Қўни-қўшниларга ёрдам бериш, меҳр кўзи билан қарашга ўргатиш керак. Сўнгра маҳалла, унинг раҳбарлари исми, отасининг исми, фамилияси, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, илфор шахслар ҳақида маълумот бериши муҳимдир.

ҚАРИНДОШЛАРНИНГ АҲИЛЛИГИ НИМАДА?

Фарзандларингизга дастлаб қариндошларингиз, яъни улар ким томонидан қариндошлиги ҳақида тез-тез сўзлаб туриш; ота томонидаги бува, буви, амаки; она томонидаги буви, бува, хола, тоға ва бошқа авлодлар ҳақида батифсил тушунтириш керак. Икки томоннинг қариндошларини ҳам ота-она каби ҳурмат қилиш лозимлигини уқтириб бориш керак.

Улар келганда очиқ чехра билан кутиб олиш, муҳтож бўлса ёрдам бериш, иложи борича яхшилик қилишни амалда кўрсатиш ва болалардан ҳам шуни талаб қилиш муҳим. Айниқса, қариндошларнига болаларнинг бориб туришлари меҳр ипларини янада маҳкам боғлайди.

Оиласда қарияларнинг бўлиши катта баҳт, уларга ёрдам бериш, касал бўлғанларида кўнглини олишга, раҳмдиллик кўрсатишга болани ўргатиш керак. Фарзандимиз ўз қариндошлари билан фаҳрлансин, уларга доимо хайриҳоҳ бўлсинлар десангиз, асло улар ҳақида ноҳуш сўзлар гапириб, боланинг кўнглини қолдирмаслик лозим.

ФАРЗАНДИНГИЗ ОЛДИДА ЎЗ ХАТТИ-ҲАРАКАТИНГИЗНИНГ ҚАЙСИ БИРИНИ ТЎҒРИ ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ?

Ота-она бола учун энг азиз. Ота-онанинг ҳар бир ҳаракати у ёки бу даражада болага таъсир этади. Шунинг учун ота-она, оила аъзоларининг тотувлиги, обрўлари, тўғрисиз, адолатли бўлишлари, илм-маърифатга муносабатларини одоб-ахлоқ пардаси орқали кундалик ҳаракатларида на-мойиш қилишлари лозим. Ота-она ва оила аъзоларининг қайси ҳаракатлари болага ижобий таъсир этишини (очиқ чехралилик, ғамхўрлик, тадбиркор, оила аъзолари ҳақида адолатли муносабати, рўзгордаги саранжомлик, оила аъзоларининг шахсига тегмаслик, айниқса, кексаларни, bemорларни ҳурмат қилиш, талабчанлик ва ҳ. к.) аниқланг.

Ота-она ва оиланинг бошқа аъзоларида юқоридаги сифатлардан қайси бири бор? Йўқларини эгалланг.

ҚАНДАЙ ИШЛАР ЯХШИЛИК ҲИСОБЛАНАДИ? НИМА САБАДАН?

Бола яхшилик ёки ёмонликни ўз тасаввурига кўра белгилайди. “Яхшилик” сўзининг негизида бир-бираига ишонч, меҳр-оқибат, мурувват, сахийлик каби ахлоқий сифатлар яширган. Болаларга яхшилик қилган одамни “яхши дадам, бувим, ўқитувчим, ўртогим” деб юритиш одоби бор. Лекин уларда бу сўз руҳий ҳолатига кўра турғун бўлмай, атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатларига қараб ўзгариб туради.

Ким уларнинг қалбига йўл топиб, ширинахан бўлса, уларнинг чеҳралари очик, қалблари қандай яхши, деб нидо беради. Шунинг учун болаларга яхшиликни ўргатишда очиқ муомалалик мухимдир: “Қани, ўғлим, ё қизим, бу кун кимга ёрдам бердинг? Кўчада кексаларни кўрганда салом бердингми? Юклари оғир бўлса, ёрдам беришни ўйладингми?”

“Болажоним! Ўртоқларингга ёрдам бериб яхшилик қилмоқчи бўлсанг, қилган яхшилигинги унут, уни юзига солма! Кўлингдан келса, яхшилик қил! Сув ичирмаганга, сут ичир”, “Тош отганга, отма”, деб халқимиз ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилишга даъват этади.

Оилангиз аъзоларининг хатти-ҳаракатларини кузатинг, қайси бирлари яхшилик қилишни кўпроқ ихтиёр этади?

ҚАНДАЙ ОДАТЛАР ЁМОН ВА УЛАРНИНГ САБАЛЛАРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛИШ КЕРАК?

Ота-она ўз фарзандларига адолатсизлик ёки ёмонлик қиссалар-да, бола у ҳаракатни хато деб тушуна олмайди. Гарчи уни жеркиб, ҳақоратлаб айблашсалар ҳам, у ота-онасига қарши боролмайди. Сабаби, ҳаётий тажрибаси камлиги, ота-онани ҳурмат қилишидадир. Ота-она ўз фарзандларини аяши, уларни ёмон ҳаракатлардан асрashi керак. Бола экан деб, бўлар-бўлмас гапларни гапиришдан тийилиш лозим.

Ёмонлик — бу дилозорлик, чақимчилик, ҳасад, ёлғон гапириш, кўпол муомала, кеккайиш, қасоскорлик каби инсонга хос бўлмаган жирканч ҳолатдир.

Ота-она аввало ўз хатти-ҳаракатлари орқали ёмонлик келтирувчи воқеани у содир бўлишидан аввал олдини олишлари керак.

Болага радио-телевизор орқали кўрган ва кўча-кўйда бўлган ёмон воқеаларга изоҳ бераб, ўз муносабатларини билдиришлари лозим. Эшитган эртак ва ўқиган асарларидаги ёмон шахслар ҳамда яхши инсонларнинг фазилатларини изоҳлаб, сабабини тушунтириш муҳимдир.

Ризоуддин Ибн Фахриддиннинг “Тарбияли хотун” рисоласини ўқиб чиқинг. Мехнатни дастлаб боланинг ўз-ўзига хизмат қилишидан бошламоқ лозим: қўл-бетини тоза ювиш, ўрнини тартибга келтириш, ўйинчоқларини тоза ва эҳтиётлаб ўйнаш ҳамда шу билан бирга оиласидаги оддий ишларни улдалаш. Оёқ кийимларини тартибли қўйиш, дастурхондаги идишларни олишга ёрдамлашиш, аста-секин оила хўжалик юмушларига жалб этиш: гулларни парвариш қилиш, хонадонни тоза сақлаш, ота-онага ёрдам бериш...

Ота-она болани меҳнатга шу таҳлит ўргатиб борсин, бу унинг кундалик эҳтиёжига айлансан, унда фаҳм-фаросатни тарбияласин. Оиласида бола бажарган катта-кичик меҳнатни тўғри баҳолаш, айрим нуқсонларини болага тушунтириш керак. Бола ўз меҳнати билан оиласига ҳисса қўшганини сезсин. Айниқса, меҳнат қилиш одобига эътибор бериш лозим. Бошлаган ишини охирига етказиш, миннат қилмаслик, меҳнатидан завқланишга ўргатиш каби.

В. А. Сухомлинскийнинг “Болаларга жоним фидо” китобини ўқинг. Бу китобдан бола қалбини тушунишни ўргатнамиз.

БОЛАНИ МЕҲНАТГА РУҲИЙ ЖИҲАТДАН ТАЙЁРЛАШ

Инсон меҳнати билан руҳан шод ва ҳаёти мазмунлидир. Биз ота-оналар болаларни руҳан меҳнат қилишга ўргатсак, уни кундалик ҳаётида зерикиш, хуноб бўлиш, инжиқлик ва тажанг бўлиб юриш ҳолатига мубтало бўлишдан ҳалос қилган бўламиз.

Болага ёшига мос меҳнат турларини берсак, у ақлий ва жисмоний соғлом бўлиб ўсади. Оила аъзоларининг меҳнати тақсимотига кўра топшириқлар берилиши зарур. Бу топшириқлар доимий бўлиб, боланинг эҳтиёжи, кўник-

масига айлансин. Ўғил болалар оила хўжалигида дадасининг ишига кўмаклашиши, уй ҳайвонларига қараши, уй саранжомлигини сақлаши, дўкондан керакли нарсаларни харид қилиши, гулзорларга қараши лозим.

Қизлар эса онасининг яқин ёрдамчиси. Уй-рўзгор ишлари, тикиш-бичиш, бутлаш, тозалаш, саранжомлик, уйга келтирилган нарсаларни жой-жойига қўйиш, идишларни тозалаш — бундай жисмоний меҳнат турлари болаларни шодлантириб, меҳнат — кундалик эҳтиёжига айланади.

МЕҲНАТ — ИНСОН КЎРКИ

Меҳнат — тарбия воситаси. У инсон ҳаётининг кўрки. Оилада дастлаб болаларда меҳнатта муҳаббатни оддий топшириқлардан бошлиш мухим. Оилада ақдий меҳнатни жисмоний меҳнат билан яқинлаштириш керак. Бола жисмоний бажарган меҳнатидан завқланиб, хурсанд бўлиши лозим. Отана “баракалло”, “жуда яхши” сўзлари билан болада меҳнатта завқ ва меҳр уйғотиши мухимдир. Оилада болани меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда ота-она дастлаб бола меҳнатини нимадан бошлиши керак? Меҳнатта қизиқтириш сирлари, меҳнат шодлиги, меҳнат қилиш маданияти билан куроллантириб, мактабга тайёрлаш керак.

БОЛАДА МЕҲНАТТА МЕҲР УЙҒОТИШ

Дастлаб, бола нима иш қилишини, нима учун шу ишни қилишини тушуниши керак. Агар сиз тартибсиз болани ёшига лойиқ бўлмаган меҳнатта буюрсангиз, бола безиб қолади ёки ёш деб аясангиз, у меҳнатта қизиқмайди, шу каби...

КЎЧА ВА ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЮРИШ-ТУРИШ ОДОБИ

Болаларни кўча ва жамоат жойларидағи хатти-ҳаракатларининг одоб доирасида бўлишида ота-она қуидагиларга амал қилиши керак. Атрофдагиларга салом бериб, таъзим қилиш. Кўча қоидаларига амал қилиш, кўчага чиққанда ҳар тарафга қараб, алант-жалант бўлмай, уйга қайтиш. Кўчада юрганда бир нарсага зарар тегизмаслик (дараҳт шохларини синдиримаслик, гулларни узмаслик, учраган нарсага чизмаслик), жамоат жойларида қаттиқ гапирмаслик ёки қаҳҳаҳа кулпилар одобдан эмаслигини ўргатиш лозим.

Ўзингизга назар ташланг, кўча-кўй ва жамоат орасидаги хатти-ҳаракатингиз маъқулми? Болангиз сиз билан бирга юрганда ибрат бўла оласизми? Халқимиз айтган “Бир болага етти қўшни ота-она” мақолига амал қиласизми?

ЎЙИН – БОЛА КАМОЛИ ВА ҚУВОНЧИ

Ривоят қилишларича, қадим замонда Қоқбош – Сўққабош исмли одам бўлган. У бола-чақаси йўқлиги, ёлғиз ўзи яшагани учун, шундай исм олган. Лекин у ҳамиша қувноқ, очиқ чехрали, одамшаванд бўлиб, айниқса болаларни жондилидан севган. Шунингдек, у саводхон, билимдонлиги устига санъатни, ашулани яхши кўрган, қадрлаган ва қабиладаги энг ақлли, хурматли кишилардан ҳисобланган. Жамоада эркаклар ов билан, аёллар дон-дунларни йиғишириш, чорва молларини боқиши билан шуғулланганлар. Ўша даврларда бир қабила билан иккинчи қабила ўртасида жанжал-низолар кўтарилар, турли келишмовчиликлар аёвсиз урушларга айланиб кетарди. Шундай шароитда болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш керак бўлар ва қабила аъзолари бир ёшдан ўн олти ёшгача бўлган болаларни Қоқбошга топширадилар. У эса болаларни бир жойга тўплаб, ёшларига қараб турли ўйинлар ўргатган, эргак, латифа, термалар айтиб берган, айни чоқда, қўшиқлар ҳам айттирган. Ўзи ёзган “Ов қўшиғи”, “Аждодлар қўшиғи”, “Чистони Элимбек” сингари шеър ва масалларни ўргатган.

Ўз-ўзидан аёнки, ана шу тарбиявий ишлар болалар хотирасини ривожлантиради. Уларнинг ҳозиржавоб, зеҳни бўлишларида муҳим аҳамият касб этади. У, айниқса, турли ўйинлар болаларни тарбиялашнинг муҳим қуроли, деб билган ва улардан унумли фойдаланган.

Оилада ота-она дастлаб ўзи билиб ўйнаган ўйинларини ўргатса, бола ойим, адам ҳам ўйнаган экан, деб уни эъзозлайди. Буларга холакам, қўғирчоқ, копток, ҳакалак ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Болангизни хур фикрли, жисмоний соғлом бўлишини истасангиз, унинг ўйнашига шароит яратинг. Ўйин тури кўп, лекин сиз болангизнинг қизиқишига қаранг.

Мавзулар:

1. Сўз ўйинлари.
2. Ҳаракатли ўйинлар.
3. Ижодий ўйинлар.

СҮЗ ЎЙИНЛАРИ

Сўз ўйини болани мактабга тайёрлашда муҳим бўлиб, унинг кенг фикрлашини ва нутқи равонлигини таъминлайди. Ҳар бир ўйин унинг ҳаётида ижобий из қолдиради. “Холакам” ўйини жараёнида болангизга қўғирчоқ учун ҳамма шароитни яратишга кўмаклашинг (уй, кўрпача, кўйлак тикишга мато) ва кузатинг. “Холакам” ўйинидаги бош қаҳрамон ким? Фазилатлари нимада? Бола палапартиш ўйнаса, унга ёрдам беринг.

Қўшиқли ўйинлар: “Зазизфон”, “Чир айланма, коптогим”, “Ботмон-ботмон”.

Тез айтишлар: Фани фиддирагини фиддиратибди. Санъат саройи саройларнинг сара саройи.

I. Қосимов

Нажим жим чим ўрди.
Ҳожи жим сим урди.

K. Мирзақулов

Овутмачоқлар: Инга-инга,
Йифлади бола,
Кўлчасига тутқиздим лола.

Ялпичноқлар: Оймомо илла,
Қаноти тилла.
Субҳоноллоҳ сизга,
Умр берсин бизга.

Ўзингиз ёшлиқда ўйнаган (буви-буваларингиз билган) халқ ўйинларини изланг. Фарзандингизга ўргатинг. Меросимизнинг олтин фондига ҳисса қўшган бўласиз.

ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

Бола доимо ўсиш-улғайиш хусусиятига эга. Шу сабабдан унинг ҳаракатлари мазмунсиз бўлмаслиги учун оиласда ота-она раҳбарлигида чиройли ўйинларни ташкил этиш керак. Бу ўйинлар жараёнида болада сабр-то-

қат, интизом, чиниқиши, иродали бўлиш каби сифатлар шакланади. Бундай ўйинлар оиласдаги ака-укалар ҳамкорлигида ўйналади.

Булар “Ур тўқмоқ”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Бекинмачоқ”, “Ким биринчи”, “Ким полвон” ва бошқалар.

Ҳаракатли ўйинларнинг турларини билсангиз, болангизга ўргатинг. Агар фарзандингиз билан бирга ўйнасангиз, у сиздан фаҳрланиб, миннатдор бўлади.

ИЖОДИЙ ЎЙИНЛАР

Ижодий ўйин боланинг ақлини камол топтириб, ҳаётдаги жумбоқларни англаш ва ечишга замин ҳозирлайди. Болангиз расм чизишни истайдими? Машиналар ҳайдашничи? Шашка ва шахмат ўйинини ёқтирадими? Сиз унга моддий жиҳатдан кўмаклашинг ва шароит яратинг. Шунда боладаги ижодкорликка бўлган қизиқиши қанот ёзди, у фикрли, оқибатли, шижаоткор, одобли бола бўлиб вояга етади.

Болангиз қалбига қулоқ солинг, у нимани ёқтиради ва ижод этишга интилади, ўрганиб боринг.

II БОБ. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ, АХЛОҚИЙ ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Тарбия ҳақида Шайх Саъдий ўзининг “Гулистон” асарида шундай деб ёзган эди: “Кимда-ким ёшлиқдан тарбия олмаса, катта бўлгач, баҳтли бўла олмайди. Ҳўл новдани истаганча букиш мумкин. Қуруқ новдани эса фақат оловда тоблаб тўғрилаш мумкин”.

Тарбия ҳақидаги бу ғоя авлод-аждодларимиздан бизга етиб келган буюк мерос бўлиб, у комил инсонни вояга етказишида муҳимдир. Тарбия туғилган кундан бошланмоғи лозим.

Тарбия — тарихий ва ижтимоий ҳодисадир. Тарбия инсонларнинг фаолияти жараёнида уларнинг онги ва иродасини ўстиришга хизмат қиласди. Шу билан бирга, тарбия ижтимоий ҳодиса бўлиб, инсоният тараққиётининг турли босқичларида ўзига хос мазмун ва амалга ошириш шаклига эгадир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви ёш авлодни миллий-маънавий руҳда тарбиялашга имкон яратди.

“Маънавият” сўзининг ўзига хос маъноси бор. Дунёда маъно излаган киши маънавият сари талпиниб, яхшилик ва ёмонликнинг фарқини англаб олади (*Султонмурод Олим*).

Шу сабабдан, мустақил Ўзбекистон ёшлари тарбиясида уч манбадан фойдаланиш мумкин. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Истиқдол ва маънавият” асарида қуйидаги уч омил кўрсатилган:

1. Умумисоний қадриятлар.
2. Ислом таълимоти.
3. Ўзбек миллий урф-одатлари.

Юқоридаги омиллар бир-бири билан боғланган бўлиб, у А. Авлоний айтганидек: “Агар инсон яхши тарбия то-пиб, бузук хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатланниб катта бўлса, ҳар ким қошида мақбул баҳтиёр бир инсон чиқар...” Шу сабабдан, А. Авлоний тарбиянинг инсон ҳаётида зарурлигини назарда тутиб “Тарбия — ҳаёт ё матом” деб таъкидлаган эди.

Тарбиявий жараён онгли, масъулиятли фаолият бўлиб, унда тарбиячи тарбияланувчиларни комил инсон қилиб тарбиялашга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси ёш авлодни маънавий жиҳатдан юксак фазилатлар эгаси қилиб вояга етказиш санъатининг қирралари, шакллари ҳамда билим, малака ҳосил қилиш ҳақида баҳс юритади.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикаси миллий онг ва истиқдол мафкурасини шакллантиришга хизмат қиласади.

Унинг мақсад ва вазифалари:

Маънавий-маърифий тарбия ишлари раҳбарлари, ўқитувчи, тарбиячилар тарбиявий тадбирларнинг мазмундорлигини таъминлашда бой миллий ва умумисоний қадриятлардан кенг фойдаланиши, тарбиявий таъсирга эга бўлган манбаларни ажратса билиши керак:

— ўқувчилар жамоасининг тарбияланганлик даражасини ўрганиб, унга тарбиявий таъсир кўрсатиш маҳоратига эга бўлиши;

- тарбиявий тадбирлар учун методларни танлаб, кўзланган мақсадга эришиш чора-тадбирларини кўра билиши;
- илфор тажрибаларни кузатиб, таҳлил қилиб, ундан ижодий фойдаланиши;
- янги илфор педагогик технологияни жорий этиши;
- тарбиявий тадбирларни ўкувчилар руҳиятига қанчалик ижобий таъсир этганини кузатиб, уни янада ривожлантириши, такомиллаштириши;
- тарбиявий ишларнинг самарадорлигини оширишда ўз билимини таркибий равишда бойитиб бориши лозим.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг услубий-методологик асоси ўтмиш халқ оғзаки ижодиёти ва ёзма ёдгорликлари, халқ арбоблари, Марказий осиёлик мутафаккир, маърифатпарвар олим, педагогларнинг бой меросидир.

Шу билан бирга, Ислом дини ва тасаввуф оламига оид таълимотлари, Ҳадис ва ҳадисшунос олимларнинг ижодиёти, гарб ва шарқ олимларининг шеърларини ўқиш, таҳлил қилиш орқали тарбиявий ишларни болалар қалбига етказишнинг қонун-қоида, усул ва йўлларини билиш муҳим аҳамият касб этади.

Айниқса, мустақил Ўзбекистонда комил инсон тарбиясига оид илмий-методик, оммавий адабиётлар, шунингдек, Республика Президенти И. А. Каримовнинг бир қатор асарлари ёш авлодни тарбиялашга оид фоялар тизимининг методологик асоси бўлиб хизмат қиласди.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш методикасининг асосий манбалари:

- Миллий умуминсоний қадриятлар.
- Ислом таълимоти.
- Ўзбек миллий урф-одатлари.
- Донолар ўйтитлари.
- Ўзбекистон Республикасининг рамзлари: Герби, Мадхияси, Байроби, Конституцияси.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг маънавиятта оид барча асарлари, нутқлари, энг сўнгти ахборот янгиликлари.

— Ўзбекистон мактабларидағи илфор тажрибалар, педагогик маҳорат ва тарбиячилик санъати.

Тарбиявий ишларни ташкил қилишнинг шарқона ўзига хос хусусиятлари ва педагогик таъсир кўрсатиш усуллари мавжуд. Тарбиячилик касбига йўналтирилган ҳозирги замон техникаси билан тарбиявий таъсир кўрсатиш —

миллий истиқтол талабига жавоб берадиган баркамол инсонни тарбиялашга қаратылғандыр.

Баркамолликнинг биринчи намунаси ВАТАНГА МУҲАББАТ, ВАТАН ТҮЙФУСИ, ФУРУРИ ва уни САЖДАГОҲ сифатида ардоқлашады.

Ватанга муҳаббат заминида инсонпарварлик түйфуси тарбияланады.

Буюк давлат арбоби Заҳиридин Мұхаммад Бобур: “Ўз юртни қўйиб, Ҳинд сори юзланмоқни юзи қаролик”, деб ҳисоблаган эди.

Миллий тикланиш кишиларда ИНСОНПАРVARЛИК, ўзлигини англаш туйғуларини тарбияламоқда. Одамлар бирбирига дўст, меҳрибон бўлсалар ИНСОНПАРVARЛИК-ДАН БАЙНАЛМИЛАЛЛИК ва БИРДАМЛИК келиб чиқади. Ўзбекистонда яшовчи кишилар милиати, тили, дини, мазҳабидан қатъи назар, биргаликда Ўзбекистон халқини ташкил этадилар. Улар Ўзбекистоннинг равнақи учун хизмат қиласидилар. Бас, шундай экан, биз ҳаммамиз бир оиласининг фарзандларимиз, бир-биrimiz билан дўстона ва тотув яшаб, севимли диёrimизнинг истиқболини яратса бормоқдамиз. Авлодларимиз тарихини ва улар қолдирган меросини ўрганиш лозим.

Халқимиз азалдан меҳнатни улуғлаган. МЕҲНАТСЕVARЛИК кишиларнинг энг яхши фазилатларидан бири, деб ҳисобланган. Кишилар ҳалол меҳнат қилиб топган даромадлари ҳисобига яшамоқлари ва болаларини боқиб катта қилмоқлари лозим. “Пешона тери билан топган бир қора чақа ўзгаларнинг эҳсон этган хазинасидан яхшироқдур”, деб ёзган эди Алишер Навоий:

Бир дирам олмоқ чекибон дастронж,
Яхшироқ андинки, бирор берса ганж.

Шунинг учун ҳам улуғ аждодларимиз ёшларни касбхунар эгалламоқча чақирғанлар. “Хунар — хунардан унар”, “Хунари йўқ кишининг, мазаси йўқ ишининг”, “Йигит кишига етмиш хунар оз” каби эзгу ўйтитлар халқ ўртасида ёйилган. Миллий тикланиш жараённида бизда деҳқончилик, ишлаб чиқариш, хунармандчилик ривожланади. Жисмоний меҳнат ҳар бир соғлом киши учун фарз ва қарзdir.

Маънавий баркамолликнинг кўринишларидан бири — меҳнатсеварликдир. Ҳалол меҳнат кишиларни маънавий юксакликка кўтаради, инсон ҳаётининг туб моҳиятини ташкил этади.

Маънавий жиҳатдан пок ва юксак даражадаги одам таъмадан ҳазар қиласи, ундан нафратланади. Ҳақиқий саҳоват ҳеч қачон бирор нарса таъма қилмасликдадир. Алишер Навоий ёзади:

Они саҳий англагил, эй хушманд,
Ким ани давлат қилибон сарбаланд.
Ҳоли агар яхшидур табоҳ,
Кимсадан этмас таъмаи молу жоҳ...

Маънавий баркамол инсоннинг яна бир фазилати КАТТАГА ҲУРМАТ, КИЧИККА ШАФҚАТЛИ бўлиш. Бу масалада, хусусан, ота ва онага бўлган иззат алоҳида ўрин тулади. Бу ҳақида Алишер Навоий таълим бериб ёзган эди:

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисмни қил садқа ано бошига.
Икки жаҳонингта тиларсан фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисидан ризо.
Тун кунингта айлагани нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қўёш!

Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратувчи авлодни шакллантириш вазифасини ўз олдимизга қўяр эканмиз, буни ибратли тимсоллар орқали амалга ошириш лозимлигини унугмаслигимиз керак. Бундай тимсоллар бадиий адабиётда етарли. Масалан: Алишер Навоийнинг Фарҳод, Ширин, Қайс, Лайли, Дилором, Саъд, Искандар, Меҳрноз, ҳалқ оғзаки ижодининг Алпомиши, Барчин, Қоражон, Қалдирғоч, Равшан каби қаҳрамонлари, бадиий адабиётимзинг Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно, Фоғир, Жамила, Гулнор, Саида сингари образлари шулар жумласидандир.

Бу қаҳрамонлар қалбидаги чин севги туйғулари қанчадан-қанча авлод қалбини мафтун этган:

Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,
Дема жаҳон балки бу жон бўлмасин, —

деб ёзган эди Алишер Навоий.

Демак, бахтнинг, жаҳондаги ҳаётнинг чин асоси севидир. Севги бор жойда ёвузликнинг томири қурийди.

Абу Райхон Беруний ўзининг “Минералологияга оид” китобида кишининг иш жойи, идиш-товоғи, иш куроллари ҳаммаси озода бўлмоғи керак, — деб ёзган.

Кишининг танаси, кийимлари ҳам ҳамиша тоза бўлмоғи шарт. Барча пардоз ашёлари ичида энг муҳими ва кераклиси сувдир.

Демак, озодаликка риоя қилиш азалдан халқ турмушининг энг муҳим қоидаларидан бири бўлган.

Атроф-муҳитга муносабат ҳам худди шундайдир. Сув, тупроқ, ҳаво, куёш нури — шу тўрт унсур муқаддас санаалган.

Хозирги атроф-муҳитнинг умумий ифлосланиш шароитида бу тушунчаларни тикламоқ зарур. Табиат, наботот ва ҳайвонот дунёсига шафқатли муносабат ҳам миллий тикланишнинг бир бўлагидир. Шундай қилиб, биз миллий тикланиш жараённида юзага келувчи ахлоқ-одоб, юриш-туриш қоидаларининг энг асосийларини кўриб чиқдик. Булар — тарбиявий ишлар тизимининг ҳам негизидир.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Туркистонда миллий уйғонишнинг вужудга келиши қонуний зарурият бўлиб, унинг замирида халқлардаги мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш истаги ётар эди. Халқда бундай истакнинг пайдо бўлишида ўтмишдаги қўйидаги назарий таълимотлар жиддий таъсир кўрсатди:

— ўзбек халқининг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиши натижасида ўлқадаги миллий ғояларнинг рӯёбга чиқиши;

— маърифатпарварлик ёки жамиятни янгилашга интилиш — жадидчилик (арабча “янги” деган маъно англатади) ҳаракати;

— она тилимиз, унинг соғлиги учун курашиш бир қадар яхшилангани.

Миллий уйғонишга доир бундай назарий йўналишларнинг мақсадлари қўйидагича эди:

1. Туркистон халқларининг авлод-аждодлари яратган халқ оғзаки ижодиётининг миллий тарбия воситаси сифатида қўлланишини юзага чиқариш ва кенг фойдаланиш.

2. Халқимиз яратган миллий урф-одат ва анъаналарни қайтадан инсонлар ҳаётига киритиши.

3. Куръони Карим ва Ҳадиси Шариғдаги инсон камолоти ҳақидаги фояларни ёшларга ўргатиши.

4. Маърифатпарвар шахслар, миллий қаҳрамонлар фаолияти, уларнинг асарларини ўрганиш, илғор тарбиявий таъсир кўрсатувчи таълимотларга амал қилиш.

Юқоридаги миллий тарбиянинг назарий асосларидан фойдаланиш орқалигина миллий тарбия — халқ руҳи билан боғланади.

Маълумки, миллий тарбия халқ номи ва унинг тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Рус педагоги К. Д. Ушинский ўзининг “Ижтимоий тарбияда халқ руҳи ҳақида”ги асарида: “Ҳамма учун умумий бўлган биргина туфма одат борки, ҳамиша тарбия шунга таяниши мумкин: у ҳам бўлса, халқнинг ўзи яратган ва халқчиллик асосига қурилган ва биз уни тарбиянинг халқчиллиги... деб атайдиган нарсадир...”

Мустақиллик шарофати туфайли унтилган халқ маросимларини тиклаш ва ўрганиш учун янги шарт-шароит яратилди. Республикализнинг тарихшунос, педагог ва адабиётшунослари томонидан ўтмиш маросимлари қисман ўрганилган бўлишига қарамай, уни биз хонадонларимизга, мактаб ва жамоатчилик шуурига етказишга бепарво эдик. Алпомиш, Хотамтой, Қалдирғочбека, Гўрўғли, Алдар Кўса каби халқ қаҳрамонларининг мардлигини орзу қилмаган болани койишга мутглақо ҳаққимиз йўқ. Чунки биз бу халқ эртаклари ҳақида кам гапирганимиз.

Халқ оғзаки эмоционал ижоди сўз санъати, фольклор, мифология, афсона, достон, ривоят ва ҳикоялар инъом этган.

Биз маърифатпарварларнинг қайси бир асарларини ўрганмайлик, уларнинг халқ яратган адабий-бадиий ёзма ёдгорлик манбалар намуналаридан фойдаланганларини кўрамиз. Шарҳлар ёки ёзишмаларни таҳлил қилиш орқали ҳам буни кузатиш мумкин. Масалан: Ал Форобий Афлотун фалсафасини авлодиарга етказди. Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва Низомий Ганжавийнинг “Ҳамса”-сини давом эттирди.

Ўтмиш меросимиз ёшлар тарбияси учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Биз шу кунда кенг кўламдаги ахборот воситаларига, манбаларига эгамиз. Булар кундалик ҳаётимизда фарзандларимиз қалбига етиб бориши лозим. Бу борада Абу Исо Мұхаммад бинни Имом Термизий, И smoil Бухорийнинг ҳадислари ёки Мұхаммад пайғамбаримизнинг “1001 ҳадиси”нинг нашр этилиши, “Куръони Карим”нинг таржимаси, Юсуф Хос Ҳожиб, Мұхаммад ва Маҳмуд Кошғарийларнинг асарлари, шу билан бирга, бошланғич таълим устодлари М. Беҳбудий, А. Фитрат, Сайдрасул Азизий, Исохон Ибрат, Мұхаммад Авобий, Шокурий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Ҳамза ва бошқаларнинг яратган дарслер ва асарларида миллий масалалар муҳим аҳамият касб этади.)

Шу сабабдан мактабларда “Одобнома”ни фан сифатида ўқитиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада олимларимиз бир қатор ишларни амалга оширдилар. О. Тўраева, Т. Курбонов ва М. Туроповалар ҳамкорликда яратган юқори синфлар учун “Одобнома” дастури ва ўқув кўлланмалари, С. Нишонованинг “Маънавият дарслари”, У. Маҳкамовнинг “Ахлоқ-одоб сабоқлари”, А. Жўраевнинг “Тарбиявий дарсларни ўтиш”, О. Ҳасанбоеванинг бошланғич синф ўқувчилари учун “Одоб сабоқлари” каби дастур ва ўқув кўлланмалари, дарслер тарбиявий тадбирларнинг самарадорлигини ошириш ва миллий тарбияни мустаҳкамлашга хизмат қиласи. Республика мазмудида бозор иқтисодига ўтиш ҳам тарбиявий ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этади. Юрганбайлигиз И. Каримовнинг сўзи билан айтганда: “Бозор муносабатига ўтиш даврида ижтимоий соҳа — соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, шунингдек, илм-фан, айниқса, мушкул аҳволда қолмоқда. Биз учун тарихий, маданий, умуман, маънавий қадриятлар, халқимизнинг руҳини баланд сақлаш, ёш авлодни тарбиялаш асосий вазифа бўлиб қолиши керак...”¹

Тарбиявий ишларни ташкил қилишда бош омил — кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, миллий фурур, шарқона мулоқот одоби, исломий ғояларга

¹ И. Каримов. “Ўзбекистон қелажаги буюк давлат”. “Ўзбекистон”. Т. 1992 й. 23-бет.

тўғри муносабатда бўлиш, ўзбек санъати, ҳалқ ёдгорликларини тушуниш ва ардоқлаш каби юксак инсоний фазилатларни шакллантиришдир.

Тарбиявий ишларни тўғри ташкил қилишда бериладиган назарий билимларни ўқувчилар қалбига етказиш, уларни кундалик эҳтиёжига айлантириш учун ўқитувчи қуидаги иш усулларига эътибор бериши лозим:

- мактаб, масъул шахслар синф жамоасининг руҳий ҳолати, яъни ҳар бир ўқувчининг шахси, фаолияти, қизиқиши даражасига;

- ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси, тартибинтизоми, давлат мулкига бўлган муносабатига;

- ўқувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий тадбирларга бўлган муносабатига (ижобий ёки салбий);

- мактаб ва синфдаги ижтимоий фикрга бўйсунувчанилигига;

- ўқувчилардаги ўзаро ахлоқий муомала ва муносабатларига;

- мактабда ташкил этилган қонун-қоидаларга муносабат ва унга амал қилишига.

Юқоридагиларга амал қилган ўқитувчи (тарбиячи) ўз фаолиятини ташкил қилишда нималарга эътибор бериши тез англаб олади.

Устоз ўқитувчининг билим даражаси, шарқона фикр юрита билиши, иш билан ҳаракатнинг бирлиги синф ўқувчиларини ўрганиш ва улардаги ижобий фазилатларни та-комиллаштириб, салбий хислатларни йўқотишга имкон беради.

Мустақил Ўзбекистонда биринчи марта тарбиявий ишларнинг миллий асосларини ҳисобга олиб, “Синфдан ва мактабдан ташқари ишлар” концепцияси (йўриқнома) ишлаб чиқилди. Қори-Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ олимлар груҳи ва Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги ходимлари томонидан ишлаб чиқилган концепция тарбиявий ишларни назарий ва амалий жиҳатдан тўғри режалаштириш имконини яратади.

Мазкур концепцияда тарбиявий ишларнинг асосий йўналишлари, мақсад ва вазифалари қуидагича берилган:

Инсонни унинг атрофини қуршаб турган воситалар — оиласи, ота-онаси, санъат, адабиёт, табиат ва ҳоказолар тарбиялайди. Ўқувчи-ёшларнинг ривожланиш жараёнини

бошқарив бориши керак. Инсоннинг биологик ижтимоий асосини ташкил қилувчи ўзини тарбиялаш ва тарбиянинг бирлигини таъминлаган ҳолда, унинг шахс сифатида шаклланишига салбий таъсир кўрсатадиган муҳитдан ҳимоя қилиш лозим.

Асрлар давомида шахснинг ҳар томонлама камолотта эришуви фояси тарбиянинг етакчи мақсадига асос бўлиб келади. Шахснинг ҳар томонлама камолотта эришуви — унинг айрим қирралари ёки хислатларининг тўлақонлигини, яъни жисмоний, ахлоқий, сиёсий, эстетик, иқти-содий, ҳуқуқий қарашлари йигиндисини ўз ичига олади.

Жумладан:

— ёшларни фалсафий дунёқарашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишда кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

— ўқувчиларни умуминсоний ва ҳалқимиз қадриятлари, бой маданияти билан ошно қилиш, уларда маданий ва маънавий билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш, малакаларини ошириш, уларни тобора бойитиш, маънавий тушунчаларини шакллантириш;

— ҳар бир ўсмирнинг, йигит ва қизларнинг билимдонликларини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш ва инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада кўллаб-кувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

— инсонпарварликнинг ахлоқий меъёларини шакллантириш (мехрибонлик, бир-бирларини тушунадиган, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларига тоқатсизлик), муомала одоби, зиёлилик маданияти каби тарбиявий чоралар (ноҳақлик, ёлғончилик, туҳмат, чақимчиликка тоқатсизлик) кенг қўлланиши лозим;

— қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига хурмат билан қарашни тарбиялаш — шахснинг ноёб қирраларига хурмат билан қараш ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш йўлида ғамхўрлик қилиш;

— ватанпарварлик — дунёвий фикрлаш, маданият арбобларига бўлган алоҳида муносабат ва уни ўрганиш, ўз ҳалқи, давлати, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб

туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш. Ёш авлодни Ўзбекистон Мадҳияси, Байроби, Герби, Конституцияси ва унинг Президентига садоқатли қилиб шакллантириш;

— турмушда энг олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий муносабатни тарбиялаш, меҳнатта ижодий ёндашиш тадбирларини кучайтириш, ижтимоий мақсадларга интилиш каби хислатларни тарбиялаш, амалий муносабатлар — тадбиркорлик, тўғрисўзлик ва масъулият ҳиссини тарбиялаш;

— соғлом турмуш тарзи учун интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлишга тайёр гарлик кўриш. Ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига ва унинг оқибатига масъулият билан қараш хислатларини тарбиялаш учун шароит ҳозирлаш. Инсоннинг атроф-муҳитга таъсири, кишилар билан ўзаро муносабатларида юқоридагиларга амал қилиш руҳида тарбиялаш;

— мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри, холисона баҳо беришга ўргатиш. Унинг тинчликсеварлик, демократик ва бошқа давлатларнинг ички сиёсатига аралашмаслик, бетарафлик, ошкора-очиқ ташқи сиёсати ва ўз халқининг турмуш дарражасини оширишга йўналтирилган, уни ижтимоий ҳимоя қиласидиган ички сиёсатини тўғри тушунмоқ ва тушунтирмоқ керак.

Тарбиянинг асосий тизими қўйидагилар бўлиши лозим:

— тарбияда улғаяётган инсон шахсини олий ижтимоий қадрият деб тан олиш, ҳар бир ўғил-қизнинг бетакрор ва ўзига хослигини ҳурматлаш, унинг ижтимоий ҳуқуқи ва эркинлиги эътиборда тутилиши;

— миллийликнинг ўзига хос анъаналарига таяниш. Лекин тарбиянинг миллий “бунёдкорлиги” ёш авлоднинг кўпмиллатли ва жаҳон маданияти бойликларига қизиқишлирини, интилишларини инкор қилмаслик;

— ўқувчилар ҳаётий фаолиятида тарбиявий жараённинг асосини ташкил қилиш. Бола, ўсмир, йигит ва қизлар таълим даргоҳида таҳсил олаётган чоғида нафақат бўлғуси катта ҳаётга тайёргарлик кўрадилар, балки ана шу ҳақиқий ҳаёт билан яшайдилар. Мактабларда болалар ёш жиҳатларига мос зарур, қизиқарли, тўлақонли ҳаёт иқлимини яратиш, меҳнат, хайрия, ижтимоий-фойдали, ижтимоий-

кўнгилочар ва шунга ўхшаш тадбирлар ташкил этилиши лозимки, натижада ўқувчилар кўнгиллари тусаган ишга кўл урсинлар, муваффақият ҳиссини туйиб, ўзларига ишончлари ортсин, ахлоқлари барқарор бўлсин.

Ўзбекистон ёшларида маънавий фазилатларни камол тоғтириш, улар онгида миллий мафкура, миллий ғояни шакллантириш, бой маданий меросимиз, тарихий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълимий вазирлигининг 1990 йил 30 июндаги 115 сонли буйргузи асосида тарбиявий ишлар бўйича директор ўринbosари ўрнига “Умумий ўрта таълим муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари” номи берилди. Шу муносабат билан умумий ўрта таълим муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosарлари ҳақида Низомнинг янги матни қабул қилинди.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида”ги, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунлар, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорлари, Халқ таълими вазирлиги ва бошқа юқори ташкилотларнинг қарор, буйруқ ва меъёрий хужжатлари талаблари асосида олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари (келгусида директор ўринbosари деб юритилади) ота-оналар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшлилар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онига она-Ватанига, халқига ва унинг бутунги бунёдкорлик ишига эҳтиром билан қараш руҳида тарбиялашга раҳбарлик қиласиди.

Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринbosари лавозимига камида 5 йил педагогик иш стажига эга бўлган, қобилиятли, маҳалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ бўлганлар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

II. ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва маданий меросимизга, миллий анъаналаримизга, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқболғояларига садоқат руҳида тарбиялаш; кенг фикрли, соғлом, жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол, иқтисодий ислоҳотларнинг моҳиятини тушунадиган ҳамда уларни янги ижтимоий муносабатлар орқали ҳаётга тадбиқ эта оладиган, миллий ғоя ва истиқбол мафкурасига содиқ бўлган шахсларни шакллантириш директор Ўринбосари фаолияти мақсадининг асосини ташкил этади.

III. ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

— Миллий ва умуминсоний қадриятлар, халқимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида — ўқувчи-ёшлар дунёқарашини шакллантиради, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон-эътиқод, меҳрашафқатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида уларни ҳар томонлама баркамол авлод қилиб тарбиялайди;

— “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Республика Олий Мажлиси сессияси материаллари, Президент фармонлари, асарлари, нутқлари, ҳукуматимиз қарорлари, таълим бошқаруви органдарни меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида ўз ишини амалга оширади;

— директор Ўринбосари тарбиявий ишларини режалашибдиришда синф раҳбарларининг қизиқишларини, топшириклиарни қай даражада бажара олишларини ҳисобга олади;

— ўқувчиларда Ватанга муҳаббат, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Конституцияси ва Давлат рамзларига садоқат ҳисларини тарбиялайди;

— маънавий, ақлий, жисмоний баркамоллик, иқтисодий, ҳуқуқий саводхонлик, меҳнатсеварлик руҳида, истеъоддли ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш йўналишида, “Оила, маҳалла, мактаб” концепциясини ҳаётга тадбиқ этиш руҳида тарбиялайди;

— ёшларимиз онгига она-Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халқимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эҳтиром туйгуларини сингдириб боради;

— қадимий тарихий ёдгорликлар билан бир пайтда мустақиллик даврида бунёд этилган маърифат масканларига, табиатимиз қўйнига саёҳатлар, музей ва кўргазмаларга эксперсиялар ташкил этади;

— ота-оналарни мактабга таклиф этишда, ҳокимият қошидаги вояга етмаганлар билан ишловчи комиссия ишида, корхоналардаги мактабга ҳамкорлик кенгашларида, бола таълим-тарбияси билан боғлиқ бўлган йиғилишларда, мактабдаги тарбия муаммоларига бағишлиланган барча назарий-амалий методик ишларда қатнашади;

— бошқа таълим-тарбия масканлари иш тажрибасини ўрганади;

— педагогик кенгаш ёки синф раҳбарлари методика бирлашмалари кенгашларига қўйилган масалаларни мұхокама қиласди;

— тарбиявий ишларга барча ўқитувчилар жамоаси, “Камолот” жамғармаси ва бошқа ташкилотлар, болалар етакчиси, ўқувчилар, мураббийлар, маҳалла ва ота-оналар қўмитаси аъзоларини жалб қиласди, улар ишларини мувофиқлаштиради;

— мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишларни йўлга қўяди, барча тўғарак, бирлашмаларга (туаржойга қараб), эркин фикрловчи “Фидокорлар” клубига ўқувчиларни синф раҳбарлари билан ҳамкорликда жалб қиласди ва улар ишини мунтазам равишда назорат қилиб боради;

— Исломдаги мавжуд юксак маънавий умуминсоний қадриятларни, уларнинг маданият ва маънавиятнинг ривожланишига таъсирини, дунёвий давлат ва фуқаролик жамияти шароитларида уларнинг ўрни ва ролини ўрганади ва улар моҳиятини очиб беради;

— Ислом ва Республика аҳолиси эътиқод қиласидаги бошқа динларнинг тарихий, илмий асослари тўғрисидаги чуқур билимларни дунё динлари тарихи воситасида шакллантиради;

— экстремизм ва диний ақидапарастликнинг ҳар қандай шакллари реакцион моҳиятини кенг тушунтиради, унинг ёшларга таъсири олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқади ҳамда уни ҳаётга тадбиқ этади;

— Республика изда яшаб турувчи халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик ва тутувлик сиёсати асосларини тарғиб қилиш ва ҳар томонлама тушунтириш ишларини олиб боради;

— таълимнинг ўқувчилар қобилиятлари ва истеъдолдларининг ҳар томонлама намоён бўлишига қаратилишини таъминловчи жараённи ташкил этиш, унинг мазмунини тубдан янгилаш, миллий ва умуминсоний идеаллар ва қадриятларнинг устувор аҳамиятини ошириш, шахс ва атроф-мухит муносабатларини уйғунлаштириш, ўқувчиларнинг дунёқарашини юксак маънавият, маданият ва ижодий тафаккур заминида шакллантириш бўйича чоратадбирлар белгилайди;

— таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда Ватан ва ўз халқи учун фахрланиш, унинг қадимий тарихига хурмат билан қарап, уларнинг улуғ келажагини таъминлаш учун дахлдорлик ва жавобгарлик туйғуларини тарбияловчи турли-туман тадбирларни амалга оширади;

— педагогик тарғибот ишларини олиб боради;

— мактаб ўқувчилар жамоасининг шаклланишида, уларда инсонийлик ва демократлаштиришнинг чуқурлашувида муқобил шароитни вужудга келтириб иш юритади;

— синф ва тўғарак раҳбарлари билан маънавий-маърифий, тарбиявий ишларни олиб боради ҳамда методик адабиётлар жамғармасини ташкил этади;

— мамлакатимизда нишонланадиган: “Мустақиллик”, “Конституция”, “Хотира ва Қадрлаш куни”, “Наврўз”, “Ўқитувчилар ва мураббийлар”, “Халқаро хотин-қизлар”, “14 январь — Ватан ҳимоячилари куни”, “Биринчи қўнғироқ”, “Сўнгти қўнғироқ”, “Битирувчилар кечаси” каби аньянавий байрамларнинг тарбиявий жиҳатдан юқори савияда ўтишини таъминлайди;

— таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Давлат рамзларига амал қилиш бўйича жорий этилган тартиб асосида фаолият кўрсатади;

— ўқувчилар онгига мустақиллик мафкураси ва миллий ғояни сингдиради. Кутубхонанинг маънавий тарбия ишларига раҳбарлик қиласади;

— мактаб руҳшунос мутахассиси билан ҳамкорликда иш олиб боради;

— таълим муассасалари тиббий ходимлари билан ҳамкорликда ўқувчилар соғлигини муҳофаза қиласади;

— йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги дарсларини ва унга оид тадбирларни назорат қилиб боради;

— мактаб ўқувчиларининг ўз-ўзини бошқаришига шароит яратади, қобилиятли ва истеъодли ўқувчиларга алоҳида муносабатда бўлади, уларнинг ижодий имкониятиларини ривожлантиришга кўмаклашади;

— ҳафтанинг ҳар жума куни мамлакатимиз ва жаҳондаги сиёсий, ижтимоий, маънавий ўзгаришлар ҳақида “Янгиликлар соатини” ўтказиб боради, байрамларнинг юқори савияда ўтишини таъминлайди.

Директор ўринбосари йил давомида икки маротаба (биринчи ва иккинчи ярим йилликда) мактаб педагогика кенгаши йиғилишида ҳисобот беради.

Директор ўринбосари мактаб директори билан ҳамкорликда:

- мактабнинг иш режасини тузади;
- педагогик кенгашда кўриладиган масалаларни биргаликда тайёрлайди ва олиб боради;
- мактабнинг барча тадбирлари юқори савияда ўтишини таъминлайди;
- ўқитувчиларни рағбатлантириш масалалари бўйича тегишли таклифларни киритади;
- мактаб кутубхонасини адабиётлар билан таъминлашва бошқа вазифаларни бажаради.

Синф раҳбари билан ҳамкорликда:

- ота-оналар мажлисини тайёрлайди ва унинг мазмунли ўтишини таъминлайди;
- синфдаги тарбиявий ишларнинг мазмунини яхшилаш борасида иш олиб боради;
- синф раҳбарининг ижодий изланишига кўмаклашади;
- синфдан ташқари ишларни ташкиллаштиради ва тўғри йўналишда олиб боришга йўлланма беради ва бошқа вазифаларни бажаради.

Мактаб руҳшуноси билан ҳамкорликда:

- ўқувчиларнинг қизиқишиларини аниқлайди;
- уларнинг касб танлашига кўмаклашади;
- ўқувчиларни ҳар томонлама камол топтириш учун спорт, бадиий, эстетик, техник, экологик, сайёҳлик ва ўлкашунослик, бозор иқтисодиётига асосланган ёш иқти-

содчи, бизнесмен, менежер, ёш ишбилармон, ҳуқуқшунослик тўгаракларига ва клубларга уларнинг қизиқиши, имконияти ва қобилиятларига қараб жалб қиласди;

— ўкувчиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини назорат қиласди ва руҳшунос билан боғлиқ бўлган бошқа вазифаларни бажаради.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси билан ҳамкорликда:

— ўкувчи-ёшларнинг жисмонан бақувват, соғлом ўсишида спорт мусобақаларини ташкиллаштиради;

— мактабда спортнинг турли йўналишлари бўйича ўйинлар, мусобақалар ва бошқа спорт тадбирларига бошчилик қиласди;

— спорт ва спорт-техник тўгараклар тармоғини кенгайтиришга кўмаклашади ва уларнинг мунтазам ишлашини таъминлайди;

— спорт ва соғломлаштиришга оид турли-туман тадбирларни амалга оширади.

Ота-оналар кўмитаси билан ҳамкорликда:

— ота-оналар университети фаолиятини бошқаради;

— ота-оналарни мактаб фаолиятига кенг жалб қиласди;

— мактабда ўтказиладиган ота-оналар мажлисини ташкил қиласди ҳамда унинг самарали ўтишини таъминлайди;

— ота-оналар билан ҳамкорликда ўкувчилар соғлигини муҳофаза қиласди ва бошқа ишларни олиб боради.

Маҳалладаги педагог ташкилотчи билан ҳамкорликда:

— “Оила, маҳалла, мактаб” ҳамкорлигида кенг иш олиб боради:

— тарбияси оғир ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган болалар ҳамда носоғлом оиласларнинг болалари билан тарбиявий ишларни мувофиқлаштиради.

“Камолот”, “Соғлом авлод учун” жамғармалари ва бошқа давлат ва нодавлат жамғармалари билан ҳамкорликда:

— ўкувчилар билан ўтказиладиган ҳамкорликдаги тадбирларни юқори савияда ташкил этади;

- янги тарбиявий дастурларни киритиш бўйича ҳамкорликда ишни ташкил этади;
- ёшлар билан ўтказиладиган барча спорт ўйинлари, танловлар, мусобақаларга жалб этади;
- ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда биргаликда иш олиб боради ва бошқалар.

Оила билан олиб борадиган вазифалари:

- мактаб руҳшуноси билан ҳамкорликда оиланинг ижтимоий руҳий хусусиятларини ўрганади;
- муаммоли оилаларни аниқлайди, уларни ижтимоий-руҳий тавсифномасини тузади, сабаб ва омилларини аниқлаб, салбий омилларнинг бола шахсига заарли таъсири олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;
- оиласда ота-она ва фарзанд муносабатларини ўрганиш асосида бола билан индувидуал тарбиявий ишлар режасини тузади;
- ота-оналар билан ҳамкорликда таълим-тарбияда муаммоси бўлган болалар билан шахсий тарбиявий ишларни олиб боради. Бунга мактаб руҳшуносини ҳам жалб қиласди.

IV. ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

Директор ўринbosари ўқувчиларга нисбатан меҳр ва муҳаббат билан, ўзига, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан ҳолда иш тутиши ва мунтазам ўз устида ишлаб, сабр-бардошли, ўз фикрларини пухта баён этадиган, ўзгаларни жалб қила оладиган хислатларни ўзида мужассамлаши, бу учун:

- давлат ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган барча ҳужжатлар моҳиятини, Президент асаларини яхши билиши ҳамда уни ўқувчи-ёшлар орасида тарғиб эта олиши, халқ педагогикаси анъаналарини, ўзбек халқи миллий урф-одатлари, қадриятлари, алломалар ўйтларини яхши билишлари лозим;
- мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини яхши билиши ва доимо уни ўз фаолиятида ҳисобга олиб бориши, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг илмий асослари ҳамда янгича усул ва методларини яхши билиши;

- радио, телевидение ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари орқали берилган энг сўнгти янгиликлардан боҳабар бўлиши ҳамда уларнинг моҳиятини ўқувчиларга етказа олиши;
- синфдан ташқари тадбирларни тайёрлаши ва ўтказа билиши;
- туман, шаҳар, вилоят, Республика миқёсида ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиши;
- мактабда ўқувчилар билан тарбиявий ишларни олиб бораётганларга методик тавсиялар бериб бориши;
- муентазам равишда ўз малакасини ошириб туриши, ўз соҳаси бўйича ўтказиладиган семинарларда иштирок этиши лозим.

V. ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

Низомда белгиланган вазифалар билан боғлиқ равишида тегишли педагогик ходимларга кўрсатма беради:

- хизмат вазифаси доирасидан келиб чиқсан ҳолда синфдан мактабдан ташқари ишларни ташкил этиш ва янги тўгаракларни очиш масалаларини ҳал қилиш;
- синф раҳбарларининг таълим-тарбия ишлари бўйича эришган ютуқларини ҳисобга олиб, уни тақдирлаш учун директорга таклиф киритиш;
- синф раҳбарларининг ўз вазифаларига нисбатан масъулиятызлиги ёки уни суистеъмол қилганлиги учун директор билан келишган ҳолда танбеҳ бериш;
- болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган маҳалла фаолларини тақдирлаш учун директорга таклиф бериш хуқуқига эга.

Директор ўринбосари билан қўйидаги ишлар келишилиши керак:

- синф раҳбарлари иш режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;
- мактабда ўтказиладиган спорт мусобақалари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш;
- турли хилдаги тўгарак ишлари режасини директор билан ҳамкорликда тасдиқлаш.

VI. ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ИШИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ўз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини назорат қилади.

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишларни режалаштиришда мактабнинг умумий режаси, ўқитувчилар, синф раҳбарлари, болалар етакчиси, ота-оналар кўмитаси иш режаларини эътиборга олиши керак.

Мактабдан ва синфдан ташқари ўтказиладиган барча тадбирларни мунтазам кузатиб, баҳолайди.

Директор ўринбосарининг иш режаси мактаб директори томонидан тасдиқланади.

Ишни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятлари, мактаб жойлашган вилоят, шаҳар, туманинг шарт-шароити, анъаналари, хусусиятлари, жойлардаги ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан ўзаро алоқаси каби ишларни инобатта олади:

маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари қайта тайёрлов курсларида ўз малакасини ошириб боради.

Директор ўринбосарининг фаолияти ўз ифодасини топган ҳужжатлар рўйхати Халқ таълими вазирлиги томонидан доимий равишда берилиб борилади.

Маънавий-маърифий тарбия ишларини режалаштириш ва унга қўйилган педагогик талаблар (I—IX синифлар)

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг таълимий-тарбиявий фаолиятлари ўзига хос хусусиятга эга: ўқувчиларда ҳаётий тажрибаларнинг камлиги, ўқув-тарбия жараёнида ҳодисаларга қизиқиши, “яхши”, “ёмон” ҳаракатларга чукур муносабат билдира олмаслиги кабилар. Бошлангич синф ўқувчиларининг дарс ва дарсдан ташқари маънавий-тарбиявий фаолиятини режалаштириш ўзига хос қоидаларга эгадир:

1. Ҳар бир синф жамоасининг тарбияланганлик дараҷасини ўрганиш.

2. Ўқувчиларнинг оилавий ҳаёти, ота-онанинг фарзанд тарбиялашдаги бурчи ва вазифасини қандай ҳис этиши.

3. Мустақил Ўзбекистонимиздаги кундалик ўзгаришларга ўқувчиларнинг муносабати. Ўқувчиларнинг шарқона миллий урф-одат, анъаналар ҳақидаги билим даражаси.

5. Қомусий мутафаккирлар ҳамда ҳозирги замон шоир-ёзувчиларнинг ижодиётидан намуналарни билишлари.

Юқоридагиларни аниқлашда сұхбат, анкета усулларидан фойдаланиш ўринилдири. Шундагина ҳар бир ўқитувчи-тарбиячининг бетакрор, бир-бирига үхшамаган тарбиявий тадбир режалари вужудга келади. Бундай режалар тарбиявий таъсирга эга бўлиб, мақсаддага эриштира олади.

Маънавий-маърифий тарбия ишларини режалаштиришнинг асосий омиллари:

1. Ватанга муҳаббат ва инсонпарварлик.
2. Миллий истиқдол мағкурасини шакллантириш.
3. Маънавий тарбия (ахлоқ ва одоб).
4. Иқтисодий тарбия.
5. Экологик тарбия.
6. Гўзаллик тарбияси.
7. Жисмоний баркамоллик (соғлом авлод учун).
8. Ота-оналар билан ишлаш.

Юқоридаги омилларни режалаштиришда танланадиган мавзулар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- тарбиявий тадбирлар режаси ва ундаги мавзулар ўқувчиларни мустақиллик, ўз-ўзини англаш, мустақил фикр юритишига қаратилиши;
- танланган мавзулар миллий ва умуминсоний қадриятлар қамровида бўлиши;
- тарбиявий тадбирларда узвийлик қоидасига амал қилиниши;
- мавзулар ўқувчиларнинг ёши ва билим савиасига мос бўлиши лозим.

Тарбиявий тадбирлар режаларидан намуналар (I—II синфлар учун)

1. ВАТАН ФУРУРИ — КАМОЛОТ МУЛКИНИНГ АСОСИ (I—II СИНФЛАР УЧУН)

- а) Туғилган уй, кўча, шаҳар ва ўлкалар тарихи.
- б) Бир болага етти қўшни ота-она эканлиги.
- в) Авлодлар шажараси ҳақида дастлабки маълумот.

г) Атроф-муҳитдаги ўсимликлар ва уларни муҳофаза қилиш.

д) Ўлка тарихига оид (тарихий обидалари, кимлар яшагани, иқтисодий бойлиги, санъати ва келажак режалари).

е) Киндиқ қони тўкилган жойнинг тупроғи азиз эканини онга сингдириш. Ўзбекистонда инсон эъзозланиб, хурматланиши.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

а) Шарқона оиласда ота-онанинг ўрни.

б) Ота-она меҳри, уларнинг борлигидан фахрланиш.

в) Оиласда шарқона урф-одатлар, анъаналар қонун ва қоидаларига амал қилиш.

г) Қариялар ҳаётини ўрганиш, уларнинг яхши фазилатларини ўзлаштириш ва ғамхўр бўлиш.

д) Турмуш ва бозор иқтисодига шарқона муносабат уйғотиши.

3. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СОФЛИГИ – ҲАЛҚ ИФТИХОРИ

а) Ҳар бир миллатнинг ўз она тилига меҳри, миллий гурурининг гултожи эканлиги (ҳалқ мақол, ривоят, ҳикоятларидан фойдаланиш).

б) Ўзбек тишининг тарихи, ривожи.

в) Ўзбек тишининг истиқболи.

г) “Тил билган эл билар” (хорижий тилларни билишнинг аҳамияти ҳақида).

4. ЎЗБЕК МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, РАСМ-РУСУМЛАР ВА МАРОСИМЛАРИ

1. Оиласий урф-одатлар.

2. Расм-русумлар ва уларнинг тарихи.

3. Маросимлар, уларнинг турлари, тарихи ва мазмуни.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИНИНГ АСОСИ: III–IV СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН

а) Кўчманчи ўзбек элатларининг келиб чиқиши.

б) Ўзбекистон ҳудуди ва унинг тарихи ҳақида маълумот.

в) Ўзбекистон ўтмишидаги хонликлар, амирликлар, улардаги сифатлар.

- г) Ўзбекистон табиати, ҳайвонот ва ўсимлик олами.
- д) Ўтмиш ва мустақил Ўзбекистон.
- е) Бутун дунё ўзбекларининг нима билан фахрланишлари.
- ё) Ўзбекистон мадҳиясида миллий фуурур.
- з) 9 май — Хотира ва қадрлаш куни.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

- а) Оиланинг иқтисодий илдизи, уни бошқаришда оила аъзоларининг ҳамжиҳатлиги. Даромад.
- б) Оилавий анъаналар ва унга нисбатан садоқат ҳисси.
- в) Оилавий маросимлар. Оила аъзоларининг ўрни, вазифаси ва бурчи.
- д) Замонавий оиланинг шакли, маданий гўзаллиги. Шарқона оила жиҳози.

3. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СОФЛИГИ – ХАЛҚ ИФТИХОРИ

- а) Тил тарихини ўрганиш.
- б) Тилшунос олимлар билан учрашув.
- в) Соф ўзбек тили сирлари, тил ўрганиш ҳақида доносториҳи ҳикматлари.
- г) Шарқона ўқишининг оҳангдорлиги ҳақидаги маълумот.
- д) Шарқшунослик ва тил-адабиёт илмгоҳларига ташриф буюриш.

4. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР, РАСМ-РУСУМЛАР ВА МАРОСИМЛАР

- а) Миллий урф-одатларнинг келиб чиқиши тарихи. Унга амал қилишнинг ижобий томонлари.
- б) Фольклор ва ёзма ёдгорликларда расм-руsum, урф-одатларнинг асослаб берилиши.
- г) Турли миллат халқларининг урф-одатлари ва уларга муносабат.
- д) Аждодларимизнинг кийиниши, юриш-туришидаги ўзига хослик. Ҳозирги пайтдаги либосларимиз.

5. САНЬАТ ВА МАДАНИЯТ МЕЪМОРЧИЛИГИ

- а) Санъатнинг шарқона кўринишлари. Аждодларимиз санъати тарихи.
- б) Санъат усталари (Ўтмиш ва ҳозир).

- в) Санъат масканлари ва унинг турлари.
- г) Санъатга муносабат.
- д) Миллий санъатнинг келажаги.
- е) Меъморчилик тарихидан бир шингил. Маданий меъморчилик кошоналарига саёҳат ва уни ўрганиш.
- ё) Қўли гул устоз ва шогирдлар ҳаёти ва келажаги.
- ж) Меъморчилик кўринишлари (танлаб ўрганиш).

6. БОБОЛАРДАН БОЛАЛАРГА НАСИҲАТ ВА ПАНДЛАР

- а) Қадим ўзбек халқининг ёдгорликлари.
- б) Исломий таълимотда ижод этган Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Фаззолий, Ҳазинийлар ижодиётида одоб-ахлоқ масалалари.
- в) Ўзбек шоирларининг пандлари. Зебунисо, Увайсий, Нодира, Анбар Отин...
- г) Замондош шоир ва шоиралар билан учрашув ва кечалар ташкил қилиш. Улар ижодиётидан баҳраманд бўлишга ундаш.

7. МАЪНАВИЙ-ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

1. Диний таълим даргоҳлари ҳақидаги маълумот. Уларда ўқитиладиган дарсликлар ҳақида маълумот бериш.
2. Ўтмишдаги диний даргоҳларга бир назар (Авлиё, пайғамбар, саҳоба ва бошқалар фаолияти ва ўтмиши ҳақида маълумот) солиш.
3. Араб халифалигининг анъаналари (мавлуд, мушкул-күшод...). Қиссалар, пандномалар ҳақида маълумот бериш.

Ўзбекона юқсак ахлоқий сифатлар

- а) Алломаларнинг ўғил ва қизларга айтган насиҳатлари.
- б) Қизлик иффати, ҳаёси, фуури.
- в) Оила ва жамоа мөҳнатига тўғри муносабатда бўлиш.
- г) Инсон гўзаллигини англатувчи белгилар.
- д) “Ёмонлик”ни келтириб чиқарувчи сабаблар.
- е) Саёқ юрган таёқ ер.
- ё) Бозор қилиш одоби.
- ж) Табиат гўзаллигини саклаш.

Юқори синф ўқувчилари учун тузилган таҳдилий-тарбиявий режамиизда уларнинг жисмоний, руҳий камолотини, билимдонлик салоҳиятини ҳисобга олдик.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИННИГ АСОСИ (В СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН)

- а) Ўзбекистон — мустақил давлат.
- б) Ўз ватанини саждагоҳ деб яшаган алломалар (Абдурауф Фитрат). Ватан сотилмайди, хоинларга ўлим.
- в) Мустақил Ўзбекистоннинг биринчى Президенти И. А. Каримов.
- г) Авлод-аждодларимиз шуҳрати — меҳнатдадир.
- д) Куч — билим ва тафаккурда эканлигининг маъноси.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Ота-она олдидағи фарзанднинг бурчи.

Оила баҳти нимада?

Қадр билмаган одамдан вафодор ит яхши.

Олижанобликни одоб қиласылыш.

Тежамкорлик — яхши фазилат.

Росту ёлғонга қасам ичманг.

Ўзбек тили соғлиги — халқ ифтихори.

Тилингизни ёмон сўзлашга одатлантируманг.

Кексалар сўзини хор қилманг.

“Давлат тили тўғрисида”ги қонунга амал қиласылыш.

Тили шириннинг дили пок.

3. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, РАСМ-РУСУМ ВА МАРОСИМЛАР

Миллий урф-одатларни эъзозлайлик.

Шарқона расм-русумни биласизми?

Халқ байрамлари — “Наврӯз”, “Ҳосил байрами”,
“Сунбула сайли”. Тўй маросими ва унинг турлари (бешик
тўйи, ақиқа, суннат ва никоҳ тўйлари).

4. САНЪАТ ВА МАДАНИЙ МЕЬМОРЧИЛИК

Санъатимиз кўрки (Юнус Ражабий ҳаёти ва фаолияти).

Мусиқани тинглаш ва тушуниш одоби.

Саҳна санъати турлари ҳақида (комедия, опера, балет,
хор, эстрада).

Имом ал-Бухорий мақбараси.

Аллома ал-Фарғоний меъморий ансамбли ҳақида суҳбат.

Амир Темур музейини бунёдга келтирган усталар.

Зиёратгоҳларга саёҳат уюштириш.

Хотира ва қадрлаш майдони.

5. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Аҳмад Юғнакий бобомиз ҳақида суҳбат.
Навоий ҳикматларида одамийлик фазилатлари.
Амир Темур ўгитлари.

6. МАЬНАВИЙ-ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Диний ақидапарастлик ҳақида маълумот.
Ҳадисда одоб-ахлоқ.
Ҳаром ва ҳалолнинг фарқи нимада?
Қадамжо ва зиёратгоҳларни асройлик.
Халқ китобларида ҳикматлар. (Қиссаҳонлик клубини ташкил этиш.)

7. ЎЗБЕКОНА ИНСОНИЙ, ЮКСАҚ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР

Илму одоб йироқда бўлса-да, излаб топинг.
Беозорликни ўзингизга касб айланг.
Дунёда қадрли нарса бу — вақт. Ундан тўғри фойдаланинг.
Маънавият — инсон бойлиги.
Сабр — баҳт қалъаси.
Ҳасад — ёмон одат.
Ота-онангизни қадрланг.
Табиат мўъжизаларини ардоқлайлик.
Фийбат, чақимчиликдан қочинг.
Баҳтиёр ёшлиқ.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИНИНГ АСОСИ (VI-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН)

“Ўзбекистон келажаги буюк давлат” (И. А. Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т., “Ўзбекистон”. 1992 й.) асари юзасидан.
Ватанпарвар ким?
Мен ўзбек фарзандиман.
Ўзбек тупроғи учун жон берганлар (Файзулла Хўжаев ҳақида).

Қардошлар маконидир бу диёр (қўшма корхоналар ҳақида суҳбат, учрашув ёки сайр).
Авлодлар хотираси муқаддас.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Инсонларга меҳрибонликни кимдан ўрганиш керак?
Меҳрибон деб қандай инсонни айтамиз?
Кичикларга ғамхўр, катталарга меҳрли бўлайлик.
Фазаб ўти аланга олиб кетганда ҳам андиша сақланг.
Сахийлик — яхшилик аломати.
Одобсизда нима йўқ — ақл.
Ақл нима?

3. ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ СОФЛИГИ ХАЛҚ ИФТИХОРИДИР

Тил ҳақида айтилган ҳикматлар.
Сеҳрли сўзларни унумтмайлик.
Ўзбек тили тарихи. Ўзбек адабий тилининг асосчиси —
Алишер Навоий.
Беморга айтиладиган сўзлар (юмшоқ муомала, ширин
сўз, далда бериш, кўнгил кўтариш, ёрдам бериш).
Она тилимни севаман. Баҳс.
Миллий урф-одат, расм-русум ва маросимлар.
Ўзбек халқининг урф-одатларига доир мақоллар, ри-
воят, ҳикоятлар.

4. ЎЗБЕК ХОНАДОНИДАГИ ИРИМЛАР

Халқ маросимлари: “Суст хотин”, “Чой момо”.
Таъзия маросими.
Наврӯз удумлари: қизларнинг ўз баҳт рамзларини из-
лашлари, малоикаларнинг сумалакка туз ташлаб кетищ-
лари, етти дараҳт шохини синдириб дастурхон атрофига
қўйиш (“Мулоқот” журнали, 1997, 2-сон, 62-бет).

5. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Воиз Кошифий устоз ва шогирд ҳақида.
Хожа Аҳрор Вали ҳикматлари.
Абдулла Авлоний одоб-ахлоқ ҳақида.
Сайд Аҳмад билан учрашув.
Ҳадисда ота-она ҳурмати (“101 ҳадис” мисолида).

6. МАЬНАВИЙ-ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ақиқа ва уни ўтказиш тартиби.
Қабрларни зиёрат қилиш қоидалари.

Абдулхолиқ Фиждувоний бобомиз айтганлар: “Оз еб, оз ич, оз гапир”.

Етимларнинг бошини силаш — савоб.

Туғилган кундан бошлаб ўлгунча илм изла.

7. САНЬАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК

Халқ куйлари.

Актёрлар билан учрашув.

“Занги ота” ансамблидаги халқ санъати (Ўз шароитингизга мослаштириш).

Китоб ҳақидаги ҳикматлар.

8. ЮКСАҚ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАР

Инсоннинг ҳуқуқ ва бурчи.

Ўзлигини англаш — яхши фазилат.

Ота-она дуссини олиш учун фарзандлар нималарга эътибор бериши керак.

Қизлик ҳаёси ва иффати.

Ўғил бола фурури.

Сувни тежанг.

Дўстни сақлаш одоби.

Ҳунари борнинг зари бор.

Виждан азобидан ўзингизни асранг.

Она табиатни эъзозлайлик.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИННИГ АСОСИ (VII СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН)

Ўзбекистон — менинг Ватаним.

Ватан гадоси — кафан гадоси.

Туркистон бир, Ватан бир (Э. Воҳидов).

Ота рози, Ватан рози (Э. Воҳидов).

“Алпомиш” достони юзасидан баҳс.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Рўзгор тутиш одоби.

Бозорга бориш ва харид қилиш тартиби.

Оилада ота-онанинг қаноти бўлиш.

Оила бюджети ва унинг тақсимоти.

Кийиниш маданияти.

Үйни тартибга келтириш ва озода тутиш қоидалари.
Оилавий муносабат: Қариндош-уроф, қўни-қўшнилар
орасидаги иноқлик.

3. ЎЗБЕК ТИЛИ СОФЛИГИ – ХАЛҚ ИФТИХОРИ

Тўғри сўзлаш ва нутқ маданияти.
Тил бойлигининг манбаси – китоб.
Ёмон сўзлар оқибати.
Дил жароҳати – тилдандир.
Инсон жисмидаги энг узун нарса бу тилдир, унга эҳтиёт
бўлиш яхши хислат.
Кўча ва жамоат жойларида тилга эътиборли бўлиш.

4. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ, РАСМ-РУСУМ ВА МАРОСИМЛАР

Никоҳ тўйларидаги урф-одатлар.
Ҳафтанома (кунлар хосияти).
13-ёшлилар маросими.
Жамият томонидан қабул қилинган ахлоқий урф-одат-
ларга итоат этган инсон қадр топади.
Кекса авлоддан қолган удумлар ҳақида айтилган риво-
ятлар:
“Қари билганини пари билмас”, “Балиқ мозор”,
“Кирққиз”, “Бой ўғлига”, “Чўли малик”.

5. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Имом ал-Бухорий Ислом оламидаги танҳо аллома.
Фахриддин Расулнинг “Ахлоқнома” рисоласи асосида
баҳс.
Ҳадис илмида қон-қариндошлик ва меҳр-оқибат.
Луқмони Ҳаким сўзларига амал қиласайлик.
Беҳзоднинг мўйқаламида сехрли ва гўзал мўъжизалар
(Нурсайд Ойдинов. “Мулоқот” журнали, 1997. 3-сон. 53-
54-бет).

6. МАЊНАВИЙ-ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Ислом – инсонликка даъват этади.
Бир-бирини тушуниш – ҳаётий зарурият.
Ислом таълимоти бу соғлом жамият учун зарурдир (ги-
ёҳвандлик, ичкиликбозлик, пораҳўрликларни қоралайди).
Куръон оятлари меҳр-оқибатга чорлайди.
Имонсизлик – жиноят манбай.

7. САНЬАТ ВА МАДАНИЙ МЕМОРЧИЛИК

Мумтоз мусиқага асос солғанлар (Абу Наср Форобий, Абдурауф Фитрат, Юнус Ражабий).

Санъат музейига саёхат.

Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат (Ўз шароитингизга мос жойни танланг).

Одил Ёкубов билан учрашув.

Қадимий халқ ҳунармандчилегидаги ноёб кашфиётлар (хунарманд ижодиётини ўрганиш).

8. ЮКСАК АХЛОҚИЙ СИФАТЛАР

Фарзанд — оила неъмати, у мол-дунёга ҳирс қўймасин.

Ҳаққонийлик ва яхшилиқ юксак фазилат.

Бозорга бориш ва харид қилиш одоби.

Сўз турлари ва инсон қиёфаси.

Аёллик латофати, эркаклиқ фурури нимада?

Таъна, миннат, етимлар молига хиёнат қилиш.

Инсонни билиш ва тушуниш одоби.

Нарсани эҳтиётлаш одоби.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИНИНГ АСОСИ (VII СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН)

Ватан туйғуси нима?

Абу Бакр Қаффоли Шоший (Б. Валихўжаев. “Мулоқот” журнали. 1997. З-сон, 29-32-бетлар).

И. А. Каримовнинг “Биздан обод ва озод Ватан қолсин” асари юзасидан баҳс.

Она табиат эъзозда бўлсин.

“Буюк ипак йўли” тарихидан лавҳалар.

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Оиладаги саранжом ва саришталиқ.

Жамоат жойларида ўзини тувиш маданияти, театр, кино...

Дунё гўзалликларини кўра билиш ва тушуниш.

Ўз-ўзини фаҳмлаш ва бошқариш.

Хонадонни обод қилиш, уйларни безаш маданиятини биласизми?

3. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Абу Али ибн Синонинг 100 насиҳати.

Имом ал-Бухорийнинг “Жоме ас-Саҳиҳ” китобидан “Беморниң ҳолини сўраш хусусида” (“Мулоқот” журнали. 1998. 5-сон, 55-бет).

Аҳмад ал-Фарғоний мероси ҳақида сўз.

4. МАЊНАВИЙ-ИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Хожа Аҳмад Яссавий зиёратгоҳи ҳақида суҳбат.

Шарқ машойихлари (Қаландар авлиёлари) ҳақида: Абдулхолик Фиждувоний, Орифон, Баҳоуддин Нақшбанд (Салим Бухорий. “Табарруқ зиёратгоҳлар”. Т. 1993).

Абдуррауф Фитратнинг “Абулфайзхон” драмаси муҳоммади.

Абдулла Орипов ижодиётида мањнавий-ахлоқий тарбия (шеърлари асосида).

5. ЎЗБЕК ТИЛИ СОФЛИГИ – ХАЛҚ ИФТИХОРИ

Сўз. Сўзниң хили ва тури кўпдир (ширин сўз, дағал, беодоб, ҳикматли гап, табрик, миш-миш, ифбо, илтимос, йигит сўзи кабилар).

Юқоридаги сўзларни айтишда инсон руҳиятини тасвирлаш.

Тил — халқлар дўстлигининг рамзи.

Хат ёзиш ва саломномалар битиши тартиби.

Қалб кулгиси (латифа, пайров, бир қайнови ичидা, ҳазил...)

Фазаб келганда тилингга эътиборли бўл.

6. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР, РАСМ-РУСУМЛАР ВА МАРОСИМЛАР

Табиат инъом этган бойликларга доир расм-русумлар: ерни парвариш этиш, ургуни ерга қадашга доир дуо ва кўшиқлар. Паррандаларнинг келиши.

Халқ яратган ялинчоқ ва ҳукмлагичлар (ой, қуёш, юлдуз... қуш ва ҳашаротлар).

Биби Сешанба ва Биби Мушқулкушод кунларини нишонлаш расмлари.

7. САНЬАТ ВА МАДАНИЙ МЕМОРЧИЛИК

Ўзбек халқ ўйинларининг тарихи ва унинг асосчилари ҳақида.

Амалий санъат музейига саёҳат.

Туркистон меъморлари қолдирган меросларини ўрганиш (Одил Ёқубовнинг “Кўхна дунё” асарини ўрганиш).

8. ЮКСАК АХЛОҚИЙ СИФАТЛАР

Яхши одамни фийбат билан эсга олиш одобдан эмас.
Манман ва такаббурлик инсонга зиён.

Камолот — илмдадир.

Хунарли инсон хор бўлмас.

Андишасиз пасткашдан вафо кутма.

Сирни сақлай билиш одоби.

1. ВАТАН ФУРУРИ КАМОЛОТ МУЛКИННИГ АСОСИ (IX СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН)

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида (И. Каримов. “Ўзбекистон ифтихорлари”. “Ўқитувчи”, 1999.).

Ватаним — фахрим.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг ёшлиги.

Шу номли пьесани саҳналаштириш (И. Раҳим. “Гулхан”, 1998, 9-сон, 6—10-бетлар).

И. А. Каримов. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”. Т., “Ўзбекистон”, 1995.

Ўсмиirlарнинг Ватан олдидағи бурчи.

Ўсмир ва Қонун. “Жиноят нима?”

Она тупроқдан бошланган меҳр-оқибат.

Ватандошларимиз ҳамиша барҳаёт.

Ватанини она каби ардоқлаш — бурчимиз (16 февраль воқеалари ҳақида).

2. ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Оила — истиқболнинг яратувчи кучи.

Янги оила қандай бунёдга келади?

Қизларнинг оиласидаги вазифалари.

Ибн Сино “Оила ғаданияти ҳақида”, “Ал-Манозил” асари юзасидан баҳс.

Кийим ва пойафзални асрар кийишни биласизми?

Инсон ҳаётидаги нохушликлар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳақида икки оғиз сўз.

Үйни қандай жиҳозлаш ва тозалаш керак (баҳс).

Жамоат жойларидаги буюмларни кўз қорачифидек асройлик.

3. БОБОЛАР ЎГИТЛАРИ

Халқ китобларини ўрганиш (“Зуфунун қиссаси”, “Бобо Равшан”). Устоз ўгитлари (Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” китобидан). Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асари (Семурғ ва Зол достони). Ҳадислардан намуналар ўқиб бериш.

4. МАЊНАВИЙ-ИНСОННИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Имом ал-Бухорий ҳадисларида одоб ва ахлоқ.

“Наврӯзнома” асари кимлар томонидан яратилган (баҳс).

Эркин Воҳидов билан учрашув. “Ўзбегим” шеърининг таҳдили.

Ислом динида сўфиизмнинг келиб чиқиши тарихи.

Авлиёнинг туғилишидан огоҳлик бериш.

Тушда воқе бўлган кароматлар (Н. Комилов. Тасаввуф. “Мерос” нашр. Т. 1996. 5—8, 66, 73—74-бетлар).

И. Каримовнинг “Баркамол авлод орзуси” асари (Т., “Ўзбекистон”, 1999).

5. ЎЗБЕК ТИЛИ СОФЛИГИ – ХАЛҚ ИФТИХОРИ

Тилингни авайласанг, омондир бошинг.

Тилимиз софлиги — зийнат.

Тилшунос олимлар билан учрашув (М. Асқарова, F. Абдураҳмонов).

П. Қодировнинг “Юлдузли тунлар” асарида бадиий тил бойлиги (баҳс).

Тилимиздаги иллатлар.

Муомала маданияти.

Миллий урф-одатлар, расм-русум ва маросимлар.

6. КЕЛИН ТУШДИ (РАСМ-РУСУМЛАР)

Табиатни эъзозлашга доир урф-одатлар.

Сайиллар, ҳайитларни нишонлаш сабаблари ва ундаги расм-русумлар.

7. САНЪАТ ВА МАДАНИЙ МЕЬМОРЧИЛИК

Қадимий ёдгорликларнинг умри боқийлигининг сири нимада?

Халқ устодларининг ҳаёт йўли (хунарманд, меъмор, косиб ҳақида).

Ўзбек театршунослик тарихи.

Ўзбек туризми ҳақида бир сўз.

8. ЮКСАК АХЛОҚИЙ ХИСЛАТЛАР

Идеал қиз ёки йигит сифатлари.

Ўринсиз хафа қилиш.

И. А. Каримов. “Ҳалоллик ва фидойилик — фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин”.

Сир сақламоқ одоби. Имон ва эътиқод.

Ўзликни англаш.

Тадбир — ғайрат.

Ҳаё — ифрат.

Поклик — инсон зийнати.

Қаноат ва ризо.

Келажак — ёшлар қўлида.

Ишбилармонлик — давр талаби.

Виждан ва қонун.

Юқорида тавсия этилган маънавий-ахлоқий тарбияга доир режаларни ўз шароитингизга мослаштириб, ижодий ёндашган ҳолда фойдаланинг.

ШАБОБ. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Мактаб ёшидаги ўқувчиларга таълим бериш билан бир қаторда уларнинг синфдан ва мактабдан ташқари фаолиятини ташкил қилиш баркамол инсонни тарбиялашдаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширади.

Ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни шакллантириш жараёнида қўлланиладиган методлар: тарбиявий тадбирнинг мақсади, мазмуни ва унинг характеристиги мос бўлиши; тарбиявий ишларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожланувчи йўналишини яхлит амалга ошириш.

Материалларнинг ранг-баранглиги, қизиқарлилиги, ҳаётий бўлиши мухим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни тарбиялашда унга раҳбарлик қилишнинг мазмунни, шакли ва усуллари бирлигини таъминлаш, унинг натижасини ҳисобга олиш услубияти, таълим-тарбиянинг бирлигини яхлит амалга ошириш.

Мактаб ёшидаги ўқувчиларда ахлоқий сифатларни шакллантириш методини танлашда қуйидаги тамойилларга эътибор бериш лозим:

- ўқувчида шаклланиши лозим бўлган у ёки бу фазилатнинг мазмунига;
- ўқувчининг ёши, руҳий ҳолати, ақл-заковати фаолиятига таъсир эта оладиган бўлишига;
- ўқувчилар яшайдиган худуд шароитини ҳисобга олиш ва мослаштиришига;
- тарбиявий таъсир этувчи усул — методларни қўллашда кишилик жамиятининг тарихий тараққиётида тарбия воситаси ҳисобланган халқ оғзаки ижоди намуналари: мақол, нақл, матал, эртак, ҳикмат, ривоят, анъана, театр, амалий санъатдан фойдаланишга.

Шарқ мутафаккирларининг маданий мероси бўлмиш пандномалар, битиклар, ёзма ёдгорликлар, халқ қитоблари — урфодат, байрамларни амалга оширишда қўлланилган. Бу методлар қуйидагилар:

- ҳар бир ишда катталарнинг шахсий намунаси;
- панд-насиҳат қилиш, суҳбат ўтказиш;
- ўйин ва машқ;
- муаммоли вазият;
- рағбатлантириш: табассум, илжайиш, “баракалло”, “яхши” каби сўзлар;
- ўргатиш ва тушунтириш;
- мустақиллик, ижодкорлик;
- жазолаш.

Юқоридаги тарбия усуллари халқнинг кундалик ҳаётида қўлланиб, у ё ижобий, ё салбий таъсирга эга бўлган.

Ўқувчиларни ахлоқий руҳда тарбиялашда юқоридаги методлардан комиљекс усулда фойдаланиш ҳаёт тақозосидир.

Мактабларда ўтказиладиган маънавий-тарбиявий ишлар турли шакл ва усулда олиб борилади. Улар ахлоқий мавзууда суҳбатлар, ўйин, эрталик, байрамлар, мунозара, ўткир зеҳнлилар мушоираси, маросимлар, кечалар ва бошқа тадбирлар...

БИРИНЧИ ТАДБИР

ОТА-ОНА ҚАЛБИ – ОЛИЖАНОБ ҲАКАМ

*Тошкент шаҳар 41-сонли мактабнинг
5- синфида ўтказилди.*

**Суҳбатнинг қисқача мазмунини келтирамиз. Ўқитувчи
кириш суҳбатида:**

— Ота-она ҳақида қанчалик гапирсак, қанчалик куйиб-
пишсак ҳам, кам. Кайковус ҳам “Қобуснома”нинг алоҳи-
да бир бобини “Ота-она ҳаққини билмак зикрида” деб
номлади. Бу бобда муаллиф ёшларни ота-онанинг ҳурмати-
ни бажо келтиришга чақиради. Ота-она ўз фарзанди учун
ўлимга ҳам розилигини таъкидлайди. Айни замонда, ота-
онанинг кўнглини ранжитмасликка, уларни ҳурмат қилиш-
га ва ширин сўзлар билан муносабатда бўлишга ундайди.

Кайковус ёшларни ўз ота-оналарини ҳурмат қилиш-
га чақириш билан бирга ота-оналарни ҳам болаларига
яхши тарбия бериш, Ватанига муносиб фарзандлар си-
фатида тарбиялашга ундайди. Айни замонда, муаллиф
ота-онани ҳурмат қилишни фарзанднинг ақёллилиги,
доно ва билимли, ўқимишли бўлиши билан боғлайди
ҳамда “Ҳар бир фарзанд-ки, оқил ва доно бўлса, ота-
онага меҳр-муҳаббатни адо этмақдан бош тортмагай”,
дейди. Шу билан бирга, Кайковус ота-онани ҳурмат
қилиш масаласига маънавий эътиқод ва инсонпарвар-
лик нуқтаи назаридан қарайди. Шу боис ҳам: “Сен ота-
онанинг ҳақига дин нуқтаи назаридан риоя қилмасанг
ҳам; ақл юзасидан, мурувват юзасидан риоя қил”, деб
уқтиради.

Кайковус юқори табақадан келиб чиққанлиги туфайли
ота-она ҳурматини мерос билан боғлайди. Аммо, у мерос
олиш умидида ота-оналарни ранжиттанларни қескин қора-
лайди. Маътумки, Кайковус яшаб ижод этган давларда
тож-тахт мерос ҳисобланиб, авлоддан-авлодга ўтар эди. Сал-
танатни эгаллаш мақсадида фарзандлар, шаҳзодалар ўз ота-
оналарига ҳурматсизлик қилишар, ҳатто ўз ота-оналарини
қатл этган ҳоллар ҳам содир бўларди. Бу воқеаларга Кайко-
вус алоҳида диққат қиласиди. Шунинг учун у “мерос олмоқ
ҳирси билан ота-онанг ўлимини тиламагил”, дейди.

Шунингдек, Кайковус ота-онанинг ҳақини билмак хусусида фоят муҳим бир фикрни баён қиласди. Яъни, у ўзбек ва тожик ҳалқининг энг доно мақолларидан бири ҳисобланган “Нима эксанг, шуний ўрасан” ҳикматини қўллаб, жуда ажойиб ва намунали маслаҳатлар беради. Унинг ҳикматларини ўқиган ҳар бир киши беихтиёр ўзи ҳақида, ўзининг атрофидаги инсонларга нисбатан муносабати ҳақида ўйланиб қолади ва шубҳасизки, кейинги ҳаёти хусусида ҳам фикр юритади, чунки ўзи ота-онага нима кўрсатган бўлса, унга ҳам фарзандларидан шу қайтади, деган холоса бежиз айтилмагандир.

Инсоният тарихида ота-она мадҳини куйламаган ким бор?

Дарҳақиқат, Куръони Карим, Ҳадиси Шарифларда ҳам ота-онага меҳр-муҳаббат алоҳида таъкидланган.

“Бир одам Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи вассаллам-нинг олдилариға келиб: “Е Расулуллоҳ, менинг яхши муомала қўлмоғимга ким ҳақлироқдир?” — деб сўради. Жаноби Расулуллоҳ: “Онанг!” — деб айтдилар. У: “Яна ким?” — деб сўради. Жаноби Расулуллоҳ: “Онанг!” — дедилар. У: “Яна ким?” — деди. Жаноби Расулуллоҳ бу сафар ҳам: “Онанг!” — дедилар. У: “Яна ким?” — деди. Жаноби Расулуллоҳ бу сафар: “Отанг”, — деб жавоб қилдилар”.

Ўқитувчи сұхбатда Самандар Воҳидовнинг “Онадир, она!” шеърини ўқиб таҳдил қиласди.

- Сендан юксак нима бор, юлдуз?
- Оналар меҳри.
- Сендан кескир нима бор, олмос?
- Оналар қаҳри.
- Қайдан олдинг оташни, Куёш?
- Она қалбидан.
- Пўлат, қайдан сенда зўр бардош?
- Она сабридан.
- Сенми, кўклам, ҳаётбахш фасл?
- Йўқ, она изи.
- Сенми, тотли, шифобахш асал?
- Йўқ, она суви.
- Денгиз, недир кенглиқда танҳо?
- Она оғуши.
- Сендан шаффоф не, тонғти зиё?
- Она боқиши.
- Яратувчи сенми, табиат?

- Йўқ, йўқ, оналар.
- Бахт берувчи сенмисан, ҳаёт?
- Йўқ, йўқ, оналар!

Ҳақиқатан ҳам, жаҳоннинг бутун фурури оналардан. Күёшсиз гуллар очилмайди. Севгисиз бахт йўқ. Аёлсиз муҳаббат йўқ. Онасиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди. Келинглар, болажонлар, меҳри чексиз, бутун дунёни кўкрак сути билан боқсан аёлни — Онани шарафлайлик! Отажонларимизни севайлик!

ИККИНЧИ ТАДБИР МУҲАББАТ — ЭНГ ОЛИЙ ТУЙФУ

Тошкент шаҳридаги 254-мактабнинг 9-синф ўқувчилари билан ўтказилган давра сұхбатидан намуна.

Давра сұхбатидан мақсад: ёш йигит ва қизларнинг оиласий ҳаётта бўлган муносабатларини “Қобуснома”даги насиҳатлар билан узвий боғлаб, тўғри ҳаётта йўналтириш.

Б о ш л о в ч и: Севги-муҳаббат доно боболаримиз сўзи билан айтганда, “Машаққатлар ичida энг олижаноби, энг юксаги муҳаббат машаққатидир”. Муҳаббат шундай ҳиссиятка, у инсонга қанот баҳш этади. Дилни хушнуд этиб, ҳаётга ажид маънно ва мазмун олиб киради. Чинакам муҳаббат факат бахт ва қувонч келтириб қолмай, қийинчиликлар ва машаққатларга, ҳижрон азобига ҳам мубтало қиласди.

Муҳаббатни куйламаган ёзувчи, санъаткор, шоир, унга йўлиқмаган инсон бўлмаса керак. Кайковус бобомиз ҳам “Қобуснома”нинг 14-бобида ишқ-муҳаббат тўғрисида фикр юритади. “Ишқ иллатининг доруси оғир юқ чекмоқ, узоқ сафар қилмоқ ва доимо ўзини ранжга тутмоқ, бунга ўхшаш ишларни ихтиёр этмақдин ўзга нарса эмасдур. Шундай пайтларда шундоқ кишини дўст тутиш керакки, сенга унинг сұхбатидин ва хизматидин роҳат етишсин. Шунда уни қабул қил, нединким ошиқлик бошқа ва дўстлик бошқадур. Ошиқ бўлсанг, шундоқ кишига бўлгилки, ул маъшуқаликка лойиқ бўлсин. Афлотундек ва Якубнинг ўғли Юсуфдек хусни бўлмаса ҳам бир оз малоҳати бўлсин”, дейди. Кайковуснинг берган таърифлари жуда тўғри бўлиб, ҳаётда ўз аксини топган ва ҳаётий тажрибалардан олинган.

Давра сұхбатида Кайковуснинг “Қобуснома”даги ишқ ва муҳаббат ҳақидаги насиҳатларини таҳлил қилгач, ўқувчилар ўз шахсий фикрларини бирин-кетин баён этдилар:

— Ўзіда ишқ-муҳаббат пайдо бўлган ҳар бир йигит-қиз шарму ҳаёсини сақлаши керак.

— Мен истардим, ёшлар нафс балосига берилиб, но-мусларини оёқ ости қилмасинлар.

— Кайковус бобомиз жуда тўғри айтганлар, ишқ иллатини дориси йўқ. Мен ўйлайманки, бу дори ақл билан сабр бўлса керак.

Давра сұхбати якунида қўйидаги саволлар асосида баҳс ўтказилди:

1. Чин севги-муҳаббат деганда нимани тушунасиз?

2. Қиз бола оиласи эркакни севиб қолса, сиз қандай қарайсиз?

3. “Қобуснома”даги қўйидаги ҳикояни изоҳлаб беринг:

“Агар киши йигитликда ошиқ бўлса узрдир, уни ҳар киши кўрса маъзур туттай ва айттурким, йигитдур, айби йўқдур, лекин жаҳҳ қўлким, қариликда ошиқ бўлмагил”.

4. Севгида, оила қуришда янглишмаслик учун нималар шарт?

5. Ҳозирги пайтда нима учун ажralишлар кўп?

6. “Қобуснома”нинг ишқ бобидан ҳикоят келтириб, изоҳлаб беринг.

7. Қиз ёки йигит биронни севса, қандай иш тутгани маъкул?

8. Севган кишингиз қандай бўлишини хоҳлайсиз?

Саволларга жавоб олгач, тарбиячи давра сұхбатини якунлаб, ишқ бобида аждодларимиз насиҳатларига амал қилиб тўғри йўл тутишни таъкидлаб ўтади.

Эрталиқ — кичик ёшдаги ўқувчилар учун ўтказиладиган машгулот

Уни ўқувчилар ташкилоти гуруҳлари ўтказиши мумкин.

Мустақил Ўзбекистондаги ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда қўйидаги мавзуларда эрталиқ ўтказиш мумкин:

“Ўзбекистон — Ватаним менинг”, “Она юртим олтин бешигим”, “Ватанин севмоқ иймондандир”, “Она-Ватаним — саждагоҳим, гурурим”, “Ватан қайғуси”, “Зиёратгоҳлар”.

Биз қўйида Наманган вилояти Норин туманидаги 29-ўрта мактаб ўқитувчиси Ёқутхон Шокированинг “Ватанин севмоқ иймондандир” мавзуидаги эрталигидан намуна келтирамиз.

М а з у: “Ватанин севмоқ иймондандир”.

Эрталикнинг мақсади: Кичик мактаб ёшидаги ўкувчи-ларга Ватан туйфуси муқаддаслигини англатиш. Уларни Ватандан фурурланиш ҳис-туйфусида тарбиялаш.

Эрталикни ўтказиш жойи мактаб клуби, табиатнинг хушманзара жойи ёки зал.

Эрталик олиб борувчининг кириш сўзи билан очилади:

— Она-Ватанимиз — хур Ўзбекистон! Истиқлол туфайли очади жамол. Инсонлар дили фуур ва иймон, меҳр оқибатда топмоқда камол.

Саҳнага ўзга сайёраликларнинг фазовий кемаси чироқларини ўчириб-ёндириб келади ва тўхтайди.

Ундан овоз эшитилади:

— Мен — Марс! Мен — Марс! Мени эшитяпсизми? Кеманинг қувват олиш қисми ишламай қолди. Мен бир нотаниш сайёрага қўнишга мажбурман.

Кемадан икки киши тушиб келади. Улар саҳнадаги нарсаларни, даврадаги одамларни кўриб ҳайрон бўладилар.

1- м е ҳ м о н . Бу қайси сайёра?
Оlamнинг қайси нуқтаси?
Номи недур?
Унда кимлар яшайди?

Ўқувчи: Бу сайёра Она-Ердир,
Ер ва инсон дўстлашган.
Жаннат каби гўзал бу юрт,
Номин айтай, сен эшиш.

Ўқувчилар жонли ҳарфлар билан “Ўзбекистон”
сўзини ҳосил қилишга киришадилар.

Ў — Ўзлигини топди ўзбек сунбуланинг кунида.
З — Замона силсиласи қайтаролмас мақсаддан.
Б — Бахт-саодат келар албат, аҳил бўлсак бизларга.
Е — Етукликка интиламиз, инсонийлик бурчимиз.
К — Камолот, улуғлик томон интилар халқим.
И — Инсонлар орзузи эзгулик, ахир.
С — Сабр-тоқат, иймон бўлса гар йўлдош.
Т — Тинч ўтар инсон умри, баҳт унга доим йўлдош.
О — Орзу-ниятларимиз: тинч бўлсин бутун жаҳон.
Н — Номи жаҳонда жаранглар Она-юрт — Ўзбекистон!!!

2-мөхмөн: Офарин, офарин! Доимо бўлсин омон,
Юртингиз ва халқингиз доим бўлсин фарон.

Мөхмөн: Бу не шодиёна, қандай тантана,
Нега бунда барча одам жамулжам?

Ўқувчи: Юртимизда байрамлар кўп, тўйлар кўп,
Бағри кенглик, мөхмандўстлик халқимга
хосдир.

Мустақил Ўзбекистон мадҳини куйлаш,
Дилимизга нур, қалбимизга зўр қувончдир.

Мөхмөн: Ватанингиз анча иссиқ,
Юзингизда ажиб нур.
Менимча, ҳар кунингиз
Жуда ўтади масрур.

Ўқувчи: Серқуёшдир Ватаним,
Қалбимиз күёшдан-да иликроқ,
Шунинг учун ҳар кунимиз
Бошлинар тантанали қўшиқдан.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси ижро этилади.

Мөхмөн: Юртингиз Ўзбекистон,
Жуда гўзал бу макон.
Давлатингиз рамзлари,
Не билдирап, қадрдон?

Ўқувчи: Халқим, орзу-нияти
Дилга қувонч солади.
Байроғимиз дунё узра
Юрга довруг солади.

Ўқувчи: Байроқдаги тўрт хил ранг
Ҳамоҳангидир бирлиқда.
Бир-бирини тўлдирап,
Мақсад сари тенгликда.

Ўқувчи: Ҳаво ранг — тинчлик демак,
Оқ рангдир — поклик рамзи.
Яшил — яшнагай эл,
Қизил ранг — ҳаёт рамзи.
Юлдузлар доим сирли,

Маъноларни сўзлайди.
Ўн икки — бу ўн икки ой
Тарихидан сўзлайди.
Янги чиққан тўлин ой,
Ҳар кўзни ўзига чорлар.
Дуога очамиз қўл,
Дилга нур, поклик солар.

Меҳмон: Байробингиз дунё бўйлаб
Хилпирасин, довруғ солсин.
Юрт мақсади, орзуси
Ўсиб камолга етсин.

Ўқувчи: Туғромизда орзу
Акс этгандир, билинг, сиз.
Хумо куши етаклар,
Мақсад сари билинг, сиз.
Пахта, буғдой чамбари,
Тўкинлик, тўқлик рамзи.
Қуёш, юлдуз, сув, тоғлар,
Яшнаган юрт тимсоли.

Меҳмон: Сўзларингиз дилимизни,
Кўнглимизни чоғ қилди.
Юртингизга меҳрингиз
Бизни ҳайрон, лол қилди.

Ўқувчи: Юртни севмоқ бизларга
Пайғамбардан меросдир.
Темур бобом ўтилари
Дурлар ичра олмосдир.
Номи дунёда машхур
Боболарим бор менинг,
Улуғбек, Сино, Бобур,
Навоий — шоним менинг.
Шоирларим сўзлайди
Ватан мадҳини аъло.
Кўнгилларнинг мадҳида
Мустақиллик бебаҳо.

Шу ерда ўқувчилар шоирларнинг она-Ватанини, мустақилликни улуғловчи шеърларидан, қўшиқлардан ижро этадилар. Ватан ҳақидаги ҳадислар, мақолларни ўқийдилар.

Меҳмон: Само узра кемамиз
Йўл кезиб, қанот қоқди.
Юрт, одамлар ичра сузиб,
Чин дилдан бизга ёқди.

Ўқувчи: Сизлар ҳали биз билан
Кўп сұхбат қурмадингиз.
Юртим бўстонларида
Сайр қилиб юрмадингиз.

Шундан сўнг ўқувчилар саҳнада давра айланиб, қўлларидаги
Ўзбекистоннинг ноз-несъматларини, гулларини намойиш қилади.
Уларни тавсиф этадилар.

Ўқувчи: Поклик, оқликни пахта
Халқим дилидан олган.
Шунинг-чун пахта қадри
Олтиндан ортиқ бўлган...

Ҳамма
Ўқувчилар: Қанча айтсак, шунча оз
Ўзбекистон мадҳини,
Кўнглимиз тўқ, зўр ишонч,
“Ватан — барчамизники!”

Шу ерда фазовий кеманинг чироқлари ёниб, шуъла соча бошлиайди.

Меҳмон: Эй, азиз инсонлар, баҳтлисиз доим,
Шундай юрг, шундай эл ичрасиз доим.
Сизни сурурингиздан
Кўнглимиз тўлди.
Она-юргга меҳрингиздан
Серқуёш юртингиздан
Кувват олиб кемамиз
Учишга тайёр бўлди.

Барча меҳмонлар: Хайрлашамиз! Қолар омад сиз
билан,
Яшнасин эл! Қолар иймон сиз билан.

Ўқувчилар: Биз ўзбеклар меҳмонларни улуғ кўрамиз,
Ерга ташрифингизни қутлуғ биламиз,
“Оқ йўл” деймиз, кўксимиизда қўлимиз,
Меҳмонларга доим очик уйимиз.

Болалар: “Хайр!”, “Оқ йўл!” деб хайрлашиб қоладилар.

Ўқитувчи нинг хотима сўзи билан эрталик якунлашади.

Ақл — бойлик берган билан камаймас,
Ватан мадҳин айтган билан тугамас.

“Соғлом авлод” ўзлигини хор қилмас,
Эл-юргин улуғлаган асло кам бўлмас!

Раҳмат, ўқувчилар! Элу юртимиз баҳтига доимо соғсаломат бўлинглар!

Бошлангич синфларда бу каби эрталикларни ўтказиб бориш ўқувчиларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, ундан фаҳрланиш туйғусини орттиради.

**“Фарзанд бурчи” мавзууда кўрик-танлов режаси
(Юқори синф ўқувчилари учун)**

Мазкур кўрик синфлараро ёки Республика миёсида ўтказилади.

Мақсад: Ўқувчиларга фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳақида маълумот бериш ва ота-онанинг жамиятдаги меҳнатини қадрлаш ҳиссини тарбиялаш.

Тадбирнинг жиҳози: Бир қатор хужжатлар: Ўзбекистон Республикаси конституцияси, “Оила кодекси”, “Фарзанд бурчининг қирралари” кўргазмаси, “Оналик ва болалик”, “Соғлом авлод учун” каби китоб, мақола ва расмлар.

Кўрикларни ташкил этиш тартиби:

1. “Она қалби” шеъри мусика садоси остида икки ўқувчи томонидан ўқилади.
2. Саҳна: Бошловчилар ота-она ҳақидаги шеър, ҳикмат ва фазилатларни намойиш этадилар.
3. Баҳс: “Фарзандлик бурчи нима?”
4. Фарзанд бурчининг кенг маънодаги баёни: Ватан, ота-она, жамият, дўст ва биродарлик олдидаги бурчdir...
5. Ватан олдидаги бурчни англатувчи саҳна (Фитратнинг асарлари мисолида тайёрланиши мумкин).
6. “Фарзандлик бурчини унутганлар”, интермедия:
 - а) ота-оналарни эзмачурук деб, уларни менсимай, гапларини қайтариб ташловчилар;
 - б) қайтар дунё;

в) ватан олдидағи бурчини унуганлар: хоин, судхұр, сотқин.

7. Ватан ёки ота-она ҳақида құшиқ.

8. Фарзандлик бурчи ҳақида ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этиш мүмкін. Улар: расм чизиш, шеър ёзиш, ҳикмат-ҳикоятлар баёни, бадиий асарлардан намуналар келтириш шаклида бўлиши мүмкін. Юқоридаги ижодий иш “Фарзанд бурчи” кўриги ҳайъат аъзолари томонидан баҳоланади.

9. Халқнинг лапар намуналаридан ва қўшиқларидан мисоллар келтириш.

10. Тадбир давомида бошловчилар:

— халқ оғзаки ижодиётида фарзанд бурчини ифодаловчи ибратли мақоллардан мисоллар келтириши;

— инсон бурчи ҳақида қандай асарлар биласиз? Уларнинг муаллифи ким?

— фарзанд бурчи ҳақида Республика Конституцияси ва кодексида нималар дейилган? Қайси бўлим? Қайси моддасида? — деб сўраши лозим.

11. Ҳайъат аъзоларининг табриги.

12. Кўрик-танлов якуни: “Фарзанд бурчи” ҳақидағи қўшиқлар, донолар бисотидан намуналар келтириш ва уларни намойиш этиш.

“Фарзанд бурчи” мавзуидаги кўрик-танловнинг тартиботи

Тадбир “Онаизор” қўшиғи билан бошланади.

Кўнгил, қолма булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсан бир кун ахир тилдан ҳам,
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...
Сифмай қолсан шундай кенг бу жаҳона,
Осмонларга бўлса руҳим равона,
Жонсиз таним устида ҳам парвона,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...
Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё
Уч кун ўтмай унугтай дўст-ёр, дунё,
Еру кўкни титратиб зор-зор, дунё,
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...
Гулдай кулиб, юрмасмиди, ўғлим деб,
Кўриб кўнгли тўлмасмиди, ўғлим деб,

Онанг ўлса бўлмасмиди, ўғлим деб,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...
Кўнгил, қолма булбулдан ҳам, гулдан ҳам,
Қолар бўлсан бир кун ахир тилдан ҳам,
Агар бир зот йиғласа чин дилдан ҳам,
Онам йиғлар, онам йиғлар, онам у...

1-б о ш л о в ч и : Биз билган жаҳоннинг Каъбаси — Онам,
Оила баҳтимиз гавҳари — Онам,
Босган изингизга қиласайлик таъзим,
Биз учун дунёда азиз, ягонам.

2-б о ш л о в ч и : Олам ичра ўслини баҳтиёр қилган — отам,
Мехри дарё қизини ўғлим деб билган —
отам,
Доно сўзу дуолар яшнатди ҳаётимни,
Фарзандига баҳт истаб, бургутдай ел-
ган — отам.

1-б о ш л о в ч и : Дарҳақиқат, ота-она каби биз учун ду-
нёда мўътабар зот йўқдир. Улар ўзлари емай, бизларга еди-
риб вояга етказадилар. Касал бўлсак, бошимизда парвона
бўладилар, қувончимизга шерик бўладилар, фам-андуҳга
тушганимизда биринчи бўлиб ёрдамга келадилар.

2-б о ш л о в ч и : Шунинг учун ҳам биз ота-оналаримиз-
ни эъзозлашимиз, уларнинг хурматини жойига қўйиши-
миз зарурдир. Бу биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳар бир фарзанд ўз ота-онасининг олдидаги фарзандлик
бурчини билиши даркор. Марҳамат, кўригимиз иштирокчи-
лари ўз фарзандлик бурчларини нимада, деб биладилар.

“Хумо” ва “Истиқлол” гуруҳи иштирокчиларининг баҳси бўлади.
Бунда фарзанд бурчининг кенг маънодаги баёни: Ватан, ота-она,
жамият, дўст ва биродарлар олдидаги бурчлари...

Фарзандлик бурчини унутганлар

1-КЎРИНИШ

Қатнашадилар: О на, Қизи ва унинг 2 дугонаси
ҳамда ҳамшира қиз.

Хонанинг ўртасида стол-стуллар. Ёши анча ўтиб қолган, касалманд
о на меҳмонлар келиши учун тургиниб-суртиниб жой ҳозирламоқда.
Унинг эгнида ранги ўчиб кетган чит кўйлак, бошида эса оқ рўмол.
Бир маҳал эшикдан бўйи етган, келишган бир қиз кириб келади,
салом-аликсиз онага қараб дўқ уради.

Қиз: — Хүв, мамашка, ҳалигача ҳеч нарсаны тайёрламабсиз. Бугун мени туғилған күним бўлса, сиз бўлсангиз касалман деб тошбақага ўхшаб имилаб юрибсизми? Ҳозир келиб қолишида дугоналарим.

Она: — Вой қизим, ке, яхши келдингми? Ҳаммаси тайёр, жоним қизим, мана, олиб келиб қўйсам бўлди. Ҳаммасини пишириб қўйганман.

Қиз: — Э, кўп вақиллагунча тезроқ бўлинг, ўртоқларимни оддига шарманда бўлиб қолмай.

Она: — Ўзинг ҳам қарашворсанг бўларди, мундоқ...

Қиз: — Нима, мен ўйнаб юрибманми, бекорчимани? Ҳали кийимларимни алмаштиришим керак. Ўзингиз қилиб туринг.

Қизи кийимини алмаштиришга бошқа хонага чиқиб кетди.

Она стулга ўтириб уҳ тортди.

Она: — Уҳ, қарилик қурсин, оёқдан қолибман шекилли, бирам оғрийди-ей...

Нариги хонадан қизининг овози келди.

— Ойи, менинг тилла тақинчоқларим қани? Мен сизга неччи марта айтаман, нарсаларимга тегманг деб.

Она: — Мен уларни яхши ният қилиб сепингта олиб қўйганман, қизим.

Қиз: — Нима, уларни еб қўяманми, темир-ку, қизингиздан ортиқми шулар?! Опкириб беринг.

Она: — Йўқотиб қўясанми дейман-да, болам. Сендан айлансин шу тақинчоқлар. Мени сендан бошқа кимим бор, жоним қизим. Ёлғиз сенсан менга отангдан ёдгорлик, оппоғим...

Она кўзига ёш олиб тўлиб-тошиб гапира бошлади.

Қизи эса гапини эшиттиси йўқ.

Қиз: — Э, бўлди, кўпам жаврайверманг, ўзим ҳам биламан биттагина болангиз эканимни. Иккита бўлганимизда-ку, билмадим, қандоқ қилиб боқардингиз бизни...

Эшик тақиллаб қолади.

Қиз: — Ана келишди дугоналарим, боринг, бошқа хонага чиқиб кетинг, кийимингиз бир аҳвол, соchlарингизни гапирмасам ҳам бўлади, боринг, боринг, эшикни ўзим очаман.

Қиз эшикни очади ва бирин-кетин ўзига ўхшаган қизлар кириб қелади.

Ярим русча-ярим ўзбекча сўзлар билан кўришадилар, ҳаммалари столга келиб ўтиришади. Шунда он а чой олиб киради.

Қиз онасининг олдига келиб дўқ қиласди.

Қиз: — Ўзим олиб кирадим, аҳволингизга қаранг.
Ойим дейишга уяламан.

Лобар — қизнинг дугонаси ўрнидан туриб она билан саломлашади
ва улар билан бирга ўтиришга таклиф қиласди. Бошқалар ҳам
кўришишади. Она қизининг дугоналарини кўриб қувонади.

Қиз: — Ойи, боринг ошхонага, ёшларга халақит берманг!

Лобар: — Вой жиннимисан, нима деяпсан, — дейди
секин онага эшиттирмай.

Она: — Қизларим, сизлар bemalol ўтириб туринглар,
ўз уйинглардек ўйнаб-кулинглар! — деб чиқиб кетади.

Лобар: — Вой, дугонажон, онанг билан шунаقا муоммалада бўласанми? Ахир сени тукқанлару. Ёлғиз ўзлари
сени ўстирияптилар-ку...

Қиз: — Сен кам эдинг. Кўйгин шуни. Сен ойимларни
билмайсан. Бир гапга тушиб кетсалар борми. Э, кўй, ке,
бошқа нарсалар ҳақида гаплашамиз...

Лобар: — Йўқ, мен сен билан дўстлашмайман. Бўпти,
яхши қол, — деб чиқиб кетади.

Қиз: — Нима, энди сени деб хурсандчилигимни бузайми?

Собира дугонаси: — Борсин ўша ватанпарвар. У
бор бўлди нимаю йўқ бўлди нима.

Қиз: — Сен биласанми, ойим қариди, уже касал бўлган-
ни-бўлган, вообще надоела, что надо делать?

Собира: — Ты знаешь что, қариялар уйи бор. Там
моя знакомая есть.

Қиз: — Э, мамашка, не за что бормайди.

Собира: — Э хомкалла, қаёққалигини айтиш шартми?
Тихо обориб ташлаймиз и всё.

Қиз: — Ты вообще прелесть!

Қизлар бир куни онани қариялар уйига олиб борағиган бўлишди.

2-КҮРИНИШ

Қизи дугонаси Собира билан уйга келиб:
“Ойи, сизни айлантириб келамиз”, — деб ойисини қўярда-қўймай
қариялар уйига олиб кетди.

Она эса буни билмасди. Қизининг яхши муомаласига
эриб кетган эди.

Саҳнада боғ. Гуллаб турган дараҳт тагидаги скамейка. Она хомуш
келиб скамейкага ўтириди. Унинг кўзлари ич-ичига ботиб кетган,
ғамгин кўринар эди. Бир маҳал ҳамшира қиз келиб қолди.

Ҳамшира қиз (қувноқ овозда): — Вой холажон, тоза
ҳавода дам олгани чиқдингизми? — деб онанинг қўллари-
ни ушлади. — Қаранг, шафттоли чиройли гуллабди.

Она: — Ҳа, жуда, чиройли гуллабди-я, — дея олди
холос.

Ҳамшира қиз: — Холажон, нимага бунча сиқиласиз.
Қаранг, атрофга бир қарант, ҳаммаёқ кўм-кўк, баҳорда шу-
нақа чиройли бўлади. (У онанинг кўнглини кўтаришига ҳара-
кат қиласди.) Э, хола, вақт бўлибди, юринг, овқатланиб
олинг.

Улар кириб кетишади. Кўп ўтмай она оламдан ўтади. Ҳамшира қиз
онанинг қоғозларини ва кийимларини олиб қизнинг олдига келади.

Бу пайтда қиз баланд қилиб музика қўйиб ўтирган эди.

Қиз: — Мана Зой бўлди. Ойим йўқ, мен билан ҳеч
кимнинг иши йўқ. Келдингми, кетдингми, овқат ичдинг-
ми, қаерда юрибсан, деб ҳеч ким сўрамайди. Кечкурун
онам бошимни силаб ухлатмайди. Эрталаб ҳам уйғотмайди.
Оғир экан онасиз яшаш. Ота-онаси йўқ одамларга қи-
йин экан. Ойи, ойижон, сизни соғиндим. Ҳозироқ олиб
келаман сизни, кечиринг мени. Оёқларингизга йиқила-
ман, мендек ноқобил фарзандингизни кечиринг, ойижон.

Шу пайт эшик тақиълаб қолади. Қиз эшикни очади.

Қиз: — Вой келинг, ким керак сизга?

Ҳамшира: — Бу Аҳмадқурова Розия аянинг уйлари-
ми?

Қиз: — Ҳа, нима эди?

Ҳамшира: — Сиз қизларимисиз?

Қиз: — Ҳа.

Ҳамшира: — Мана буларни олиб келувдим. (Қўлида-
ги тугунча ва қоғозларни беради.)

Қиз: — Вой, ичкарига киринг, келинг, мундоқ ту-
шунтириб гапиринг, ўзингиз кимсиз?

Ҳ а м ш и р а: — Мен онангизни ҳамшираси эдим. Онангиз жудаям яхши аёл эдилар. У киши оламдан ўтдилар.

Қ и з: — Нима деяпсиз ўзи?

Ҳ а м ш и р а: — Ҳа, шунақа. Сиздек қизни дунёга келтириб, ёлғизликда тарбиялаб, вояга етказган онангиз оламдан ўтдилар. Хайф сиздек фарзандга. Қайтар дунё дейдилар: Онангиз касаллик туфайли эмас, сизнинг бемеҳрлигингиздан кетдилар. Хайр, яхши қолинг!

Қ и з: — Ойижон, ойижон! Нима қилиб қўйдингиз. Мен дек бебош қизингизни кимларга ташлаб кетдингиз? Нажот шундай бўлса. Ойижон!

Кўринишдан ҳисса: Эй фарзандлар! Ҳамма яхши тилак, истак, меҳр-оқибатингизни, очиқ чехра, меҳр-муҳаббатингизни ота-она тириклигида қўлинг. Уларнинг қаддини букадиган ноўрин ишларни қилманг, ўз фарзандлик бурчингизни унутманг.

Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ҳаётига бағишлиланған ноанъанавий тарбиявий тадбир баёни

М а қ с а д и: Болаларга буюк аллома, шоир ва подшоҳ Заҳириддин Мұҳаммад Бобур ҳақида маълумот бериш орқали кичкинтойлар қалбида улуғ саркардага нисбатан чексиз хурмат ва фахрланиш ҳиссини уйғотиши.

Муножот куйи янграйди.

Б о л а: Амир Темур бобокалоним,
Умаршайхдир падари борим.
Тошкент хони — чин Юнусжоним,
Қутлугнигор — тадбиркор онам.
Андижонда туғилдим, ўсдим,
Ҳиндистонда боғлар яратдим.
Мусаввирлар бўлишди дўстим,
Ватан дея қалам тебратдим.

Иккита жарчи б о л а чиқадилар:

1-б о л а: Одамлару одамлар,
Боғда битган бодомлар.
Эшитмадим деманглар,
Эшиттанлар жилманглар.

2-б о л а: Шоҳимиз Умаршайх Мирзо
Фарзанд кўрдилар, отини
Бобур Мирзо кўйдилар...

1-б о л а: Жажжи Мирзо шарафига
Бугун катта сайил бўлади...
Шоҳимиз Андижон халқига
Зиёфат берурлар...
Шошилинглар...

Карнай-сурнай садолари янграйди, 4—5 бола ўйнаб ўтиб кетадилар.
Сўнгра қизлар бир томон, ўғил болалар бир томон бўлиб, улар ҳам
ўйнаб кириб келишади ва стулларга ўтиришади.

Э ш и к о ф а с и: Ҳукмдоримиз Умаршайх Мирзо келяп-
тилар! (Ҳамма ўрнидан туриб, қўллари кўксиларида эгила-
дилар. Шоҳ аъёнлари билан кириб тўрга ўтиб ўтиради.)
Унинг қўлига чақалоқ берадилар.

Ҳ а м м а: Шоҳим, фарзанд билан муборакбод этурмиз.

Аъёнлардан бири фотиҳа қиласди.

А ъ ё н: Омин! Бобур Мирзонинг умрлари узун, ризқла-
ри мўл бўлсин! Ўзлари зўр саркардао улуг шоир бўлиб етиш-
сунлар. Ҳамда ҳукмдорлик таҳтига ўтирсунлар. Оллоҳу акбар!

Чақалоқни шоҳнинг қўлидан оладилар.

Э ш и к о ф а с и: Ҳукмдор ижозат этдилар. Ўйин-кулги
бошлангиз.

Ўйин. Карнай-сурнайчи 2 бола.
Лапар “Дейди-ё”. 4 нафар қиз бола.

Б о ш қ а р у в ч и: Азиз болажонлар, мана ҳозир биз
Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилиши тантаналарининг
гувоҳи бўлдик. Аввалги машғулотимизда сизлар билан
Бобур Мирзо ҳақида, уларнинг ҳаёт йўллари ҳақида сух-
батлашган эдик. Қани ким айтади, Заҳириддин Муҳаммад
Бобур ким бўлганлар?

Б о л а: Заҳириддин Муҳаммад Бобур подшоҳ, зўр лаш-
карбоши, шоир ва олим бўлганлар.

Б о ш қ а р у в ч и: Жуда тўғри. Қани ким айтади, Бобур
Мирзо қаерда туғилганлар?

Ж а в о б: Андижонда.

Б о ш қ а р у в ч и: Жудаям тўғри, болажонлар, уларнинг
оталари ким бўлган?

Б о л а: Мирзо Бобурнинг оталари Андижон подшоси Умаршайх Мирзо бўлганлар.

Б о ш қ а р у в ч и: Тўғри, Мирзо Бобурнинг оталари Андижон подшоси бўлганлар. Қани, ким айтади, Мирзо Бобур ёшликларида қандай бола бўлганлар?

Ж а в о б: Ақсли, зеҳни ўткир.

Б о ш қ а р у в ч и: Тўғри, улар ўткир зеҳнили, зийрак бола бўлганлар. Улар ёшликларида нималарни яхши кўрганлар?

Ж а в о б: Камондан ўқ отишни, шеър битищни.

Б о ш қ а р у в ч и: Тўғри, Бобур Мирзо ёшликларида шеър ўқишили, мусиқа тинглашини яхши кўрганлар. Баракалло. Айтинг-чи, нима учун Мирзо Бобурни ҳамма хурмат қилишган?

Б о л а: Бобур Мирзо ниҳоятда жасоратли саркарда бўлганлар. Жанг пайтларида эса доим олдинги сафда боргандар. Шунинг учун навкарлари уларни хурмат қилишган.

Б о ш қ а р у в ч и: Жудаям тўғри. Азиз болажонлар, сизларга Бобур Мирзонинг болалик чоғларидан бир лавҳа кўришни таклиф этаман.

Марҳамат!

Видеомагнит тасмасидан куй янграйди. Супада Умаршайх Мирзо аъёнлари билан ўтирибди. Бир чеккада Бобур Мирзо ҳам ўтирибдилар. Бир кабутар учиб кириб айвон пештахтасига кўнади.

Кабутар: “Ку-лу-булу-булу”.

Умаршайх: Айтингларким, кабутар не дейдур?

А ъ ё н: Олий ҳазрат, кабутар қиличларни қиндин суфуриб, жанг қилмоқ керак, дейдур.

Б обур: Йўқ, йўқ, кабутар ундан демайдур, жонивор бизга хушхабар келтирубдур.

Умаршайх: Айтинг-чи, Мирзо, қандай хушхабар келтирубдур.

Б обур: Бобо бизни қовун сайлига чақирудурлар.

Умаршайх: Кабутарни тутиб келтиринглар.

Аъёнлардан бири кабутарни тутиб келади ва унинг оёғига боғланган хатни ўқиди: “Олий ҳазрат, қовун пишди. Келиб кўл уриб берсалар”.

Умаршайх: Ўғлим, бунчалик топқирилгингизни боси недур?

Б обур: Ота, ўттан йили қовун сайли хушхабарини худди ана шу жонивор хабар қилғон эди, каминанинг кўзи

кабутарнинг ўнг томонидаги қора холга тушғон заҳоти ани танидим ва шу сўзни тахмин этдим.

У м а р ш а й х: (*Аъёнларга қараб.*) Сизлар эса қилични эмас, ақл-идрокни ишга солмоғингиз лозимдур. Хабар қилинглар, барча қовун сайлига отлансин!

Б о ш л о в ч и: Мана, болажонлар, бу лавҳадан бизлар бобомиз Бобур Мирзонинг ўта зийрак ва ниҳоятда кузатувчан бўлғанликларини билдик. Энди ҳаммамиз кабутар, қовун, ҳандалак ва бошқа нарсаларни ясаймиз.

Стол устида тужум пўчоқлари, лой, қофоз, мўйқалам, бўёқ,

Машғулот жараённида секин-аста магнит тасмасидан
куй янграб туради.

Бошқарувчи машғулотни якунлайди. Болалар ясаган кабутарларини мәҳмонларга совға қиласилар. Лапар: “Дили дили дулои”. Ашула, ўйин: “Оқ кабутар”.

Б о ш қ а р у в ч и: Болажонларим!

Бобур Мирзо умрларининг ярмидан кўпроғини она юртдан узоқда — Ҳиндистонда ўтказган. Ҳиндлар Бобур Мирзони жуда ҳурмат қиласилар. Чунки Бобур жуда адолатли, ҳалқпарвар шоҳ бўлғанлар. Бутун дунёга машхур “Тож маҳал”ни бобомизнинг авлодлари курганлар.

Рақс: Ҳиндча, 2 та қиз.

Кўшиқ: “Дўлана” (Ҳинд куйи билан).

Рақс: Парилар рақси.

Б о ш қ а р у в ч и: Бобурнинг ғазалларида Ватанга муҳаббат уфуриб туради.

Бобур Мирзо одамларнинг ҳаёти хурсандчилик, қувноқлик билан ўтишини орзу қиласиди. Сизлар худди Алишер Навоий асарлари каби Бобурнинг китобларини ҳам ўқишга мияссар бўласизлар.

Эй севимли азиз авлодим,
Боғ яратдим ҳамда бетакрор.
“Бобурнома” мендан ёдгор.
Таълим қолур ҳинд тупроғида,
Фазалимга куйлар басталанг.
Жоним чиқар қалбимда додим,
Рұҳим учун сокинлик тиланг.

Магнит тасмасидан куй янграйди. Бу ҳинд ва ўзбек куйларидан иборат оҳанг эди.

IV БОБ. МАЊНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ ВА УНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар концепциясида тарбиявий тадбирларни такомиллаштириш зарурати алоҳида таъкидланган: сиёсий тузумнинг ўзгарғанлиги, янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланиб бориши, тарбиявий ишни яхшилашда давр талабига жавоб берадиган янгича тамойиллар, фоялар, иш услубларини ишлаб чиқиш ҳамда ўқитувчининг ижодкорлик фаолиятини қайтадан курмоқ лозимdir.

Тарбиявий ишларга янгича муносабат мустақиллик мањнавияти негизи асосида ҳукумат қарорларида, ҳалқ таълими тизимидағи ислоҳотларда, олимлар ва ижодкор ўқитувчиларнинг изланишларида ўз аксини топмоқда.

Президентимиз И. А. Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” номли рисоласида шундай деб ёзган эди: “Халқимизнинг келажаги учун сувдай, ҳаводай зарур бўлган бундай соҳаларга биринчи ва энг катта ҳомий — давлатнинг ўзи. Мањнавият жуда нозик тарбиявий соҳа. Буни ўзибўларчиликка ташлаб қўйиб бўлмайди.

Мақсадимизга эришишимизда, янги жамият куришимизда, сиёсатда ҳам, иқтисодда ҳам, мањнавият соҳасида ҳам барча ислоҳотларнинг тақдирни ўсиб келаётган ёш авлодга боғлиқ.

Юртига, Ватанига муҳаббат, инсонпарварлик туйгулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятдир. Ана шу ноёб инсоний фазилатларни асраб-авайлаш ва янада такомиллаштириш фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносаби ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи, мањнавият юзасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи лозим”¹.

Мустақил Ўзбекистоннинг узлуксиз таълим тизимидағи ўкув муассасалари ёш авлодда миллий истиқбол мағкурасини шакллантиришда, мањнавиятни миллий меросимиз билан бойитишида, ёш ватанпарварларни тарбиялашда янгича иш услублари асосида ва ижодий ёндашмоқдалар.

¹ И. Каримов. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари”. Тошкент, “Ўзбекистон”. 1995, 49–50-бетлар.

Олим, шоир, педагогларимиз ўзларининг илмий изла-нишларида тарбиявий тадбирларнинг янгича йўналиш ва тамойилларини Республика ўқитувчи-тарбиячиларига тав-сия этмоқдалар.

С. Очилов “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асосла-ри” номли рисоласида тарбиявий ишларнинг янгича йўна-лишларини асослаб берди.

“Бўлажак авлодда: ҳурфиксрилилк, миллий ифтихор, миллий қадриятларга ҳурмат, эркинлик ва озодлик, ин-сонпарварлик, биродарлик ва ҳамкорлик, илмга меҳр-му-ҳаббат, иймон ва эътиқод, ҳалоллик, ахлоқий поклик, маданий меросга ҳурмат, адолатпарварлик ва озодлик, бай-налминаллик, ижодкорлик ва ташаббускорлик, тадбир-корлик ва ишбилармонлик, қонунга нисбатан итоаткор-лик, мустақилликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш фояларига садоқат, мусулмон динига ҳурмат, Президент ва давлатни қадрлаш каби сифатларни тарбиялаш”¹.

Бу фоялар Ўзбекистон Республикаси истиқлол тарақ-қиётигининг беш тамойили талабларига асосланиб олинган бўлиб, унинг мезонида тарбиявий ишларни ташкил қилиш маҳорати ва қоидалари ҳам ўз аксини топгандир.

А. Жўраевнинг “Тарбиявий дарсларни ўтиш” рисоласида ҳам мустақиллик фояси билан боғланган тарбиявий тадбир-лардан янгича қоидаларга асосланган намуналар берилган.

Ижодкор раҳбар ҳамда илғор ўқитувчи-тарбиячилар ўз фаолиятлари жараённида тарбиявий ишларни ташкил қилишда кўйидаги маҳорат тамойилларини асос қилиб ола-дилар:

- тарбиявий тадбирлар ўтказишдан мақсад: маънави-ятни ёш авлод онгига сингдириш ва эътиқодига айланти-ришдан иборат эканлиги;
- тарбия жараёнини миллий ва умуминсоний қадрият-лар билан боғлаб, бола қалбига ва онгига таъсир кўрсатиш;
- тарбиявий ишларни ўқувчилар жамоасини жисплаштирувчи омиллар билан бойитиб, тарбиянинг таълим би-лан узвийлигини таъминлаш;
- тарбиявий жараёнда болаларни тарбияланиш дара-жасини аниқлаш ва ижобий томонларини ўстириш;

¹ Сафо Очил. “Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари”. Тошкент, “Ўқитувчи” 1995, 41-бет.

- бола шахсига ҳурмат ва талабчанлик;
- болаларнинг ёш ва руҳий ҳолатини ҳисобга олиш.

Тарбиявий ишларни ташкил қилиш тамойиллари бар-камол инсонни тарбиялашда кенг имконга эга бўлиб, уни қай даражада олиб бориш синф раҳбари, ўқитувчи ва тарбиячининг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Тарбиявий ишлар самарадорлигини таъминловчи муҳим омил — педагогик маҳоратдир.

Тарбиявий маҳорат Оллоҳ томонидан инъом этилган, тажрибалар жараёнида шаклланувчи бир юксак фазилатдир.

Ўқитувчи-тарбиячининг педагогик маҳорати кўп қир-рали бўлиб, у:

- болаларга меҳрибон ва ҳамкорлигига;
- ўқув-тарбия жараёнида адолатли бўлишида;
- болаларнинг қайфу-ҳасрати, ғами ва омадсизлигига ҳамдард бўлишида;
- муомала маданиятида;
- чуқур билим эгаси бўлишида;
- ўқитувчининг руҳий ҳолатида (самимилик, хайри-хоҳлик, олижаноблик);
- жамоа билан ишлашда вазиятни ижобий томонга санъаткорона йўналтиришда намоён бўлади.

Кишилик жамияти тараққиётида ҳар бир ҳунар, у ёки бу ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал қилишда инсондан маҳорат талаб этишини ҳалқ ижодиётида, ёзма ёдгорликларда, афсона, достон, эртак, қисса, ҳикоят, ривоятларда ҳамда ҳурфикрли, доно, маърифатпарвар мутафаккирларимизнинг асарларида турлича талқин этилган.

Муомала маҳорати

Ҳар бир тарбиячининг дунёқараси, тарбияланганлиги, одоблилиги унинг муомаласида намоён бўлади. Муомаланинг асосий воситаси — тил. Ҳалқимизда шундай нақл бор: “Бола ширин сўзнинг гадоси”. Бас, шундай экан, тарбиячи муомаласида тилга жуда эҳтиёткор бўлиши керак. Тили ширин, хушмуомалали ўқитувчи энг обрўлидир. Ҳусайн Воиз Кошифий шундай деган эдилар: “Ҳақ сўзлар айтурсизлар, яхши сўздан бўлакни айтмангизлар ва кўп сўзламоқ кўнгилни қаро қилур ёки: “Мумкин эрса яхши сўз қил ошкор, яхши сўздан хўб йўқдур ёдгор”, “Наси-

ҳатни ширин сўзу мулојимлик бирла ибтидо қилгай, чунки бу замонда юмшоқлик ва хушрўйлик кўргазмайин насиҳат корга келмас”¹.

Алишер Навоий муомала қилувчи шахснинг маҳоратида энг аввало тил ширинилиги лозимлиги ҳақида гапириб, “Ширин сўз кўнгиллар учун бамисли асалдир”, деган эди.

Кайковус ўзининг “Қобуснома” асарида “Сухандонлик била баланд мартабали бўлмоқ” зикрида шундай ҳикоятни келтиради:

“Хорун ар-Рашид бир туш кўрдики, оғзидан барча тишлари тўкилмиш. Эрта тонг туриб бул тушнинг таъбирини айтувчини чақириб сўрадиким... “Бу тушнинг таъбири недур?”, “Андоғким, сендин ўзга ҳеч ким қолмағувсидир”. Бу сўзни эшитиб Хорун ар-Рашид: “Менинг юзимга бундоқ дардлиғ ва андуҳлиғ сўзни айдинг. Менинг барча қариндошларим ўлсалар, сўнгра мен қандоғ ишга ярарман ва на янглиғ рўзгор сўрарман?” — деди ва унга юз таёқ урмоқ буюрди.

Сўнгра яна бир таъбирчани чақириб сўради.

...Таъбирчи деди: “Эй амиралмўъминин, сенинг умринг барча ақраболаринг умридан узоқ бўлур”. Хорун ар-Рашид деди: “Барча ақлнинг йўли бирдур ва икковингнинг таъбиринг негизи бир ерга борур, аммо бу иборат била ул иборатнинг орасида фарқ бағоят кўпдир”. Буюрди, сўнгти таъбирчига юз тилло бердилар².

Бир донишманд жамоага қараб: “Бир гапим бор, уни минг сўмга сотаман, истовчилар бўлса марҳамат!” дейди. Сұхбат иштирокчилари ҳайрон қолишиб: “Қандай гап экан?” деб сўрабдилар. Шунда донишманд бу гап: “Ўйлаб иш қил!” дегани дебди. Донишманднинг бу гоясидан шуни англамоқ лозимки, ўйлаб иш қилган одам муомаласида қиёфаси бўлиши (бош, юз ва хатти-ҳаракатларини одоб юзасидан бошқариши) керак экан.

Қўпол, одобсиз гапларга ўрин қолдирмаслик, бола шахсига тегадиган қўпол муомала қилиш ўқитувчининг иззати ва обрўйига путур етказади. Педагог олим Сухомлинский муомала маҳоратининг кучи ва унинг яширин сирларини “Болаларга жоним фидо” асарида шундай баён этган эди:

¹ Р. Маҳмудов. “Деганимни улусқа мағруб эт...” Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 43-бет.

² Кайковус. “Қобуснома”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1986, 46-бет.

“...Юксак түйфу маданиятига эга бўлган ўқитувчи боланинг кайфияти нохушлигини дарҳол фаҳмлайди. Бу энг аввало унинг кўзидан билинади. ...У бола кўнглидаги ташвишини қандай йўл биландир маътум қилиш йўлини топади... Кейин болани танҳо топиб, суриштириши ҳам мумкин.

...Боланинг аҳволини тушуниш, унга ҳамдард бўлиш, мадад бериш керак.

Кўпинча ҳамдардлик, раҳмдиллик, чин кўнгилдан гаплашиш боланинг дилига хуш келадиган энг яқин ёрдам бўлади. Бепарвоник, лоқайдлик эса боланинг дилини ларзага солади”¹.

Бола қалбини нурафшон қилувчи восита ўқитувчининг жонли сўзи, унинг руҳини туширувчи ҳам ўша сўзнинг баёнидир. Халқда: “Гапдан гапнинг фарқи бор, ўттиз икки нақли бор”, деб бежиз айтилмаган.

Тарбиячининг адолат билан иш тутиш маҳорати

Адолат иймон-эътиқодни, пок ниятта элтувчи ҳақни ноҳақдан ажратувчи бир ўлчовдир.

Адолат инсонлар хулқини баҳоловчи муҳим мезондир. Ўтмиш аждодларимиз адолат ва адолатсизликка алоҳида эътибор бериб, бу тушунчани сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий нуқтаси назардан турлича талқин этиб, комил инсон тарбиясида катта восита эканлитини ўз асарларида баён этганлар.

Амир Темур салтанатни бошқаришнинг бош мезони — адолат деб ҳисоблаган эди. У ўзининг панд-насиҳатларида ҳам ёш авлодни адолатли бўлишга чорлайди. “Ҳар мамлакатни забт эткан бўлсан, ўша вилоятнинг улуғларини оғаниларимдек, ёшлари ва болаларини бўлса ўз фарзандларимдек кўрдим”², деган эди.

Воиз Кошифий “Ахлоқи Мұҳсиний” асарида шундай ёзган эди: “Адолат — бу инсонларни бир-бирига яхшилик кўрсатишидир”³.

Адолат ва адолатсизликнинг асрий кўринишлари инсоннинг қилмиши, ҳаракати, тили, муомала маданияти, ташқи қиёфасида ўз аксини топади.

¹ А Сухомлинский. “Тарбия тўғрисида”. Тошкент, “Ўқитувчи”, 1975, 24-бет.

² Амир Темур ўйтитлари. Тошкент, “Фан” нашр., 1992, 32-бет.

³ Р. Маҳмудов. “Деганимни улусқа магруб эт...” Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 54-бет.

Педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати

Тарбия жараёнида педагогик таъсир кўрсатиш маҳорати ўқувчига у ёки бу юксак ахлоқий сифатларнинг моҳиятини англатиш жараёнида қўлланиладиган ўқитувчи-тарбиячининг иш усуllibаридан биридир.

Ўқитувчи III синфда “Эртак кетидан эртак” мавзуидаги сұхбатида ўқувчиларга дастлаб эртак мазмунини баён этади:

“Ота 10 яшар ўғли билан даладан қайтаётуб, йўл устида тушиб ётган бир тақани кўради ва ўғлига дейди:

— Тақани ол!

— Эски тақа учун эгилиб ўтираманми? — деб гап қайтаради ўғли. Отаси индамасдан ўзи эгилиб, тақани оладида, йўлида давом этади. Кун иссиқ эди. Бола чанқай бошлиайди. Бир оз йўл юрганидан кейин олча сотиб ўтирган баққол кўринади. Отаси бояги тақани олчага алмаштириб, белбогига туғиб олади. Ўғлига кўз-кўз қилиб, бир дона олчани оғзига ташлади-да, бир донасини эса ерга ташлади. Ўғли дарров эгилиб олчани олади ва чанқофини бостирмақчи бўлиб, оғзига солади. Отаси олчани кетма-кет ташлайди. Ўғли ўн-ўн беш марта эгилиб, олчаларни териб олиб егандан сўнг, ниҳоят, отаси тўхтайди ва белбоғида қолган олчаларни ўғлига узата туриб дейди:

— Кўрдингми, ўғлим, сен тақани кўтариб олиш учун бир марта эгилишга эринган эдинг, олчаларни териб олиш учун ўн-ўн беш марта эгилдинг. Бундан кейин эсингда бўлсин, агар енгил меҳнатни оғир деб ҳисоблассанг, ундан баттар оғирига дуч келасан!”

Бу эртакдаги педагогик таъсирнинг салбий ва ижобий кўринишларини болаларга изоҳлашда ўқитувчи куйидаги саволлар орқали тарбиявий маҳорат билан ёндашади:

— Отанинг талаби тўғрими ёки йўқми? Сабабини очиб беринг.

— Отанинг болага меҳнатдан бош тортмаслик учун тутган иш усули тўғрими? Болага дастлаб ўз ҳаракати билан ўрнак бўлиб, сўнг унинг хатосини тушунтиришига қандай қарайсиз?

— Бу борада сизларнинг фикр ва муносабатларингиз қандай?

Сұхбатда тарбиявий таъсир кўрсатишнинг куйидаги усуllibаридан фойдаланилди:

Болага кўйилган талаб, педагогик таъсир кўрсатиши керак.

Ўқув-тарбия жараёнида ўқитувчи-тарбиячи ўз мақсадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндашади. Уларни рағбатлантиради, огоҳлантиради, танбех беради.

Ўқитувчи-тарбиячи педагогика асосида кўйилган талабларни тушунтириб, ножӯя ҳаракатлардан болаларни сақлаши лозим, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоага мослаштунига қадар кетмакет талаблар қўйиши керак.

Юқоридаги талабларнинг қанчалик таъсир этиши тарбиячининг педагогик маҳорати ва обрўйига боғлиқдир.

Талабларнинг қўйилиш шакллари:

Тарбиячи томонидан талабнинг тўппа-тўғри қўйилиши. Бундай талаб болалар жамоаси билан ишлашнинг дастлабки босқичидир. Ижодкор педагог А. С. Макаренко: "...Самиими, ошкора, ишонарли, қизғин ва қатъий талаб бўлмаса, жамоани тарбиялашни бошлаб бўлмайди", деган эди. Бундай талаблар жамоани бир мақсад йўлига бошлаши учун:

- талабнинг ижобий бўлиши, боланинг хатти-ҳаракатларига тўскىнлик қиласлиги;
- талаб аниқ ва тушунарли бўлиши;
- қўйилган талаб натижасини билиш;
- талаб очиқ чеҳра, самимий бир оҳангда берилиши, илтимос, маслаҳат, яхши ниятта чорлаши;
- талаблар болаларнинг ёши, билим савиясига мос бўлиши;
- талабларда кесатиқ, луқма, миннат бўлмаслиги ва бошқалар.

Тарбиячининг педагогик таъсир кўрсатишдаги яна бир усули ўқувчи ва ўқувчилар жамоасини истиқдол йўлига бошлашидир. Бундай жамоада тарбиячи ва тарбияланувчилар ўртасида ошкора ишонч бўлиши, ўз-ўзини бошқариш, анъана ва қонунларга амал қилиниши муҳимдир.

Тарбиячининг ўқувчилар **ЖАМОАСИНИ ЖИПСЛАШТИРИШДАГИ** маҳорати.

Кишилик жамоаси пайдо бўлган даврдан бошлаб инсон ҳеч қачон ёлғиз яшай олмаган. Жамоани ташкил қилиш ва унинг тарбиявий таъсирининг назарий ва амалий асослари мутафаккир ва олимлар томонидан ўрганилиб, илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тарбиячининг навбатдаги вазифаси болалар жамоасини ташкил қилиш, тарбиялаш ва жипслаштириш борасидаги назарий билимларни ўзлаштириб, илғор тажрибаларга суюниб, ўқувчиларни тарбиялаш жараёнида ўртоқлик-дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, ўз-ўзини тарбиялаш ва бошқариш каби жамоатчилик сифатларини шакллантириш маҳоратини ўзлаштиришдан иборат. Улар:

- бошлангич синф жамоасини тарбиялаш ва уларда ўзаро муносабат алоқаларини яратиш;
- ўқувчилар кундалик фаолиятларини жамоага жипслаштириш;
- шахсий манфаатни жамоа билан уйғун ҳолда кўришга ўргатиш;
- жамоада бир-бирига меҳр-оқибат, мурувват ва саҳйлик, дўстона ҳамкорликни вужудга келтириш, уни катта тарбиявий кучга айлантириш.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг жамоаларини ташкил қилишда ўқитувчининг турли-туман усул ва воситалардан маҳорат билан фойдаланиши талаб қилинади. Яъни:

1. Ўқитувчидан жамоа аъзоларини янги шароитта (мактабнинг 1-синфидан бошлаб) мослашув даврида уларга ишонч, хурмат, хушмуомалалик, талабларни тўғри қўя билиш, шу билан бирга ўқувчини тушуниш ва эшига билиш маҳоратига эга бўлиш.
2. Ўқувчилар жамоасидаги етакловчи куч — таянч ўзгини танлаш.
3. Жамоа аъзоларининг ҳар бирининг кучига, қобилиятiga қараб топшириқлар бериш.
4. Жамоада янги анъана, қонун-қоидаларнинг дастлабки куртагини яратиш ва унга амал қилиш.
5. Жамоа истиқболини давр талаби билан мослашган ҳолда белгилаш талаб қилинади. Бунда жамоатчилик ҳисстуйғулари юқори синфда ривожланиб мустаҳкамланади.

У БОБ. МАКТАБ, ОИЛА ВА ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМКОРЛИГИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Мамлакатимиз мустақиллиги жамиятимизнинг барча жабхаларида, шу жумладан, оиланинг иқтисодий, маънавий манбаатларини ҳимоя қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оиласда шарқона тарбияни тиклаш каби бир қатор муаммоларни ҳал этишга имкон берди.

Мустақиллик ўзлигини йўқотган инсонларни, яъни ўз оиласи ва фарзандларига бефарқ бўлган ота-оналарни ҳам инсоф, меҳр-шафқат йўлига бошлади.

Қардош тожик ҳалқида шундай мақол бор: “Уй фарзанд билан обод, дала — одам билан”. Ҳа, дарҳақиқат, ҳар бир оиланинг боғбони ўз мевалари билан обод. Дала инсоннинг олтин қўллари билан кундан-кунга, йилдан-йилга ободонлашиб борса, уй эса ёш гўдакнинг меҳр, таълим, тарбия олиши туфайли гўзаллашиб, гуркираб яшнаб боради. Одамзод дунёга бир маротаба келади. Бу дунёдан ёлғиз ўтиб кетишни хоҳдамайди, орқасида фарзандларининг таълим-тарбияли, обрў-эътиборли бўлиб қолишини истайди. Шундай экан, ота-онанинг фарзандга бўлган меҳру муҳаббати ҳамма нарсадан ҳам қимматроқ бўлса керак. Бола қанча шўхлик қилмасин, ота-она унинг эркаликларини кўтаради. Ота-она ҳамиша ўз фарзанди учун ҳамма нарсага тайёр туради. Фарзандининг вояга етиши учун уни кўз қорачифидай асраб, унга гард юқишига кўймайди. Шу билан бирга қўлидан келганича тўғри сўз, виждонли, камтар, чин дўст бўлишга, ўзгаларнинг мулкига хиёнат қилмасликка чорлайди. Улар ўз жигаргўшалари билан лаззатли ҳаёт кечиришни истайдилар. Аммо айрим кўнгилни қора қиласидиган ишлар гўёки одамзод умрининг лаззати фарзанд эканлигини ювиб кетгандай бўлади. Масалан, тўққиз ой ўз боласини кўтарган қизлар туғилган чақалогини кўчаларга — ахлат кутиларига ташлаб кетишлари, ота-онаси тирик болаларнинг меҳрибонлик уйларида ота-онанинг меҳрига зор бўлиб қолишлиари одамзод кўнглини хира қиласиди. Шундай бағри тош инсонларга қараб бундай дегинг келади: “Азизлар! Сизлар умрингиз лаззати бўлган фарзандларингиздан воз кечманг, аксинча, ундан доимо баҳра олинг”.

Ой ҳам онангман деб
тунлар бошингда
Ҳазин-ҳазин алла
айтади ёниб.
Күёш отангман деб
кундуз қошингда,
Тунда-чи фурсат йўқ,
кетади тониб.

Оила — боланинг шахсини тўғри йўлга солувчи муҳим маскандир. Болани жисмоний тарбиялаш, уларга ахлоқ ва меҳнат тарбиясини бериш оиласида шаклланади. Боланинг та-

факкури оилада ривожлана бошлайди. Оилада эр билан хотин, ота-оналар билан болалар, ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида аҳиллик бўлса, оилада бир-бирини хурматлаб, катталар кичикларга ғамхўрлик қилиб турсалар, бундай оилаларда болаларни тарбиялаш муваффақиятли боради. Бола тарбиясида мақсадимиз битта. Мактаб ҳам болаларни тўғри йўлга солишга ундейди. Баъзи оилаларда болаларни тарбиялаш онага юклаб қўйилади. Ота эса бу вазифаларга камроқ эътибор беради. Ота-онаси бор болаларнинг ҳаёти мукаммал ва гўзал бўлади. Болаларни тарбиялаш борасида гўз бурчларига менсимаслик билан қараёттан баъзи ота-оналар: “Болаларни тарбиялаш учун менинг вақтим йўқ”, деб баҳона қилишади. Ота-она ишлаб чиқаришда ёки муасасада, шунингдек, ижтимоий ишлар билан ҳар қанча банд бўлса ҳам, лекин гўз болаларидан хабардор бўлиб туришлари лозим. Оилада аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлмаса, бундай оила-да болаларни тарбиялаш катта қийинчилликлар туғдиради. Оилада тарбиянинг асосий йўли шуки, катта-кичик кишиларнинг ҳамма ишда бир ёқадан бош чиқаришларидир. Болаларга муомала қилишда ёки жазо беришда ҳар хил ҳолат бўлади. Масалан: талабчан ота ҳамма нарсани таъқиқлаб қўяди ёки отаси берган жазони онаси бекор қиласди. Шундай ҳолатда ҳам нохушликлар юзага келиб қолади. Бундай нарсалар болаларга жуда тез таъсир кўрсатади. Улар отаси ва онасини лақирилатишга одатланиб қоладилар. Агар ота-оналардан бири оиладан кетиб қолса, бундай оилада соғлом мухит йўқолади. Бу ҳол болаларнинг асабий ва жizzаки, қўпол ва қўрс, шубҳали ва ишонмайдиган бўлишларига олиб келади, уларнинг ўқиши сусайиб, одамларга ишончи камаяди.

Разоуддин ибн Фахриддиннинг “Оила” номли рисоласида: “Бола тарбияси ёмон ният ва қўполлик билан эмас, балки сабр-тоқат, матонат, меҳрибонлик, чидамлилик, шафқату сезигирлик билан олиб борилиши керак”, деб таъкидланган эди. Маърифатпарвар алломаларимиз соғлом фарзандларни ҳаётта келтиришда шариат қонун-қоидаларига риоя қилишни, савоб билан гуноҳнинг фарқига боришни солиҳ фарзанд бўлишдаги бош масала деб ҳисоблаганлар.

Онанинг муқаддаслиги, машаққатли меҳнати Куръони Карим ва Ҳадиси Шарифда тўла асослаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида: “Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар бокиши ва тарбиялашга мажбур”, дейилади.

Бас, шундай экан, ҳар бир ота-онанинг бурчи фарзандни иқтисодий, маънавий жиҳатдан жамият учун фойдали шахс қилиб етиштиришдир.

Оила бурчи — жамият, Ватан олдидағи ахлоқий мажбуриятни англатадиган ахлоқий нормалардан биридир. XV асрда яшаб ижод этган Ҳусайн Воиз Кошифий: “Ҳар бир инсон дастлаб Ҳудо олдидағи бурчини ўтаб бўлганидан сўнг, ота-она ва ота-она фарзанд олдидағи бурчини ба-жармоғи керак”, деган эди.

Ота-она бурчининг асосий йўналишлари:

1. Оиласда яшаш учун шарт-шароит яратиш, соғлом муҳит қарор топтириш.
2. Оиласда фарзанд туғилиши орзуси билан яшаш.
3. Бола тарбиясида “Туғилган кун”ни нишонлашнинг аҳамияти.
4. Исломий ва дунёвий илм олишга шарт-шароит яратиш.
5. Фарзанднинг ички дунёси — орзу, ўй-хаёллари, кувонч ва муваффақиятсизлигига шерик бўлиш.
6. Меҳнатга ҳурмат ва кувонч ҳиссини тарбиялаш.
7. Болага ҳамфир, ҳамдард бўлувчи устоз меҳнатини ардоқлаш.
8. Она-Ватанимиз ижтимоий ҳаётнинг посбони. Ҳар бир инсон шу Ватанда улғаяди, вояга етади, ўзининг маънавий, ақлий, оилаский мажбуриятларини англаб вояга етади. Ана шундай инсоний мажбуриятлардан бири Ватан сарҳадидаги катта ва кичик жамоаларнинг ўзаро ҳамкорлигидир.

ОИЛА БИЛАН МАКТАБ ҲАМКОРЛИГИНИНГ МАЗМУНИ ВА ШАҚЛЛАРИ

Оила билан мактаб ҳамкорлиги баркамол инсон тарбиясидаги муҳим омиллардан биридир. Мактабдаги ўқувтарбия ишларининг юқори савияда бўлиши, ўқувчиларнинг тарбияланганлик даражаси ота-оналарга боғлиқдир.

Мактаб оила билан икки шаклда ҳамкорликни амалга оширади:

1. Ота-оналар жамоаси орқали.
2. Ота-оналар билан якка-якка ишлаш орқали.

Мактаб билан оила ҳамкорлигидаги муваффақият кўп жиҳатдан:

Ўқувчининг ота-оналар билан алоқасида ўзаро бир-бира ни тушунган, юксак ахлоқий муносабатида, педагогик ёндашуви, хушмуомалалиги, шириңсўзлиги ҳамда ота-оналарга бир хил муомала ва тўғри талабида ўз аксини топади.

Ота-оналарга бериладиган маслаҳат ниҳоятда асосли, пухта ўйланган бўлиши лозим. Тутуриқиз сұҳбат ва маслаҳатлар мактаб ва ўқитувчига ота-оналар эътиборининг пасайиб боришига олиб келади.

Ота-онанинг мактаб ва ўқитувчига нисбатан ижобий муносабати фарзандига кўрсатаётган ғамхўрлик, ақлий-ахлоқий юксакликдан келиб чиқади.

Ота-оналар билан якка-якка ишлаш турли шартшароитлардан келиб чиқади.

Ота-оналар билан яккама-якка ишлаш бола тарбиясидаги айrim қийинчиликларнинг содир бўлмаслиги, оиласвий муаммолар, ўқувчиларнинг ўзлаштирмаслик сабабларини аниқлаш мақсадида олиб борилади.

Якка сұҳбатлар қуйидаги шароитда ташкил этилиши мумкин.

Ўқувчининг характер хусусияти, оиласдаги ўрни, мавзеи, руҳий ҳолатини ўрганишда одоб ва ахлоққа доир сұҳбат. Ота-она шу борада қандай тадбирларни амалга ошироқмокдалар (шарқона урф-одат, расм-русумлар, янги чиқкан адабиётлар, кўрган театр ва кинолар таҳдили кабилар).

Тарбияси мураккаблашган ўқувчиларнинг ота-оналарига маслаҳат бериш. Ўқитувчининг яккама-якка сұҳбати пухта, асосли ва мантиқан бой бўлса, ота-онайнинг унга ишончини оширади. Натижада, эркин сўзлашув, маслаҳат, ўзаро ёрдам каби ҳамкорлик ҳолати вужудга келади.

Ўқитувчи ота-она ва ўқувчилар билан яккама-якка фолиятни йўлга қўйиш учун ота-оналар шахсини, оиласвий аҳволини билиши керак.

СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ҲАҚИДА

МАЪЛУМОТ

1. Ота-она ва оила аъзоларининг исми, фамилияси.
2. Ёши.
3. Маълумотлари.
4. Иш жойи.
5. Оиласвий шароити.
6. Оила даромади.

7. Ота-онанинг ижтимоий, сиёсий-маънавий билим даражаси.

8. Миллий мерос ва маънавият тарбиясидаги муносабати.

9. Қизиқишилари даражаси.

Ўқитувчи ота-оналар ҳақида маълумотга эга бўлгандан кейин, уларнинг фарзандлари ҳақида маълумотни аниқлаш мухимдир.

Ўқитувчининг болаларни тўлиқ ўрганиши тарбиявий тадбирларни мукаммал, таъсирчан ўюстиришни талаб қиласди.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, айрим ўқитувчилар болаларни ўрганиш борасидаги хужжатларни расмийлаштириш билан чегараланиб, уни йил бўйи ривожлантирмайдилар. Бу ҳолат болалар орасидаги ижобий ва салбий ўзгаришиларни фарқламасликка олиб келади.

Бу эса ўқитувчи, бола ва ота-оналар орасидаги муносабатнинг бузилишини келтириб чиқаради.

Бундай ҳолат бўлмаслиги учун ўқитувчи-тарбиячи қуидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Ўқитувчиларда шаклланиб келаётган ижобий фазилатларни тавсифлаб чиқиш. Синфдаги ўқувчиларда: илм олишга қизиқиш, кўнгил бўшлик, ростгўйлик, муруватпешалик, инсонга меҳрибонлик, ўзини-ўзи бошқариш, меҳнатга муносабати бор ўқувчилар сонини аниқлаш.

2. Ўқувчилар руҳиятини мукаммал билиш.

3. Ўқувчида мавжуд камчиликлар: иродада хусусиятидағи бефарқлик, ёлғон гапириш, чақмачақарлик, ҳимматлизиллик ва бошқа салбий сифатларни аниқлаш.

4. Ўқувчидаги ижобий ва салбий ўзгаришиларни тартибли кузатиш ва сабабини ўрганиш.

5. Ҳар ҳафта “Мактаб сизни чорлайди” рукнидаги очиқ эшиклар кунини жорий этиб, болалар тарбиясида ҳосил бўлаётган ўзгаришилар билан ота-оналарни таништириш.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА СИНФ РАҲБАРИНИНГ ОТА-ОНАЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТАРТИБИ

Ўқитувчилик фаолиятининг энг мураккаб томонларидан бири ота-оналар билан умумий тил топа олиш, уларнинг ҳурматига сазовор бўлиш, ҳамкорликда бола тарбияси билан шуғулланишидир.

Ўқитувчи синф раҳбари, меҳрибон тарбиячидир. Мактабнинг бошлангич синфларидағи муҳим хусусиятлардан бири — қадрдон ўқитувчи раҳбарлигига тўрт йил ҳамкор, ҳамдард бўлиб қолишдир. Шу сабабдан бошлангич синф ўқитувчиларининг ота-оналар жамоаси билан ишлаши ҳам ўзига хос хусусиятга эга.

Ёш ота-оналарда фарзандларини мактабга тайёрлаш малакалари етарли бўлмайди.

Шу сабабли ўқитувчи “1-синф ўқувчиси”, “Ёш ота-оналарга эсдалик”ларни тавсия этиши талабга мувофиқдир.

Бу иш шаклидан мақсад, ота-онанинг мактаб олдидағи бурчини англатиш, ота-онанинг педагогик, тарбиячиллик фаолиятини фаоллаштиришдир.

ЁШ ОТА-ОНАЛАР УЧУН ЭСДАЛИК

Ҳар бир инсон фарзанд кўриш ва уни вояга етиб боришини кўзлаб иш туваётган экан, Оллоҳга ҳамду санолар айтиб, бу буюк неъматнинг қадрига ета билиши лозим. Бу неъмат боланинг илм маскани — мактабга биринчи қадамидир.

Ғуломиддин Акбарзода “Таълими соний” рисоласида: “Илм демак жон. Илм демак ҳаёт, (тириклиқ) демак. Илм демак миллат, дин демак. Илм демак маданият, дин одобига сабаб демак”, деб ёзган эди (З-бет).

Бас, шундай экан, ота-она 1-синф ўқувчисининг илм даргоҳида кўп билим ва тарбияга эга бўлиши учун нималар қилиши керак:

1. Ўқитувчи муқаддас сиймо. У сизнинг маслаҳатчиниз, уни ардоқлаб, обрў-эътиборини оширинг.

2. Синф ва мактаб жамоасининг таълимий-тарбиявий тадбирларида фаол қатнашиб, таклиф ва мулоҳазаларингизни айтинг.

3. Болангизга нима яхши, нима ёмон эканлигини уқтириб, шарқона расм-русум, удум, анъаналаримиздан уни хабардор қиласангиз, ўқитувчига кўмакдош бўлган бўлар эдингиз.

4. Болангизнинг ўқув ишларига ёрдам бериб боринг. Уйга бериладиган топшириқларни бажаришда у ҳозирча сизнинг ёрдамингизга муҳтождир.

-ж.5. Болангизда мактаб, синф, ўқитувчи ва ўртоқлари ҳақида яхши фикр уйғотинг, чунки 1-синф ўқувчисини мактаб шароитига мослаштириш анча мураккаб руҳий ҳолатдир.

Фн6. Фарзандингиздан кундалик иш фаолиятига муносабатини кузатиб сүраб боринг. Бундай сұхбатда “яхши”, “жуда яхши”, “марҳамат”, “раҳмат”, “барака топ” қаби сөхрли сүзларни топиб айтинг. Ножұя ҳаракат содир бұлған бўлса, “чакки иш бўлиди”, “мен кутмаган эдим” қабиларни ишлатишни унугтманг.

-ж.7. Ота-она мактабнинг яқин ёрдамчиси, кўмакдоши бўлиши, ўз фарзандининг камолини ўйлаб яشاши керак.

ОТА-ОНАЛАР СИНФ МАЖЛИСИНИ ТАЦКИЛ КИЛИШ МЕТОДИКАСИ

Ҳар бир ўқув йилининг бошида ўтказиладиган ота-оналарнинг синф мажлисини илмий, назарий, маънавий ва методик жиҳатдан мазмундор ташкил қила билиш, ота-онанинг бундай мажлисларни орзиқиб кутиб, доимий катнашувчи бўлишига замин ҳозирлайди. Бундай мажлис ўқитувчидан кўп билим ва маҳорат талаб этади.

Ундаги масалалар юзасидан тайёргарликни бир ой олдин бошлиш керак.

Булар:

— ҳар бир оила аъзоси ва унинг шарт-шароити ҳақида маълумотта эга бўлиш;

— оила ва атрофдаги ижтимоий муносабат мұхитининг соз ёки носозлигини аниқлаш;

— ҳар бир ўқувчи шахси ҳақида тўлиқ маълумотта эга бўлиш;

— оиласда болани мактабга тайёрлаш тартиби қабилар.

Биринчи мажлисни ўтказишдан олдин ўқитувчининг тайёргарлиги:

1. Мажлис мавзуи ва мақсадини аниқлаш. фн6

2. Мажлис ўтадиган жойни жиҳозлаш. ф

3. Мажлис ўтказиш методини танлаш: сұхбат, тушунтириш.

4. Мактаб тарихи ва келажакдаги истиқболи ҳақида киска маълумот тайёрлаш.

5. Донолар бисотидан фойдаланиш.

Синф ота-оналар мажлисини ўтказиш тартиби;

Синф ўқитувчиси ва ота-оналар қўмитаси аъзолари-нинг олдинги мажлисларида қабул қилинган қарорлар-нинг бажарилиши ҳақида ахборотлари эшитилади.

БА Мажлис мақсадига күра, мавзунинг эълон қилиниши (юқорида кўрсатилган мажлис турига кўра унинг мазмуми асослаб берилади).

Ота-оналар фикр ва мулоҳазалари эшитилади. Ўқув-тарбия ишлари юзасидан савод ва талабларни мухокама этиши.

Турли масалалар ҳал қилинади. Синф мажлиси қарори чиқарилиб, тасдиқланади.

Ўқитувчи келгуси мажлис режаси билан таништиради. Мажлис ўтказиш тартиби мавзуининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОТА-ОНАЛАРИГА ПЕДАГОГИК БИЛИМ БЕРИШ ШАКЛ ВА РЕЖАЛАРИ

Инсон камолоти шунчалик мураккабки, унга ҳаётгий тажриба етарли эмас, унинг учун ўрганиш, билим, ўқиш ниҳоятда зарурдир. К. Д. Ушинский “Ижтимоий тарбияда ҳалқ руҳи” ҳамда “Педагогик адабиёт соҳасида”ги рисолаларда: “Ота-она учун педагогик билим дастлабки педагогик адабиётлар ўрганишдан бошланади. Бола тарбиясидаги билим ҳалқ руҳи билан сугорилган, ҳалқчилик гоясига асослангандагина ота-она билимдон тарбиячилик санъатига эга бўла оладилар”, дейилган.

Педагогик билим ота-оналар унун ниҳоятда зарур. Бу билим мактабда, маҳаллада ва кундалик ахборот воситалари оркали бериб борилади. Лекин ҳаётимиздаги янги янги муаммолар педагогик билимни янада кучайтиришини, чукурлаштиришини талаб этади.

Мактабдаги педагогик билим турли шаклларда амалга оширилади:

Педагогик маъруза, илмий, методик кенгаш “Саволларингизга жавоб берамиз” (ота-оналар куни).

ОТА-ОНАЛАР УЧУН МАЪРУЗА

Маъруза ота-оналарга билим берадиган турлардан биридир. Ота-оналар учун мўлжалланган маъруза таълимий-тарбиявий аҳамиятта эга бўлиши керак.

Ота-оналар учун педагогик билим берадиган маъруза мавзулари.

К. Д. Ушинский. “Танланган асрлар”. Тошкент, “Ўздавнашр”, 1958, 120–121-бетлар.

- миллий истиқдол мафкурасини шакллантириш ва баркамол инсон тарбиясида ота-онанинг ўрни;
- оилада иқтисодий тарбия;
- маънавий мерос ва оила;
- фарзандларимизни диний ақидапарастликдан сақлаш;
- боланинг жиноятчи бўлишига асосий сабаблар;
- ватан туйғуси билан яшашга ўргатиш;
- сиз ўтмиш авлодларингизни биласизми? Оиланома яратиш масалалари;
- мутафаккирлар ижодиётида оила тарбияси;
- фарзандга адолат — тўғри тарбия асосидир;
- оилада иймон-эътиқод тарбияси.

Ота-оналар учун танланган мавзулар қуидагича режалаштирилади.

Маънавий мерос ва оила.

Мақсад: Ота-оналарга ўтган мутафаккир ва маърифатпарварлар асарларидаги болани оилада тарбиялаш ҳақидаги таълимотлар бўйича билим бериш.

Маърузани таъминловчи манбалар:

а) Ўтмишдаги маърифатпарвар ва мутафаккирларнинг асарлари (Абу Али ибн Синонинг “Тадбир ал-манозил”, Алишер Навоийнинг “Маҳбуб ул-қулуб”, Воиз Кошифийнинг “Ахлоқий Мұхсиний” асарлари)даги оила тарбиясига доир ғоялар.

б) Кўргазмалар — алломаларнинг расмлари ва китоб намуналари.

в) Дидактик материаллар, доно сўзлар ёзилган карточкалар, фактлар.

Маърузанинг кириш қисми.

а) Мустақиллик ва миллий истиқдол мафкураси ҳамда миллий мерос ҳақида тушунча. Бу борада Ўзбекистон раҳбариятининг олиб бораётган сиёсатининг бир-бири билан боғланганлиги, асарларнинг яратилиши ҳақида маълумот берилади. Сўнгра асарлардаги оила, ота-онани ҳурмат, вазифа, бурчлари ҳақидаги таълимотлар. Оилада аёл ва эркак фазилатлари, фарзанд бурчини англаш муаммолари ахлоқ-одоб тарбиясидаги доно фикрлар, ривоят, ҳикоят, танбеҳлар орқали асослаб, тушунирилиб, мактаб ҳёти билан боғланади.

Маърузанинг якуний қисми.

Миллий меросимиздан қандай фойдаланишга доир методик кўрсатма ва тавсиялар берилади.

Мактабда “Ота-оналар куни”ни ташкил қилиш педагогик билим бериш турларидан биридир. Ота-оналарни мактабга маълум кунда таклиф этиб, турли ўқув-тарбия ишларидан хабардор қилиш анъанавий аҳамиятга эга бўлиб, у “Мактабда ота-оналар куни” ёки “Очиқ эшик-лар куни” дейилади.

Бу кундаги иш тартиби қўйидагича бўлиши мумкин.

1. Педагогик маслаҳат бурчагини ташкил этиш.
2. Болалар ижодиётидан кўргазмалар уюштириш.
3. Очиқ дарсларга ота-оналарни таклиф қилиш.
4. Тарбиявий тадбирларни уюштириш.
5. Ота-оналар учун концерт дастурини намойиш этиш.

Ота-оналар ва мактаб ҳамкорлиги методик жиҳатдан тўғри ташкил этилса ижобий натижга беради.

И БОБ. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ ИШ РЕЖАСИ

*(Тошкент вилояти, Тошкент тумани илгор мактаблари
иш тажрибасидан)*

Мактабда тарбиявий ишларни маънавий-ахлоқий негизлар асосида ташкил этиш

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли” (1992 й. 65-бет.) асарида мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари қўйидагича кўрсатилган:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик.
2. Халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
3. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши.
4. Ватанпарварлик.

Президентнинг бу фоялари Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конунида қўйидагича ифодаланади: “Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги

давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни, халқнинг тарихий тажрибасини, маданият ва фан бобидаги кўп асрлик анъаналарини, жамиятнинг истиқболлари ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади”.

Таълим — илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади. У Республиканинг заковати, жамият, оила ва давлат олди-даги ўз масъулиятини англайдиган ҳар жиҳатдан баркамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини кўзлайди. Тарбия жараёнида маънавий меросни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида халқ педагогикасининг қуидаги йўналишларидан фойдаланиш лозим:

1. Миллий урф-одатлар.
2. Халқ оғзаки ижодини ўрганиш (эртак, мақол, тошишмоқ ва бошқалар).
3. Миллий анъаналар.
4. Диний таълимот (тасаввух таълимоти ва ҳадислар).
5. Халқ оммавий санъати.
6. Халқ ракс санъати.
7. Кўшиқчилик санъати.
8. Халқ ўйинлари ва ўйинчоқлар.
9. Миллий хунармандчилик ва меъморчилик.
10. Марказий Осиё мутафаккирлари ва алломалари ижодини ўрганиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони асосида (1998 йил сентябрь), Ўзбекистон Республикаси Халқ таъими вазирлигининг 1999 йил 30 июль 115-сонли буйруғига кўра мактабда маънавий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш тадбирлари жорий этилди.

МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Тадбирлар номи	бажарилиш вақти	масул	бажариш ҳақида изоҳ
1. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоалари ўртасида Президент фармонини ўрганиш, шу асосда маънавият ва маърифат ишларини ривожлантиришга доир тадбирларни ишлаб чиқиши	сентябрь	раҳбарият ўқув мудири	

	1	2	3	4
ва уларни амалга оширишни таъминлаш	ПОТЭМ	книжкам из наттёвых днэй. Азим ишҳа тиң шинадах жасеу		
2. Мактабда маърифий-маънавий ишлар акс эттирилган бурчаклар, хоналар ташкил этиш ва жиҳозлаш. Ҳар бир синфда Республикашим мустақиллигини мадҳ этувчи стенд ташкил этиш		ноябрь ташкилотчи -даги ялангида ҳикоянимумурий адабийлик шаптайдост яшшадиганда ғазираусид ва иртут шинекти ғид		
3. Мактабда маънавият ва маърифат ишлари буйича амалий ёрдам бериш мақсадида чақириқлар, мақоллар, шиорлар, ҳикматлар, сўзлардан паннолар тайёрлаш	ИММЕДСИ	ноябрь шист нафиска ва ишдебт -хасиётт тонго ҳиндида ваддани -хизбом. Шунте вакиҳат намоён шинекти ҳиндида сабт таъсиси твиум ва қасрина Ж" иштасиб. Ҳуммад ҳикоянчелни "Итаудуш		
4. Синф раҳбарларининг ўқув-чиларининг маънавий-ахлоқий тарбиясини ташкил этишдаги масъулиятини ошириш, (тарбиявий соат) самарадорлигини кучайтириш, одобнома дарсларининг таъсирчанигини таъминлаш, тарбиявий соатларда муҳокама этиладиган баҳслар, сұхбатларнинг таҳмияний режасини ишлаб чиқиши		декабрь шет одобнома тиңидати эс шиниму ӯқитувчиси сабути ва шунте шинидати шинома ошот		
5. Кўпмиллатли мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳақида "Туркистон—умумий уйимиз", "Бахтимиз қомуси — фаровонлик кафолати" мавзууда умумтаълим мактабларида кечалар, семинарлар ўтказиш		январь ташкилотчи	январь ташкилотчи	
6. Ватан тарихини билмай туриб уни тўла севиб бўлмайди. "Ватан — остоидан бошланади" мавзууда викторина ва тарбиявий соатлар ўюштириш		январь Тарих метод бирлашмаси	январь ташкилотчи	

1	2	3	4
7. Ўсиб келаётган ёш авлодни ўзбек халқининг энг яхши мажнавий ва маданий мерослари, умуминсоний қадриятлари руҳида тарбиялаш мақсадида ўқитувчи ва ўкувчилар ўргасида тадбир ўтказиш	ноябрь	Адабиёт метод бирлашмаси	
8. Ўқиш жараёнида ҳамда мактабдан ва синфдан ташқари ишларда ҳарбий спорт тўғаракларини ташкил этиш, мардликжасорат дарсларини ўтказиш	январь	Ҳарбий таълим раҳбари	
9. Мактабда "Жанговар ва меҳнат шуҳрати" ўлкашунослик музейларининг ишларини ташкил этиш ва уларнинг иш мазмунини такомиллаштириш	январь	Ҳарбий таълим раҳбари	
10. Ўқувчи-ёшлар ўргасида фольклор-этнографик фестивалини, кувноқ стартлар мусобабақаларини ўтказиш	март	ташкилотчи	
11. Ҳарбий қисмларга саёҳат уюштириш, ҳарбий хизматчини мактабга таклиф этиш. Ҳарбий ўқув юртлари курсантлари билан учрашувлар уюштириш	май	Ҳарбий таълим раҳбари	
12. Ҳайкаллар, ёдгорликлар, мемориаллар, зиёратгоҳ жойларга ҳомийлик қилишни ташкил қилиш, хотира ва қадрлаш кунида уруш, меҳнат ногиронларига ёрдамлар уюштириш		ташкилотчи	
13. Мактаб ва жамоатчилик ҳар чоракда хотин-қиз-лар кенгапши			
билан ҳамкорликда "Асрларнинг маданияти", "Қизлар иффати", "Аёл маърифати", "Аёл — тарбиячи устоз", "Аёл — уй бекаси",			

1	2	3	4
---	---	---	---

"Аёл — тадбиркор" каби мавзуларда сұхбатлар, учрашувлар уюштириш, таниқли олимдарни, ёзувчиларни, ишчи ва үй бескаласын бу тадбирларга таклиф этиш

14. Эрталабки йигилишни ўтказиш, ҳар ойда бир марта Республика эришган ютуқлар ҳақида ахборот бериш
15. Мактаб, оила ва жамоат-чилик ҳамкорлигіда "Миллій истиқол мағқураси ва шарқона тарбиянинг айрим муаммолари" мавзууда конференция ўтказиш
16. Ўқувчи ёшлар мәннавий фазилатларини анықлаш
17. Тил — дил таржимони мавзууда анжуманлар ўтказиш
18. Ота-оналар билан тарбия мавзууда кеча ўтказиш. Ўқитувчи ва замон мавзууда мунозара ўтказиш
- | | |
|--|---------------------|
| | охирги шанба |
| | ташкilotчи |
| | хар чоракда |
| | ота-оналар күмітаси |
| | сентябрь |
| | ташкilotчи |
| | 21 октябрь |
| | ташкilotчи |
| | йил |
| | охирда |
| | ташкilotчи |
| | сinf |
| | раҳбари |

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилши вақти
1. Янги ўқув йили бошланиши билан ўқувчиларни табриклиш, мактаб мүлкіні, электр асбобларини ва сinf хоналарини сақлаш ҳақида сұхбат	сinf раҳбари	сентябрь
2. 1—9-sinf ўқувчилари мажлисини ўтказиб, сinf ва мактаб фаолларини сайлаш	ташкilotчи	сентябрь

1	2	3
3. Кўча ҳаракати қоидасига оид кўргазмали расмларни кўринарли жойларга осиш	ташкилотчи	йил бўйи "А"
4. Синф фаолларининг вазифаси нималардан иборат	ташкилотчи	аввалинчидан, салтъодху садеб
5. Радио тармоғи орқали қизиқарли эшиттиришлар, қўшиклар қўйиши	ташкилотчи	-мисо нежинат, шинчтишоғу ноябрь
6. Кўп дарс қолдирувчи ўкувчилар билан мунтазам равиша тарбиявий ишлар олиб бориши	ташкилотчи	-жиззатидат ўз инцидажад
7. Тарихий кунлар ва бошқа байрамларни нишонлаш	ташкилотчи	октябрь фик
8. Мустақиллик халқча бахт келтиради	ташкилотчи	-экинчилкни издепети
9. Мустақиллик кунининг йиллиги ва биринчи қўнгироқда атаб кечаштириши	ташкилотчи	"байрамларда йилни"
10. Йил давомида чиқарилган газета, ўтказилган ўЗМлар таҳлили	ташкилотчи	одномона сенябрь
		"негоммуммий мактаб тининидат шартни яхшида
		шаржана инцидентни
		множает танд май
		ипекату практикана ишлес
		яндешет ишлайд қалко-стО
		81

Мунозара учун мавзулар:

1. Ким бўлсан экан?
2. Чинакам бахт нима?
3. Одамнинг гўзалиги нимада?
4. Кимни қаҳрамон деса бўлади?
5. Кандай киши маданиятли ҳисобланади?

Мактабдан ва синфдан ташқари ишларга амалий ёрдам бериш ва назорат қилиб бориши

Тўгараклар	Низом	Имон ҳақидадат
1. Спорт	низоми фик	нишоншоғиб ишлай кечк юнис!
2. Мусиқа		нишонидат ишларни кечк ишонд
3. Рус тили		-бодес тиззеле инцидум бетсан
4. Химия		нишоншоғиб фик са инцид
5. Математика		тебдиха ишларни
6. Она тили		жем ишларни фик-е-І. 2.
7. Физика	нитоинишишт	-ким ва фик, дисциплинишони
8. Иффат клуби		шаржана инциденти
9. Ўзлик клуби		ишишни инциденти

ҚИЛИНАДИГАН ИШЛАР МАЗМУНИ

Тадбирлар иоми шарттагы шарт	масъул	бажарылыш вақти шарттагы шарт
1. Давоматни кузатиб бориш	синф раҳбари	хар куни
2. Тозадикни текшириб бориш	ташкилотчи	доимо
3. Күча ҳаракати қойдаси, мақтаб ўқувчилари қойдасини	ташкилотчи	етүйлүк ингожум үннөж. Лі шайыр
эслатиб бориш		
4. Мақтаб мүлкини күзінгендең шөд қорачигидек сақлашга ўргатиши	ташкилотчи	пінгілеу шарттам 81 шілтеде киеншілік ингожум 81
5. Синфдаги навбатчилар фаолияттеги текшириб бориш	синф раҳбари	тіннисиңдеңдегі оюн нағында шілтеде
6. Танаффус вақтіда коридор, мақтаб ҳовлисіда ва буфет олдидә тәртіб ўрнатиши	навбатчи	шапартау жаңа мөндеңдегі 05 шешін нағындаңындаң дінко нағында хар куни үзілесіндеңдегі оюн нағында
7. Радио тармоғи орқали ҳафта давомида күча ҳаракати қойдаларини түшүнтириб		
бориш шарттагы шарт	ташкилотчи	хар куни
8. Хар ойнинг охирги шанбасыда ДАН ходимлары билин учрашув ўтказиши		шындаңын ингожум шарттада 1
9. "Светофор" ўйинини ташкил этешіндеңдеңдегі оюн нағында	синф раҳбари	шілтеде 2. 5 шілтеде
10. Тұтарап ва ер участкаси тақсимоти		
11. 8—9-сinf ўқувчиларини ишига ва ўқишига тортиши	ташкилотчи	сентябрь
12. "Яңғы йыл" арчаси ва таътил күнларында қилинадиган ишлар	ташкилотчи	декабрь
13. Физика-математика фандарининг ўқытилиши	ташкилотчи	ноябрь
14. Кабинетларнинг жіхоздланишига раҳбарлық кулиш	ташкилотчи	октябрь

1	2	3
15. Кундаликлар тутилишини назорат қилиш	ташкилотчи	октябрь
16. Туризм ва ўлкашуносликни ташкил қилиш	ташкилотчи	сентябрь
17. Жонли мулоқотни йўлга кўйиш	ташкилотчи	ҳар чоршанба
18. Макулатура ва металлом топширишни ташкил этиш	бosh тарбиячи	
19. Ўкувчилар томонидан қилинган ҳуқуқбузарликнинг таҳлили	ташкилотчи	декабрь
20. Тарбияси оғир ўкувчилар билиб бориладиган ишлар ва уларнинг таҳлили	ташкилотчи	январь

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1.Давоматни кузатиб бориш	бosh тарбиячи	ҳар куни
2. Ёшлар ташкилоти ишларини кузатиб бориш	ташкилотчи	ҳар ойда
3. Болалаар тарбияси ишига раҳ- барлик, синф раҳбарларига ме- тодик ёрдам бериш	ташкилотчи	ҳар ойда
4. Синф раҳбарларининг мето- дик бирлашмаси, тўгараклар, клублар ишига раҳбарлик ва назорат қилиш	методик бирлашмалар	
5. Энг яхши синф раҳбарла- рининг ишини оммалаштириш	ташкилотчи	ҳар ойда
6. Ота-оналар ўртасида тарбия ҳақида суҳбат уюштириш	ташкилотчи	ҳар ойда
7. Мактаб бўйича ўқитувчилар ўртасида ҳафталик навбатчи- ликни ташкил этиш	ташкилотчи	ҳар ойда

1	2	3
8. Касб танлаш ишларига раҳбарлик қилиш	ташкилотчи	ҳар ойда
9. Тарбияси оғир болалар билан ишлеш ва ота-оналар билан судбат	ташкилотчи	ҳар чорак
10.Рўзнома ва ойномаларга обуна бўлишга раҳбарлик қилиш	кутубхоначи	
11. Мактаб "Касб танлаш" хонасини ташкил этиш	ташкилотчи	ноябрь
12. Фанлардан турли тўгараклар ташкил этиш	ташкилотчи	сентябрь
13. Тарбияси оғир ўқувчиларни тўгаракларга жалб этиш	ташкилотчи	январь

ВАТАНПАРВАР ВА БАЙНАЛМИЛАЛЧИ ИНСОН ТАРБИЯСИ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1. Юқори синф ўқувчиларига ҳалқимизнинг жанговар ўтмишидан ҳикоя қилиш. Улар онгига ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини янада чуқурроқ сингдириш	синф раҳбари ва х/т ўқитувчиси ташкилотчи	доимо
2. Ўқувчиларнинг ҳарбий тайёр гарликни эгаллашлари ҳақида тушунча бериш	х/т ўқитувчиси	
3."Олтин тож", "Беш қарсак" ўйинларини ташкил этиш	х/т ўқитувчиси	
4."Граждан мудофааси"ни ўтиш	c/p	
5.П. Жаҳон уруши қатнашчилари билан учрашув	c/p	май
6. Мактаб ислоҳотига биноан ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига доир мусобақаларда иштироқ этиш	х/т ўқитувчиси	апрель

1	2	3
---	---	---

7. Ёш авлодни Ўзбекистон
Мадҳияси, Байроги, Герби,
Конституцияси, Президентига
садоқатли қилиб тарбиялашынништ
8. Ўзбекистон ва бошқа давлат-
ларнинг рамзига ҳурмат билан
қараш

афғорон

протоколиништ

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Тадбирлар номи	масъул	бажарилыш вақти
1. Ўқувчиларнинг соғлом, ба- қувват ва чидамли бўлишла- рига аҳамият берини	с/р	имон ҳақида
2. Соғлом турмуш тарзи учун интилиш, муносиб оила содиён қилиб тарбиялашга эришиш		доимо
3. Истеъоддли болаларни аниқ- лаш ва улар билан алоҳида иш олиб бориш		харч
4. Ўқувчиларга спорт ва санита- риянинг аҳамиятини тушун- тириш		харч
5. Ўқувчиларни ювинган, та- ранган, озода ҳолда келишла- рини назорат қилиш		харч
6. Тозалик (санитария) бурчаги ишини яхшилаш		харч
7. Саломатлик мусобақаларини ташкил этиш	x/t, ж/т, мед.	йил охирида

СИНФ РАҲБАРЛАРИ ИШИНИ БОШҚАРИШ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилыш вақти
1. Илгор синф раҳбарларининг иш тажрибаларини оммалаштириб бориш, ҳар ойда бир марта йигилиш ўтказиш		
2. Синфларда тарбиявий ишларни режалаштириш ва ўтказиш	ташкилотчи	ҳар ойда
3. Тарбиявий соат ўтказиш тажрибаси		
4. Тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлапча синф раҳбарига ёрдам	ташкилотчи	доимо
5. Ота-оналар мажлисини ўтказишга ёрдам бериш	ташкилотчи	доимо
6. Ёш ўқитувчиларни тажрибали синф раҳбарларига бириктириб кўйиш		йил давомида
7. Тажрибали синф раҳбарлари ишини оммалаштириш	тарбиячи	ҳар чорак

МАҲАЛЛАДА ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилыш вақти
1. Фаол ота-оналар билан мажлис ўтказиш		ҳар чоршанба
2. Бола тарбияси юзасидан маҳалла фаоллари — олим, врач, руҳшунос, милиция ходимлари билан учрашув ўтказиш	ташкилотчи	
3. "Бола азиз, одоби ундан азиз"		сентябрь
4. Фарзандларимизни меҳнат-севарлик, Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш		февраль

1	2.	3
5. Мехнат фахрийлари билан учрашув	ташкилотчи	
6. Ота-оналар билан мактаб ҳамкорлигини ўрганиш, мактаб таъмирига ва ободонлаштириш ишларига ота-оналарни жалб қилиш	мактаб кенгаши	доимо
7. Тарбия самарадорлигини ошириш, мактабнинг оила, жамоатчилик билан ҳамкорлигини яхшилаб, ота-оналар қўмитаси, касаба уюшмасининг таъсирини ошириш	мактаб кенгаши	ҳар чорақда
8. Маҳалла билан ҳамкорликда йиғилишлар ташкил этиш	мактаб кенгаши	ҳар чорақда

МЕХНАТ ТАРБИЯСИ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1. Мехнат инсонни улуғлайди	мехн. ўқитув.	сентябрь
2. Ўқувчиларни меҳнат қилишга ўргатиб бориши	с/р	доимо
3. 8—9-синфлар ўқувчиларини ҲТБЮ, академик лицей ва коллежларга экскурсияга олиб бориши	ташкилотчи	сентябрь
4. Мехнатга қизиқтириш учун мактаб ҳовлиси ва кўчаларни синфларга бириктириб қўйиш	баш.тарб.	ҳар чорш.
5. Металлом ва макулатура йиғиш		

1	2	3
---	---	---

6. Таълимни умумий меҳнат билан борлаш, мунтазам ижтимоий фойдали меҳнатга ўқувчиларни жалб қилиш меҳн. ўқитувчи
7. 5—9-синф ўқувчилари учун "Моҳир кўллар" тўгарагини ташкилотчи 7.5—9-синф ўқувчилари учун "Моҳир кўллар" тўгарагини ташкилотчи сентябрь
- кил этиш

ИҚТИСОДИЙ ТАРБИЯ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1."Сув — ҳаводек зарур" темасида маъруза қилиш	с/р	сентябрь
2. Электр энергиясини тежаш ва унинг техникадаги аҳамияти		октябрь
3. Табиий газдан фойдаланиш	ташкилотчи	январь
4. Пахтадан олинадиган маҳсулотлар		декабрь
5. Ўқув куролларини кўз қорашибидек сақлаймиз		апрель

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1. Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида маъруза ва суҳбат	с/р	ноябрь
2. Сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш ҳақида суҳбатлар олиб бориш		февраль
3."Кўшлар — бизнинг дўстимиз" мавзууда тарбиявий соат ўтказиш		март

ХУҚУҚИЙ ТАРБИЯ

Тадбирлар номи	масъул	бажарилиш вақти
1.Бош вазир лавозими, Президент аппарати, Вазирлар Маҳкамаси, хукумат ва бошқа органларнинг вазифаси	с/р	доимо
2.Жамият мулкини кўз қорачигидек сақлаб боришга ўқувчиларни ўргатиш	с/р	доимо
3."14 ёшдан бошлаб жиноят қылганлар суд ҳукми билан жазоланиади" мавзууда сұхбат	ташкилотчи	доимо
4.Тарбияси оғир ўқувчиларни ҳисобга олиш	с/р	ҳар чор.
5.Ҳар бир жиноий иш учун жазоланишини ўқувчиларга тушунтириш	ташкилотчи	
6.Хуқуқ тарбиясига оид "Эркаклар билан хотин-қизлар teng хукуқидир" мавзууда сұхбат	х/қиз.кенгаши	декабрь
7.Ўқувчилар орасида матьмурый орган ходимлари билан учраптурва сұхбатлар ўтказиш	ташкилотчи	февраль
8.Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри, холисона баҳо беришга ўргатиш		

МАЬНАВИЙ-МАЬРИФИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИ ХОНАЛАРИНИ БЕЗАШ БҮЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Одоб илми имкон даражасига кўра маҳсус хоналарда ташкил қилиниши лозим. Мана шу хоналардан бирини “Маънавият ва маърифат” хонаси деб агадик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фанологияни янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошидаги “Олгин мерос” халқаро жамғармасини кўллаб-кувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва қарорларини ҳаётта тадбиқ этиш, Республика Халқ таълими вазирлигининг 1996 йил 13 сентябрдаги С—19 сонли қарорини бажариш ва тадбирларини амалга ошириш, ўқувчи ёшларни юксак маънавиятли, комил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида барча таълим-тарбия муассасаларида “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шундан келиб чиқиб, Республика таълим-тарбия муассасаларига бу борада методик ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика Таълим Маркази қошидаги “Маънавият ва қўшимча таълим” бўлими “Маънавият ва маърифат” хоналарини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар”ни ишлаб чиқди.

Методик тавсиялар таълим-тарбия муассасалари маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари, тарбиячи ва кутубхона мудирлари учун мўлжалланган.

Ундан шароитни эътиборга олиб, ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш тавсия этилади¹.

“Маънавият ва маърифат” хонасини безатиш, албатта мураккаб ва кенг қамровли иш.

Мазкур методик тавсияноманинг дастлабки бўлими “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” деб аталади. Хонани бе затувчи ким бўлишидан қатъи назар, у ўқитувчими, тарбиячими, ташкилотчи ёки синф раҳбарими, бу бўлимда

¹ Ушбу “Маънавият ва маърифат” хоналарини безаш бўйича методик тавсиялар” Республика Таълим Маркази қошидаги Маънавият ва қўшимча таълим бўйича илмий-методик кенгашининг 1996 йил 26 декабрдаги йиғилишида чоп этишга тавсия этилган.

асосий ургуни Ватан тушунчасининг нақадар кенг ва улуг, туганмас ва құдратли эканлигига қаратиши керак. Ватан бу кишининг туғилиб ўсган юртигина эмас, балки кишининг иймони, виждони, тили, дини, қолаверса, ўзлигидир. Ана шу бокий тушунчалар негизида мамлакатимиздаги күхна ва навқирон шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хиванинг таъриф-тавсифини келтириб ўтиш ниҳоятда ўринлидир.

Кейинги бўлим “Ватанин севмоқ — иймондандир”, деб номланади. Аслида бу мавзу юқорида келтирилган фоянинг узвий давоми бўлиб, Ватанин кўз қорачиғидек асраш кераклиги ҳақидаги тушунча билан тўлдирилади. Демак, Ватанин севмоқ — иймондандир. Элим деб, юртим деб ёниб яшаш ҳар бир фуқаро учун улкан баҳт.

“Ўзбекистон — Ватаним маним”. Ҳа, бу юрт ҳар бир қалбга Ватан суратини чизган макондир. Бу бўлимда Ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тан олингани, (1991 йил 31 август), юртимиз харитаси, герби, байроғи, мадхияси, Конституцияси ҳақидаги батағсил маълумотлар ўз аксини ва ифодасини топмоғи керак.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти” деб аталувчи галдаги бўлимда Республикамиз Президентининг таржимаи ҳоли, сурати, амалга ошираётган ишлари кўрсатиб берилиши керак, И. А. Каримовнинг асарлари — маънавият дурдоналари. Демак, “Маънавият ва маърифат” хонасидан, албатта, Президентимизнинг маънавиятга даҳлдор асарлари жой олмоғи шарт ва зарур.

Шунингдек, Президентимизнинг турли йигинларда сўзлаган нутқлари, у ҳақдаги асарлар ҳам мазкур хонага мазмун ва руҳ бағишлиши табиий.

“Маънавият — ҳаёт кўзгуси”. Бу мавзу мазкур хонага энг катта ва чуқур мазмун бағишлишини унутмаслигимиз керак. Мазкур бўлимга маънавиятга даҳлдор ҳужжатлар кўйилади. Масалан, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини такомиллаштириш ва самардорлигини ошириш” тўғрисидаги (1996 йил 9 сентябрь) Фармони, “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази қошида “Олтин мерос” ҳалқаро ҳайрия жамғармасини кўллаб-куватлаш тўғрисида”ги (1996 йил, 27 сентябрь) қарорлар жой олади. Бунда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги (1999 йил, 21 октябрь) Қонуни тўғрисида маълумот берилади.

“Маънавият — олий қадрият”.

Ҳа, чиндан ҳам шундай. Маънавиятимизнинг улкан алломалари бор экан, халқимизнинг маданияти, санъати, урф-одатлари тақомиллашаверади. Юсуф Ҳос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Мусо ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захирiddин Муҳаммад Бобур, Но-дирабегим, Огаҳийлар маънавиятимизнинг ўлмас сиймалари. Тариқат ва фикр илмининг асосчилари Ат-Термизий, Исмоил ал-Бухорий, Абдулхолиқ Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Замаҳшарий, Баҳоуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий кабиларнинг ўтиг-насиҳатларидан намуналар. “Куръони Карим” ва Ҳадиси Шарифлардан келтирилган дурдона фикрлар ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Тарихий миллый қаҳрамонларимиз — Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Маҳмуд Торобий, Амир Темур ҳақида қисқа-қисқа маълумотлар келтириш ҳам мақсадга муво-фиқдир.

Истиқлол учун курашган Беҳбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдураф Фитрат, Абдулла Қодирий каби адаб ва олимларнинг суратларини чизиш ёки тайёр портретларини топиш ўқувчиларнинг мустақил юртимиз тарихи ва бугуни ҳақидаги тасаввурларини кенгайтиради.


“Маънавият — олий қадрият” мавзуига ёндашганда эса халқимиз урф-одатларига ҳам алоҳида банд сифатида муносабат билдириш талаб қилинади. Масалан, қандай? Ота-онага ҳурматда бўлиш, устознинг отадан ҳам улуг эканлигини таъкидлаш. Маҳалланинг тарбия ўчоги эканлигини мисоллар орқали тушунтириш. Етти авлод шажарасини билиш. Байрам ва маросимлар ҳақида ҳикоя қилиш. Мустақиллик, Наврӯз, Конституция куни, Ийд Рамазон ва Курбон ҳайитларига изоҳ бериш. Ниҳоят, тўй-тантаналар, уларнинг турлари ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бериш лозим.

Сўнгти мавзулардан бири “Оила — маънавият асоси” деб номланади. Оилада ота-онанинг алоҳида ўрни борлиги таъкидланади. Бола тарбияси ота-она зиммасидаги улкан масъулият. Аммо фарзандлик бурчи ҳақида ҳам гапи-

риб ўтишни унутмаслик керак. Оиланинг мактаб ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорлиги ҳам эзгу ишга хизмат қилиши уқтирилади. Оилавий анъаналар — тўй ва туғилган кунларни нишонлаш ҳам маънавият асоси.

“Маънавият ва оммавий ахборот воситалари” мавзуи ҳам долзарб. Чунки бизнинг маънавий ҳаётимиз, аввало, вақтли матбуотда акс этади, кўринади. Бу бўлимда оммавий ахборот воситалари — газета, журнал, радио, телевидение ҳақида тўхтаб ўтилади. Бинобарин, вақтли матбуотнинг инсон маънавиятини шакллантиришдаги буюк хизматини тан олмай иложимиз йўқ. Мазкур мавзуга ёндашганда, Республикаизда телевидение ва радиоэшиттиришларнинг нечта дастур асосида иш олиб бораётгани, қанча ва неча нусхада газета-журналлар чоп этилаётганини факт-рақамлар орқали кўрсатиб ўтиш тавсия қилинади.

Хуллас, “Маънавият ва маърифат” хонасини қай дараҷада безатиш ўзимизга, ўз маҳоратимиз ва изланишимизга боғлиқ, Демак, излансак, ижодий ёндашсак, маънавиятни юксалтиришга ўзимизнинг камтарин хизматимизни кўшган бўламиз.



А. Аблоний номидагы ХХХМОИ тарбияттын бүйчік ишлар бүйчік проректор С. Мирсоликов. 1998 й.

**КИТОБ ТУМАНИДАГИ АЛИШЕР НАВОЙИ НОМЛИ МАКТАБДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ОТА-ОНАЛАР ПЕДАГОГИК ЎҚУВИНИНГ
ИШ РЕЖАСИ**

Мұхомама этиладиган мавзулар	вақти	бажарувчи шахс
<i>1-машгүлөт</i>		
1. Ёш ота-оналар педагогик ўкувийнинг йиллик режасини тасдиқлаб олиш	Сентябрь	Лектор
2. Ёш ота-оналарга методик маслаҳатлар бериш		Ўқитувчи
<i>2-машгүлөт</i>		
1. Болани мактабга тайёрлашда ота-онанинг вазифаси нимадан иборат?	Октябрь	Ўқитувчи
2. Болалардаги инжикликларнинг ҳосил бўлиш сабаблари	—	Врач педагог
<i>3-машгүлөт</i>		
1. Ўқувчининг кундалик режими тўғрисида	Ноябрь	Лектор
2. Оиласда ота-онанинг вазифаси ва уларга доир маслаҳатлар	— " —	— " —
<i>4-машгүлөт</i>		
1. Мактаб ва ота-оналар ҳамкорлиги тўғрисида	Декабрь	м/б директори
2. Ўқувчилар иштирокида концерт намойиши	— " —	— " —
<i>5-машгүлөт</i>		
1. Болани овқатлантириш, кийинтириш ва чиниқтиришга доир маслаҳатлар	Январь	врач
2. Кинофильм намойиш қилиш	— " —	— " —

1	2	3
---	---	---

6-машгулот

- | | | |
|---|---------|-----------|
| 1. Дарсلىклар, кундаликларни сақлаш ва ундан фойдаланиш түгрисида | Февраль | Үқитувчи |
| 2. Синф раҳбари ва ота-она ҳамкорлиги түгрисида | Февраль | Синф раҳ. |

7-машгулот

- | | | |
|--|------|------------|
| 1. Ёш ота-оналарнинг болага тарбия беришида қонун талаби | Март | Қонуншунос |
| 2. Ота-оналар билан суҳбат ўтказиш | —" — | —" — |

8-машгулот

- | | | |
|---|--------|--------------|
| 1. Болани соғлом ўстиришнинг ўзига хос ҳусусиятлари | Апрель | Врач маслаҳ. |
| 2. Болаларни тўтаракларга қатнаштиришнинг аҳамияти | —" — | —" — |

9-машгулот

- | | | |
|--|------|----------------|
| 1. Ёзги таътилларни қандай ўтказиш керак? | Май | Лектор ўқитув. |
| 2. Ота-оналар билан анкета саволларини ўтказиш | —" — | —" — |

КИТОБ ТУМАНИДАГИ ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ 4-ЎРТА МАКТАБДА ЮҚОРИ СИНФ ҚИЗЛАРИ ИШТИРОКИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ИФФАТ КЛУБИ"НИНГ ИШ РЕЖАСИ

Мұхоммад этиладиган мавзулар	вакти	бажарувчи шахс
------------------------------	-------	----------------

1-машгулот

- | | | |
|---|----------|-----------------------------|
| 1. "Иффат клуби"нинг мақсад ва вазифалари. "XXI аср аёли қандай бўлиши керак" | Сентябрь | Хотин-қизлар қўмитаси раиси |
| 2. Балорат ёшидаги қизлар гигиенаси | —" — | Врач |

1	2	3
3."Иффат клуби"нинг йиллик иш режасини тасдиқлаб олиш	—"	—"
<i>2-машгулот</i>		
1. Кийиниш маданияти, юриштуриш ва сўзлашиш маданиятига доир маслаҳатлар	Октябрь	Пиру бадавлат онахон
2. "Энг яхши уй бекаси" кўриктанловини ўтказиш	Октябрь	Уй бекаси
<i>3-машгулот</i>		
1. Балорат ёшидаги қизларни оиласа тайёрлашга доир маслаҳатлар	Ноябрь	Врач
2. Миллий қадрияtlар ва уларга амал қилишининг аҳамияти	—"	Лектор
<i>4-машгулот</i>		
1. Мехмон кутишга доир кўргазмали машгулот	Декабрь	Кизлар
2. Ҳадислардан намуналар	—"	—"
<i>5-машгулот</i>		
1. Севги-муҳаббат туйгуларини ҳис этиш ва унга нисбатан ўзини тайёрлаш тўғрисида	Январь	Лектор
2. Ор-номус мавзууда давра сұхbatлари ўтказиш	—"	—"
<i>6-машгулот</i>		
1. Одоб-ахлоқли ва юксак маданиятили бўлишининг ўзига хос хусусиятлари	Февраль	Лектор
2. Бичиш-тикишга доир кўриктанловлар ўтказиш	—"	—"
<i>7-машгулот</i>		
1. Миллий урф-одатлар ва анъаналар, миллий расм-ру сумларга доир мунозаралар	Март	Лектор

1	2	3
2."Наврўз" сайлиниңг ўтиши	—"	—"
8-машгулот		
1.Қызларга доир маслағатлар	Апрель	Врач
2.Кино намойиш этиш	—"	—"
9-машгулот		
1.Якуний машгулот	Май	Лектор
2.Анкеталарга жавоб бериш	—"	—"

**КИТОБ ТУМАНИДАГИ А. ХЎЖАЕВ НОМЛИ З-ҮРТА МАКТАБДА
ТАШКИЛ ЭТИЛГАН "ЎСМИРЛАР КЛУБИ"НИҢ ИШ РЕЖАСИ**

Мұхомама этиладиган мавзуулар	вақти	бажарувчи шахс
1-машгулот		
1."Ўсмирлар клубининг йиллик иш режасини тасдиқлаш	Сентябрь	Маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари
2.Ўсмирларнинг кунцалик режими тўғрисида	—"	—"
2-машгулот		
1.Кийиниш маданияти, юриш туриш ва сўзлашиб маданиятига доир маслағатлар	Октябрь	Ўсмирлар етакчиси
2.Миллий қадриятлар ва уларга амал қўлишнинг аҳамияти. Ўсмирларнинг Ватан олдидаги бурчи	—"	Маънавият ва маърифат бўйича дирек. ўринбосари
3-машгулот		
1.Ор-номус, севги-муҳаббатта доир суҳбатлар	Ноябрь	Маънавият ва маърифат бўйича дирек. ўринбосари
2.Ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликка доир суҳбатлар	—"	—"

1	2	3
---	---	---

4-машгулом

1. "Ўсмир ва ота-она" мавзууда
давра сұхбати
2. И. Каримовнинг "Оллоқ қал-
бимизда, юрагимизда" асари
асосида ойлалар билан учрашув

Декабрь

—“—

—“—

—“—

5-машгулом

1. Касб танлашта оид сұхбат
2. "Ўсмир ва қонун" мавзууда
сұхбат

Январь

—“—

Маънавият ва
маърифат бўйича
дирек. ўринбосари

Хукуқ идораси
билин
ҳамкорликда

6-машгулом

1. Ўсмир ва телевидение, видео-
фильмлар мавзууда сұхбат
2. Кинофильм намойиш этиши

Февраль

—“—

Маънавият ва
маърифат бўйича
дирек. ўринбосари

—“—

7-машгулом

1. "Ўсмир ва спорт" мавзууда
сұхбат
2. Ўсмирларнинг мактабдаги ва
мактабдан ташқари тўгарак-
лардаги иштироки ҳақида

март

—“—

Ж/тарбия ўқитув.

Маънавият ва
маърифат бўйича
дирек. ўринбосари

8-машгулом

1. "Ўсмир ва наркотик моддалар"
мавзууда сұхбат
2. "Ўсмир ва дин" мавзууда сұх-
бат

Апрель

—“—

Маънавият ва
маърифат бўйича
дирек. ўринбосари

Синф раҳбари

9-машгулом

1. Йил давомида амалга оширилган тадбирларнинг якуни	Май	Маънавият ва маърифат бўйича дирек.ўринбосари
2. Ёзги таътил давомида амалга ошириладиган вазифалар	—“—	Ўсмир етакчиси, синф раҳбари

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
<i>I БОБ.</i> Оилада болага бериладиган маънавий-ахлоқий тарбия	5
<i>II БОБ.</i> Умумий ўрта таълим мактабларида маънавий-маърифий, ахлоқий тарбияни ташкил қилиш методикаси	17
<i>III БОБ.</i> Маънавий-маърифий, ахлоқий тарбия ишларини ташкил этишининг шакл ва усуллари	50
<i>IV БОБ.</i> Маънавий-ахлоқий тарбия ишларини амалга оширишдаги педагогик маҳорат ва унинг асосий тамойиллари	70
<i>V БОБ.</i> Мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигини ташкил қилиш методикаси	77
<i>VI БОБ.</i> Маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларининг иш режаси	87

Методик қўлланма

Ж. ҲАСАНБОЕВ, М. ТУРОПОВА, О. ҲАСАНБОЕВА

Маънавий-ахлоқий тарбия асослари

(Умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилар, синф раҳбарлари ва ота-оналар учун методик қўлланмана)

Муҳаррир *Ҳ. Маҳмудова*
Мусаввир *Т. Герасимова*
Бадиий муҳаррир *А. Бобров*
Техн. муҳаррир *Т. Смирнова*
Китчик муҳаррир *Н. Фозилова*
Мусаҳид *Ф. Тўйчиева*

ИБ № 3729

Босиша 06.01.2000 й. да рускат этилди. Бичими $84 \times 108^1/_{32}$. Тип. Таймс гарнитура. Офсет босма. 5,88 шартли босма тобоқ, 5,5 нашр босма тобоги. Жами 3000 нусха. 1065 - рақамли буюртма. 43—99 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Fafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашиёти. 700129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент. Сағбон кўчаси. 1-берк кўча, 2-уй.